

СУЙИМА ҒАНИЕВА,
ҚОСИМЖОН СОДИҚОВ

ЁЗУВ ТАРИХИ ВА
КИТОБАТ САНЪАТИ

801
F-19

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

*СУЙИМА ФАНИЕВА,
КОСИМЖОН СОДИКОВ*

ЁЗУВ ТАРИХИ ВА КИТОБАТ САНЪАТИ

5A120104 – Шарқ мұмтоз адабиеті манбашунослиги ва
матншунослиги мутахассислиги бүйічә ўқиёттан талабалар учун
ўкув күлланма

Суйима Фаниева, Қосимжон Содиқов. Ёзув тарихи ва китобат санъати (ўқув қўлланма). –Т.: ТошДШИ, 2013 88 б.

Ушбу қўлланмада Марказий Осиё ҳалқларининг ёзув маданияти ва китобат санъати тарихи хусусида сўз юритилади.

Китоб талабалар ва шу соҳа билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

Тақризчилар:

*тарих фанлари доктори, профессор М. Исҳоқов
филология фанлари номзоди, доцент М. Эшимуҳамедова*

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2013 ийл 19 апрелдаги 128-сонли буйруғига асосан нашрга тавсия этилган (рўйхатга олии рақами 128-094)

© Суйима Фаниева, Қосимжон Содиқов
© Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2013

КИРИШ

Таянч тушунчалар: ёзув, графика; графемика, палеография, эпиграфика, нумизматика; китоб, китобат иши, ҳаттотлик санъати, китобат санъати.

Эътибор қаратиласидиган масалалар:

Ёзув кишилик тарихидаги буюк ихтиrolардан бири сифатида. Ер юзида тарқалган ҳозирги фонетик ёзувларнинг илдизи. Китоб тарихи: унинг юзага келиши ва тарихий такомили.

Ёзув кишилик тарихидаги буюк ихтиrolардан биридир. У жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида катта ўрин тутади. Ёзув замонлар ва маконлар узра ахборот тизимини яратиб берди; кишиликнинг ҳаётый тажрибаларини, адабий ва илмий меросини авлоддан-авлодга етказиб келди; маънавият ва тафаккур тараққиётининг узлуксизлигига, давлат ва жамият бошқарувига, адабий тил меъёрларининг бир қолипда амал қилиши ҳамда ёзма услубларнинг такомилига хизмат қилди. У ана шундай буюк хизматлари билан инсоният цивилизациясини таъминлаб берди.

Кишилик тарихида ёзув амалиётини пиктографик, идеографик, бўғин ёзувлари бошлаб берди. Алифболи (фонетик) ёзувлар тарихи, табиийки, инсон ўз нутқидаги товушларни фарқлай бошлаган, лингвистик билимлар анча такомиллашган даврларга тўғри келади.

Ер юзида тарқалган ҳозирги фонетик ёзувларнинг илдизи бир. Илк фонетик алифбони канъонийлар (финикийлар) ўйлаб топган эдилар. Улар ўз тилидаги ундошлар тизимига таянган ҳолда 22 белгили алифбони яратдилар. Ушбу хат фанда финикий (ёки канъоний) ёзуви номи билан юритилади. Фонетик ёзувлар ўша канъоний алифбосидан келиб чиқкан. Бу тизим қадимги юонон алифбоси воситасида Европага, оромий ёзуви воситасида эса Олд Осиё, Ўрта Шарқ ва Марказий Осиёга ёйилди.

Мелоддан бурунги VI асрда Мисрдан Марказий Осиёгача бўлган худудда аҳмонийлар сулоласи ҳукумронлик қилган. Бу сулола даврида давлат ишларида оромий хати амал қилди. Ўша кезлар Ўрта Осиё ҳам аҳмонийлар давлатининг қўл остида бўлгани учун, маҳкама ва хўжалик фаолиятида оромий ёзуви ва тили ишлатилган. Аҳмонийларнинг инқирозидан сўнг, ерли ҳалқлар дав-

лат ишларини ўз қўлларига ола бошладилар. Бунинг оқибатида миллий тилларнинг ҳам мавқеи кўтарилиди. Мелоддан бурунги V–IV юзийлликлардан аждодларимиз оромий алифбоси асосида ўз тилларига мос бўлган ёзувларни яратса бошладилар. Бошлаб хоразм, суғд, парфёний, бохтарий, авеста ёзувлари юзага келди. Кейинчалик бу шажара уйғур, моний алифболари билан бойиди. Бироқ бу ёзувларнинг илк босқичларига оид ёдгорликлар жуда оз сакланган. Бу тупроқлардан чиқкан археологик топилмаларга қаранда, Ўрта Осиё халқлари кўллаган айрим ёзувларнинг тарихи 2500 йилни бўйлади.

Китобат санъати ҳам аждодларимизнинг ёзув тарихи билан боғлиқ ҳолда шаклланиб, равнақ топган. У ҳам икки ярим минг йиллик тарихга эга.

Олимларнинг фикрича, “Авеста” китоби бошлаб оромий хатида битилиб тартибга солинган. Унинг сўнгти варианти эса авеста хатида кўчирилган.

Қадим Парфия тупроғидан мелоддан бурунги биринчи юзийлликка оид маҳаллий парфёний ёзувида битилган минглаб сопол парчалари чиқкан. Булардан ташкари, манбаларда парфёнийлар даврида “Авеста” ва бошқа китоблар битилганлиги ҳақида мъалумотлар бор.

Хоразм ўлкасидан топилган энг эски ёзув ёдгорликлари сопол буюмлар, ёғоч, чарм сиртига битилган хўжалик хужжатлари, астодонлар (ўликнинг суюкларини солиб кўмиладиган сопол идиш)даги ёзувлардир.

Суғд ёзувининг тарихи мелоддан бурунги III-II юзийлликлардан бошланади. Унинг илк даврларидан ёзувли танглар, мелоднинг бошларидан сополаклардаги ёзувлар қолган. Бизгача етиб келган суғд ёзувидаги йирик битиглар мелодий IV асрга оид. Улар узок йўлга отланган савдогарларнинг ўз юртига ёзган хатлари бўлиб, суғд мактубот жанрининг илк ва, шунинг билан бирга, гўзал намуналариридир. Хатларнинг услуби, матн тузилиши қадимги суғд адабиётида мактубот жанри юқори даражада эканидан далолат беради.

Суғд китоблари бирмунча кейинги даврларга тегишли. Улар будда, моний, насроний диний-ахлоқий асарлари бўлиб, суғдлар орасида ушбу динларнинг ёйилиши билан боғлиқ ҳолда яратилган. Суғд тилидаги китоблар ичida, айниқса, будда мазмунли асарлар

салмоқли ўрин тутади. Фанда бундай китоблардан ўттизтаси маълум; уларнинг баъзилари яхлит, кўпи узинди ҳолида.

Илк ўрта асрларда туркий тилдаги китоблар кўк турк, уйғур, моний ёзувларида битилган.

Ўрта Осиё халқлари китобат тарихида араб ёзувининг ўрни жуда катта. Ўрта асрларда бу ўлкаларда туркий, форсий ва араб тилидаги китоблар кенг ёйилди. Улар диний-фалсафий, адабий, тарихий, илмий асарлар, хукуқшунослик, табобатчилик ва бошқа соҳаларга оид китоблардир.

Сўроқ ва топшириклар:

1. *Кишилик тарихида ёзув ва унинг аҳамияти қандай?*
2. *Ёзув ва унинг тарихи билан шугулланувчи фан ҳамда унинг тармоқлари тўғрисида сўзлаб беринг.*
3. *Ёзув ва унинг илк кўринишлари тўғрисида сўзлаб беринг.*
4. *Илмий адабиётларга таяниб, фонетик ёзувларнинг илдизлари тўғрисида сўзлаб беринг.*
5. *Марказий Осиё халқарининг ёзув маданияти тарихи тўғрисида нималарни биласиз?*
6. *Ёзув тарихига багишланган китоблардан ва интернет материалларидан Марказий Осиё халқлари ёзув тарихи бўйича материал тўпланг.*
7. *Китобат иши, хаттотлик санъати, китобат санъати деганда нимани тушунасиз?*
8. *Марказий Осиё халқлари тарихида илк китоб яратиш тарихи қачондан бошланади?*

БИРИНЧИ БҮЛІМ

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИҢ ІСІКТІКІЛІГІНІҢ ЕЗУВ МАДАНИЯТИ ТАРИХИ

Таянч түшүнчалар: авеста ёзуви, қадимги хоразмий ёзуви, күк түрк ёзуви, сүгд ёзуви, моний ёзуви, браҳма ёзуви, сурёний ёзуви, араб алифбоси негизидаги түркій ёзув.

Эътибор қаратыладыган масалалар:

- Марказий Осиё халқларининг қадимги ва ўрта асрларда күллаган ёзувлари.
- Аждодларимизнинг улуғ кашфиети.
- Қадимги алифболарнинг имло принциплари.
- Ёзма ёдгорликлар очиқламаси.

Марказий Осиё халқларининг ёзув маданияти тарихида қатор, ҳар қайсиси ўзича такомил босқичига эришган бутун бошли ёзувлар тизими амал қылған. Жумладан, түркій халқлар эскида күк түрк, уйғур, моний, браҳма, сурёний ёзувлардан фойдаланды, бу ўлкаларга исломнинг кириб келиши билан араб ёзувига ўтилди. Сүғдлар эса миллий сұғд хати, моний ёзувларидан фойдаланды. Қадимги хоразм тили учун хоразм ёзуви, кейинчалик араб алифбоси ишлатылған.

Ўрта ва Марказий Осиё халқларининг маңнавиј-маданий юксалиши, давлатчилик тарихи, ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг юзага келиши, диний қарашлари, уларнинг құшни шарқ халқлари билан кечгап маданий муносабатларига боғлиқ ҳолда ёзув маданиятида ўзгаришлар юз берган. Баъзи ёзувлар халқнинг маданий, ижтимоий-сиёсий юксалиши, давлат ва жамият бошқарувининг тараққиети оқибатида юзага келген бўлса, бошқа бирлари кўпроқ диний таъсирлар ёки бу замин халқларининг құшни халқлар билан бўлган маданий, иқтисодий, савдо алоқалари натижасида қабул қилинган. Масалан, қадимги түркій халқлар моний, браҳма, сурёний ёзувларини құшни халқлар билан кечгап диний муносабатлар туфайли қабул қилғанлар. Түркій жамоаларда монийлик, буддизм, насронийликнинг ёйилиши ушбу ёзувларнинг ҳам қабул қилинувига сабаб бўлган эди. Шунинг учун ҳам моний

ёзувини факат түрк-моний жамоалари, браҳма хатини буддистлар, сурёний хатини эса насронийлар күллаган. Уйғур хати эса буткул ўзга бир маданий, иқтисодий муносабатлар туфайли шаклланды; түркій халқлар уни сұғд ёзуви негизида яратди.

Әнді бу күхна заминда яшаб келаётган халқлар ўтмишида чукур из қолдирған, уларнинг маданияти, адабиёти, адабий тилининг тараққиети учун хизмат килған ёзувлар хусусида сўз юритамиз.

КҮК ТҮРК ЁЗУВИ

Мелоднинг VI–VIII юзийллікларида Биринчи ва Иккинчи түрк хоқонликлари даврида яшаб ўтган түрклар ўзларини “күк түрклар” деганлар. Шунга таяниб, улардан қолған ёзма ёдгорликларни “күк түрк битиглари”, битигларнинг ёзувини эса “күк түрк алифбоси” деб атайды. Бу атамалардаги “күк” сўзи ранг мањносида эмас, у “илдиз, асл, туб” англамидаидир.

Хозирги илмий адабиёт ва қўлланмаларда уни “урхун-енисей ёзуви”, “түркій рун ёзуви” деб ҳам атайдилар.

Кўк түрк ёзуви түркій халқларнинг илк ва энг эски фонетик алифбосидир. Шунинг билан бирга, у түркій халқлар күллаган алифболарнинг энг такомиллашгани, қадимги түркій тилнинг фонетик-фонологик хусусиятларига тўла мувофиқ тушадигани эди.

Аждодларимизнинг улуғ кашфиети

Кўк түрк ёзуви аждодларимизнинг улуғ кашфиётидир. Унинг илдизлари ва шаклланган даври хусусида тугал бир тўхтамга келинган эмас. Туркшуносликда бу масалада қатор, ҳатто бир-бирига зид фикрлар билдирилган. Айрим олимлар унинг асосларини қадимги түркій тамғалар (уруг-қабила белгилари)га боғлаганлар. Уларнинг фикрича, кўк түрк хати айни тамғалар асосида шаклланган. Бошқа бир кўзқарашга биноан, ушбу ёзув оромий алифболари, аниқроғи, сүғд хатининг негизида ҳосил бўлған. Сүғдийнинг такомиллашган шакли мазкур алифбонинг шаклланувида асос бўлиб хизмат қилған; унга айрим ўзгартышлар киритиш, янги белгилар ортириш йўли билан ёзув түркій тилга мослаштирилган. Бу маданий жараён кўк түрк хоқонликлари даврида, тахминан, VI юзийллікларда юз берган.

Ёзувнинг генезиси масаласида яна бир фикр диққатга молик. Унга биноан, ушбу алифбо туркий мұхитда кашф этилган, шунинг учун унда туркийнинг фонетик-фонологик хусусиятлари яхши инобатта олинган. Шунинг билан бирга, у оромий, сұғд, пәхлевиј ёзувларининг кучли таъсирида бўлган¹.

Палеографик кузатувлар, қадимий ёзувларни ўзаро қиёслаш олимларни яна бир фикрга олиб келмоқда. Жумладан, олим А. Аманжоловнинг фикрича, ушбу ёзувнинг тарихи мелоддан бурунги I минг йилларларга туташади. Унинг олд Осиё ёзувларига ўзакдош бўлган қадимги юон ва сомий-финикий ёзувлари билан айрим жиҳатдан боғлиқлиги бор².

Қадимги туркий ёзувнинг келиб чиқиши ҳақидаги баҳс, афтидан, ҳали ўз ечимини топиши кийин кечар. Биз мазкур ўринда у ёки бу фикрга муносабат билдиримоқчи эмасмиз. Лекин ушбу масала ҳақида фикр юритганда ёзувнинг қуйидаги хусусиятларини эътиборга олиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Таъкидлаш керакки, кўк турк алифосининг тизими ва ёзув принциплари тамоман ўзига хос. У қадимги ҳамда ўртанча эроний тилларнинг товуш қурилишига мослашган оромий ёзувларидан фарқ қиласди. Маълумки, оромий ёзувларида ҳарфлар бир-бирига уланади. Кўк турк хатида эса ҳарфлар уланмай, айри-айри ёзилган. Туркий ёзув сұғд хатининг сўнгги такомиллашган курсивли туридан шаклланган экан, янги ёзувда ҳарфларни ажратиб ёзишининг маъниси нима? Бу ҳодиса ёзув тарихида прогресс эмас, орқага қайтиш бўлмайдими? Шундай бўлган деб ҳам фараз қиласлий. У ҳолда турклар сұғд хати негизида бошқа бир алифбо – уйғур хатини яратганликларини қандай тушунмоқ керак? Маълумки, уйғур хатини яратиш жараённида сұғдийдан у қадар чекиниш бўлгани йўқ. Уйғур хати палеографик жиҳатдан сұғдчанинг сўнгти тезкор шаклига жуда яқин туради. Назаримизда, уйғур хатининг кашф этилиши ва ўта оммалашуви, ҳатто кийинчалик кўк турк хатини сиқиб чиқарганлигининг сабабларидан бири ҳам унинг китобат ишида қулайлиги бўлган.

¹ Қаранг: Васильев Д. Д. Графический фонд памятников тюркской рунической письменности Азиатского ареала. –М., 1983. –С.5-9.

² Аманжолов А.С. К генезису тюркских рун. // “Вопросы языкознания”. 1978 № 2. –С.76-87; Его же: История и теория древнетюркского письма. – Алматы, 2003. –С.289-300.

Сұғд алифосида 22 ҳарф мавжуд эди. Уйғур алифосида унга бир белги – <I> ҳарфи ортирилиб, 23 ҳарфдан фойдаланилган. Лекин кўк турк матнларидаги ҳарфлар сони 38–40 атрофида (айрим матнларда бундан ҳам ортиқ). Юқоридаги фараз назарда тутилган тақдирда алифбода ҳарфлар сонининг салкам икки бор ортириб юборилишининг боиси нима? Ахир ҳарфлар миқдорини деярли саклаган ҳолда уйғур хатини яратган эмасмидилар?

Сұғдча ҳарфлар билан кўк турк ҳарфларининг баъзиларини ўзаро чоғишириш ҳам мумкин. Лекин туркий алифбода мазкур белгининг иккинчи эши-да бор. Масалан, <r> ҳарфи сұғдча <r>-га ўхшаш дейдиган бўлсак, унинг йўғон шакли – <r> сұғдчадагидан тамоман фарқ қиласди.

Яна бир хусусияти: кўк турк хатида айрим идеографик белгиларни ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, тадқиқотчиларнинг эътирофича, <y> қарфининг генезиси ау (ой) сўзи билан боғлик. Яъни ярим ойнинг кўринишини назарда тутиб, ушбу ҳарфни яратгандар деб фараз қилиш мумкин (ёзувда ау сўзи ой шаклидаги <y> билан ёзилади). Шунинг сингари <r> ҳарфи ег (одам) кўриниши, <oq> ҳарфи “ўқ”нинг кўриниши, <t> эса “том”нинг кўриниши асосида шаклланган кўринади, чамаси. Айни фараз тўғри бўлган тақдирда, кўк турк ёзувнинг туркий мұхитда кашф этилгани мутлақо шубҳа туғдирмайди.

Муҳими, ёзувда қадимги туркий тилининг фонетик-фонологик хусусиятлари тўлалигича инобатта олинган эди. Кўк турк алифоси туркий халқлар тарих давомида қўллаган ёзувлари ичida ўз тилларига энг мувофиқлашгани эди. Ёзувнинг бу каби хусусиятларини ҳисобга олмай, унинг асосини бошқа ёзувларга тўғридан-тўғри боғлаб қўйиш, назаримизда, ўзини окламас.

Кўк турк ёзувнинг оромий ёзувлари, хусусан, сұғд хатига айрим жиҳатдан боғлиқлигини умуман инкор этмаслик керак (бу ёзув ҳам финикий алифбо тизимига бориб туташади). Лекин ёзувнинг шаклланишини кейинги даврларга ёки айнан сұғд алифбосигагина боғлаб қўйиш, бизнингча, асосиз. Туркий ёзувнинг палеографик хусусиятлари ва фонетик-фонологик вазифаси унинг бир йўла эмас, аста-секинлик билан, асрлар давомида, қадимги туркийнинг товуш қуруми билан узвий ҳолда ривож топганидан далолат бермоқда.

Бизгача сакланиб қолган урхун-енисей битиглари ушбу ёзувнинг илк босқичига оид эмас, балки мазкур обидалар ёзувнинг

такомиллашган босқичида яратилган. Демак, ушбу ёзувнинг тарихи бизгача етиб келган ёдгорликлардан-да қадимийдир.

Кўк турк хатини баъзи олимлар бир пайтнинг ўзида кенгашиб яратилган, деб ҳам ҳисоблайдилар. Лекин сўнгти ўйнилликларда топилаётган ёдгорликлар ушбу ёзувнинг пайдо бўлган даврини милоддан аввалги асрлар билан боғлаш мумкинлигини кўрсатмоқда. Жумладан, Алмати яқинидаги Иссик кўргонидан, Ўзбекистоннинг жанубидаги қадимги шаҳар ҳаробаларидан чиқкан битиглар бунинг далилидир. Қадимги туркий ёзув маданиятини тадрижий жараён сифатида яхлит талқин этмоқ учун ушбу топилмалар устида яна чукур тадқиқотлар бажарилмоғи лозим.

Қадимги турк хати шу қадар кенг ёйилган эдики, ёзувнинг илк ўчоқлари қаерларда бўлган, деган савол ҳам туғилади. Бу масалада ёзув, асосан, кўк турк хоқонликлари даврида Енисей ва Урхун атрофларида ёйилиб, тараққий этган деб қараш кифоя эмас. Бир ёғи Сибирь, Олтой ўлкаларидан Марказий Мўғалистону Шарқий Туркестонга қадар, иккинчи ёғи Афғонистондан тортиб Каспий атрофлари бўйлаб Шарқий Европагача бўлган улкан ҳудуддан топилган ва топилаётган туркий битиглар илк ўрта асрларда ушбу заминда ёзув маданиятининг ғоят равнақ топганидан далолат бермоқда. Муҳими шундаки, мазкур ёдгорликларнинг хат шакли хилма-хил. Уларни палеографик жиҳатдан ягона гурухга бириклириб бўлмайди. Ҳар қайси ҳудудда амал қилган ёзув палеографик жиҳатдан ўзига хос; айrim белгилари, баъзи имло хусусиятлари билан ҳам фарқланиб туради. Жумладан, урхун битигларида қўлланган белгилар сони енисей ва талас битигларидаги белгилар билан баробар эмас. Матнларда бирбиридан фарқ қилувчи белгилар бор, айrim ҳарфларнинг шаклида ҳам ўзгариш юз берган. Ёки Ўрта Осиё ҳудудида ёзувнинг ўзига хос кўриниши амал қилган. Ёзувнинг бу хусусияти баъзи олимларни турк руний битиглари бир неча алифбода битилган деган мулоҳазага ҳам олиб кельмоқда. И.Л. Кизласовнинг фикрича, ушбу битигларда саккиз хил алифбо амал қилган. Урхун-енисей ёдгорликлари ўзаро яқин бўлган икки хил алифбо – урхун ва енисей хатида. Талас битиглари эса уларга ўзакдош учинчи алифбода битилган³.

Қадимги турк ўлкаларидан топилаётган ёзма ёдгорликлар, айниқса, уларда қўлланган хат шаклининг ўзаро фарқли эканли-

³ Кызласов И.Л. Древняя письменность Саяно-Алтайских тюрков. –М., 1994. –С.33.

гидан англашиладики, туркий ёзувнинг маданий марказлари бир эмас, бир қанча бўлган.

Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон заминидан топилаётган илк ўрта асрларга мансуб обидалар мазкур ҳудуд ҳам қадимда кўхна турк ёзувнинг маданий ўчоқларидан бири ўтганидан далолат бермоқда.

Кўк турк алифбосининг имло принциплари

Кўк турк ёзувида унлилар тўрт ҳарф ёрдамида ифода этилган: <a-ä>, <i-i>, <o-ö>, <u-ü>.

Муҳим белгиларидан бири, унлилар, асосан, биринчи бўғинда ёзилади, сингармонизм қонунига кўра кейинги бўғинда ҳосил бўлувчи унли ёзилмайди.

Ундошларни ифодаловчи ҳарфлар уч гурухга бўлинади:

(1) Ёзувда ундошларнинг йўғон ва ингичка эш(вариант)ларини фарқламайдиган ҳарфлар. Булар: z, m, ң, р, Ҷ, Ӯ, ну.

(2) Ёзувда ундошларнинг фонетик жуфтини билдирадиган ҳарфлар: b, b', Ӯ, g, d, d', y, y', q, k, l, l', n, n', r, r', s, s', t, t'.

(3) Ёнма-ён келган қўш ундошларни билдирадиган ҳарфлар: lt, nt, nҶ, rt.

Кўк турк ёзуви қадимги туркий тилнинг фонетик-фонологик, морфо-фонологик хусусиятларига мослашган эди. Буни ёзувнинг туркий сингармонизм (унлилар ўйгунилти) қонунига бўйсунганилигига яққол кузатиш мумкин. Ёзув белгилари сўзнинг фонетик-фонологик табиатини англатиб туради.

Баъзи ундошлар қандай унли билан ёндош келаётгани, бўғининг ҳолатидан келиб чиқиб, турли ҳарфлар ёрдамида ифода этилган. Масалан: [q] товуши -iq, -qi морфо-фонологик кўринишида муайян ҳарф, -aq, -qa ҳолатида бошқа бир ҳарф, -iq, -oq, -qu, -qo ҳолатида учинчи бир ҳарф билан ёзилади. Айни ҳодисани [k] товушининг ифодасида ҳам кузатамиз.

Кўк турк ёзуви ёдгорликлари

Кунимизгача сақланган кўк турк ёзув ёдгорликлари Биринчи ва Иккинчи турк хоқонликлари, уйғур хоқонлиги даврларига оиддир. Улар Мўғалистондан, Олтой ўлкаси ҳамда Енисей дарёси теварагидан, Шарқий Туркестондан, Талас ва Фарғона водийларидан, шунингдек, Шарқий Европада Дунай атрофларидан топил-

ган. Бу эса қадимги турк ёзувининг ана шу кенг худудда амал қилганидан дарак беради. Ёзувлар қабр тошлари, қоялар, сопол ва металл буюмлар ва таёчаларга битилган. Ёдгорликлар орасида қоғозга битилгандар ҳам бор.

Кўк турк битигларининг энг йириклари Мўғулистандаги Урхун дарёсининг теварагидан топилган. Бир пайтлар бу ерлар турк хоқонликларининг маданий марказлари эди. Турк хоқонликларининг пойтахти, йирик шаҳарлари ўша ерларда бўлган, шаҳарсозлик гуллаб-яшнаган. Ҳозир ўша шаҳарларниң харобалари қолган, холос. У ердан топилган битиглар кўк турк ва уйғур хоқонликлари даврида ўтган хоқонлар, саркарда ва йирик амалдорлар шарафига тикланган. Ушбу обидалар фанда «урхун битиглари» номи билан юритилмокда.

Урхун битигларининг эскилари Иккинчи кўк турк хоқонлиги замонига тегишли. Ўша кезлар яшаб ўтган давлат арбоби ва саркарда Тўньюкуққа қўйилган битигтош, Элтариш хоқоннинг кичик ўғли Кул тигин (=Кўл тигин) хотирасига унинг оғаси Билга хоқон ўғли Билга хоқон (=хитой манбаларида Мўғилан деб аталган) шарафига 735 йили тикланган битиг, VIII асрнинг биринчи ярмида (чамаси, 732 йили) саркарда Алп Элэтмиш хотирасига тикланган Ўнгин битиги, айни хоқонлик даврига мансуб Кули-чўр битиги шулар жумласидан.

Матн тузилиши жиҳатидан Кул тигин ва Билга хоқон битиглари алоҳида ажralиб туради. Иккала битигнинг муаллифи адаб ва муаррих Йўллуғ тигиндир. У Билга хоқоннинг ўғли эди. Отига “тигин” сўзининг кўшиб айтилиши ҳам шундан, “тигин” – қадими туркий тилда «шахзода» дегани.

Туркий адабиёт ва тарихнавислиги тарихида Йўллуғ тигиннинг икки асари машҳур. Асарлардан бири Билга хоқоннинг иниси, Йўллуғнинг амакиси Кул тигин шарафига, иккинчиси Билга хоқон шарафига битилиб, уларнинг қабртошига ёздирилган. Битиглар фанда ёдгорлик аталган кишиларнинг оти билан юритилади. Кул тигин битиги 732 йили, Билга хоқонга бағишилангани 735 йили тикланган.

Эътиборлиси, Кул тигин қабртошидаги ёзув икки тилда: асосий матн туркий тилда. Терс юзида хитойча матни ҳам бор.

Яна бир хусусияти, Кул тигин кичиг битигининг 1–11- сатрлари Билга хоқон битиги муқаддимасининг 1–7- сатрларида, Кул

тигин улуғ битигининг 1–30- сатрлари Билга хоқон улуғ битигининг 3–23- сатрларида тақорланади.

Машҳур саркарда Кул тигинга аталган битиг Билга хоқон кўрсатмасига мувофиқ тикланган, ундаги матн ҳам хоқон тилидан сўзланади. Эҳтимол, уни хоқоннинг ўзи айтиб туриб ёздириган чиқар. Ёзувчи Йўллуғ тигин отасининг сўзларини матнга туширган. Орадан уч йил ўтиб, Билга хоқон вафот этгач, унга бағишиланган битигни ҳам Йўллуғ тигин ёзди. Хоқоннинг аввалги ёдгорликка битилган мурожаатини олиб, бунисига ҳам киритди. Бироқ, кейинги битигдагиси бурунги матннинг сўзма-сўз қайтарифи эмас, балки ёзувчи томонидан қайта кўрилган, таҳrir этилган вариантидир. Матннинг қолган қисми ўзича давом этади: Кул тигин битигида саркарданинг фаолияти ёритилган бўлса, Билга хоқон битигида хоқоннинг эл эрки, улус фаровонлиги йўлида кўрсатган қаҳрамонликлари баён этилган.

Билга хоқон битигининг асосий қисми хоқон тилидан, хотима қисми ва иловалар эса муаллиф Йўллуғ тигин тилидан келтирилган.

Ушбу тарихий асарлар ўзининг баён услуби, тили билан бадиий асар даражасида. Муаллиф турли бадиий воситалярдан фойдаланади. Унда оғзаки ва ёзма адабиётнинг илғор анъаналари умумлашган. Муҳими, адаб бу таърифлар баёнида туркий тилнинг бор бадиий-услубий имкониятлари, бойлигини ишга солган. Бу асарларни қадимги турк адабиёти ва адабий тилининг энг ажойиб ёдгорликлари дейиш мумкин.

Олтой ўлкаси ва Енисей теварагидан топилган кўк турк ёзувидағи ёдгорликлар фанда “енисей битиглари” деб аталмоқда. Уларнинг сони жуда кўп. Лекин урхун битиглари сингари каттакатта матнлар эмас; йириклари 15–16 қаторли. Битиглар қабр тошларига, қояларга битилган.

Мўғулистандан топилган кўк турк ёзувли битигларнинг муайян қисми уйғур хоқонлиги даврига оид. Улардан айримлари қадими Қорабалғасун харабаларидан чиқсан. Қорабалғасун обидалари уйғур хоқонлиги давридан колган йирик ва ўта қадрли тарихий монументал ёдгорликлардир. Улар асл ҳолатида сакланган эмас. Мангутошлардан парчалар қолган, холос.

Буларнинг ичida 1- Қорабалғасун битиги эътиборни ўзига тортади. У катта бир тош парчасида. Ёдгорлик гўзал бир кўришида, бироқ анча шикаст еган. Эътиборлиси, ёдгорликнинг уст

кисмига бир тасвир ишланган. Ёдгорликни ўрганган олимлар ушбу тасвирни икки аждардир, дея талқин этмоқдалар. Аммо синчиклаб разм солган киши, тасвирда аждарни эмас, ўз ўлжасини еяётган арслонни кўради. Ҳарқалай, ёдгорликдаги тасвир арслон экани тайин. Сабаби, қадимги турк фалсафасида арслон – жасурлик рамзи. Аждар тимсоли эса хитой фалсафасига хос.

Остидаги қалқонга кўк турк ҳарфлари билан беш қаторли туркий матн битилган. Матннинг ўқилиши шундай: *[B]u teŋrikän teridä q[u]t bultuš al[p] bilgä teŋ[r]i uygur q[agān]* ... – Бу художўй Тангрининг қутига [иноятига] эришган Алп Билга уйғур хоқони....

3- Қорабалғасун битиги кўп йилдан бўён олимлар эътиборини қозониб келмоқда. Бунинг боиси, обиданинг уч тил – туркий, суғдча ва хитой тилида битилганлиги, шунингдек, унинг уйғур хоқонлиғи тарихининг мухим ёдгорлиги эканлигига. Ёдгорликнинг хитойча матнида ёзилувига қараганда, мангутош тўкуз ўғуз (уйғур) хоқони Алп Билга (хитой манбаларида Баои) хотирасига 820–821 йилларда тикланган.

Ёдгорлик ҳозир парчаланган ҳолда. Тош сиртидаги ёзувнинг ҳам ози қолган. Бошқаларига қараганда хитойча матннинг катта бўлажи мавжуд. Ёдгорликдаги суғдча матннинг ҳозирги туриши ҳам нисбатан яхши. Буларнинг ичида энг ёмон сақлангани туркий матнdir. Чунончи, тошнинг юзи анча емирилган бўлиб, матндан узук-юлуқ жумлалар, айрим сўз ва ҳарфлар қолган, холос.

Кўк турк хатидаги яна бир ёдгорлик фанда Сужа битиги номини олган. Битиг Мўғалистондаги Сужа довонининг жанубидан топилгани учун шундай аталади. У, тахминларга кўра, IX асрда ёзилган.

Кўк турк ёзувида битилган ва бизгача бутун ҳолда етиб келган ягона китоб “Ирқ битиги”dir. Қадимги туркийда *ırq* – “фол”, *ırq bitig* – “фол китоби” деган маънони англатади. Асар кўлёзмаси ҳозир Англияда Британия кутубхонасидаги С.А. Стейн коллекциясида (British Library, Or. 8212/161) сақланмоқда.

Асар якунида унинг номи қайд этилган: *Amti amraq oğlanıım, ança biliylär, bu ırq bitig edgü-ol* (Энди суюкли ўғилларим, билиб кўйинг, бу “Ирқ битиги” ийилидир). Шундан сўнг матннинг ёзилган таърихи, унинг кимларга аталгани битилган: *Bars yıl ekinti ay biş yigirmikä täygüntän manıştaqa kiçig dintar buruğuru eśidüşcimiz Isig Säyün İtäčük üçün bitidim* (Барс йили иккинчи ойининг ўн

бешида Тайгунтан Манистандаги кичиг диндор Буругуру шогирдлари Исиг Сангун ва Итачук учун битидим).

Асарда туш тъбъирлари баён этилади. У 65 бўлимдан иборат бўлиб, ҳар қайси бўлими муайян масалага бағишиланади. Китоб турк-моний жамоасида яратилган.

АВЕСТА ЁЗУВИ

Авеста хати қадимги авеста тилининг ёзувидир. Зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авеста” ана шу ёзувда. Ушбу ёзувдаги якка-ёлғиз ёдгорлик ҳам шунинг ўзидир. Мазкур диний асарнинг тили фанда “авеста тили”, китобнинг хати эса “авеста ёзуви” деб юритилмоқда. Баъзи мутахассислар авеста ёзуви ва тили фақат “Авеста” китоби учун яратилган деб қарайдилар. Аслида бундай эмас. Авеста тили ва ёзуви қачонлардир зардушт жамоалари орасида кенг амал қилган. Кейинчалик бу тил истеъмолдан чиқиб, ўлик тилга айланган. Шунинг билан бирга, ёзув ҳам қўлланилмай қўйган. Лекин китоб тили дин тили сифатида сакланиб қолаверган.

ҚАДИМГИ ХОРАЗМ ЁЗУВИ

Хоразм ёзуви қадимги хоразм тили учун амал қилган. Фанда “қадимги хоразм тили” деб аталаётган тил ўртанса эроний тиллар туркумига мансуб бўлиб, мелоднинг XII–XIII асрларига қадар, асосан, Хоразмда амал қилган эди, кейин ўлик тилга айланди. Қадимги хоразм тили ёдгорликлари жуда оз. Уларнинг энг эскилари Хоразмда олиб борилган археологик қазишмалар чоғида чиқсан. Ушбу ёзув ёдгорликлари сополакларга битилган бўлиб, хати хоразм алифбосида.

Қадимги хоразм тилига мансуб айрим манбалар араб хатида. Масалан, Абу Райхон Берунийнинг “Осору-л-боқийя” асарида қадимги хоразм гlosсалари берилган. Шунингдек, Махмуд Замахшарийнинг “Муқаддамату-л-адаб” асарининг энг эски қўлёзмаларидан бирида ҳам қадимги хоразмча сўзлик келтирилган. Қадимги хоразм тилидаги манбалар оз бўлишига қарамай, улар асосида қадимги хоразм тилининг қисқа грамматикаси ишлаб чиқилди.

СУҒД ЁЗУВИ

Зарафшоннинг юқори оқимларидан бошлаб Қашқадарё воийси эскида Суғд ерлари эди. Бу ўлкада сүғдлар яшаган. Ёзма манбаларда улар *soğd-suğd*, туркий битигларда эса *soğdaq* номи билан юритилади. Суғдларнинг ўз тили, ёзуви бўлган.

Суғд ёзуви⁴ мелоддан аввалги III асрларда оромий хати негизида шаклланган бўлиб, мелоднинг XI асрига қадар сүғдларнинг миллий ёзуви сифатида амал қилган. Узоқ тарихий биродарлик таъсирида туркий халқлар учун ҳам хизмат қила бошлаган. Туркий уйғур ёзуви ҳам ана шу хат негизида шакллангани маълум.

Суғд тилининг секин-аста ўлик тилга айлана бориши ва истеъмолдан чиқиши билан баробар ёзув ҳам унтилган.

Суғд ёзма ёдгорликлари бошлаб қадимги Суғддан узоқ ўлкалардан – ҳозирги Мўғалистондаги Ўрхун дарёси яқинидан, кейинчалик Шарқий Туркистоннинг Турфон воҳасидаги қатор масканлардан топилган эди. Бундан ташқари Дунхуан яқинидаги қадимги мудофаа деворининг харобасидан ҳам суғдча кўлёзмалар чиқкан. Суғдларнинг қадим замонлардан шарқий ўлкаларга кўчиб кетиши, кейинчалик уларнинг халқаро савдо алоқаларида фаол иштироки туфайли карвон йўлларида суғд қишлоқлари пайдо бўлган. Мазкур топилмалар ҳам ўша қишлоқлarda яшаган, савдо ишлари билан юрган сүғдлардан қолган.

Шундай қилиб, сүғдлар ўша кезлар Марказий Осиё бўйлаб халкаро савдо ва маданий алоқаларнинг таъминловчилари бўлган эди. Уларнинг ўзлари ҳам маънавий-маданий камолот йўлида кўпгина халқлар эришган ютуклардан баҳраманд бўлдилар. Суғдлар Марказий Осиё халқлари ёзув маданиятига катта ҳисса қўшди: мелоднинг бошларида суғд хатидан уйғур хати, уйғур хатидан эса XIII асрга келиб мўғул, унинг асосида манжур ёзуви шакланди.

Бизгача сақланиб қолган суғд ёзма ёдгорликлари ниҳоятда кўп: улар шахсий хатлар, ҳўжалик ишларига оид, дипломатик ва хукукий хужжатлар, диний-ахлоқий асарлар, мақбара ёзувлари ва бошқа турдаги адабий асар узиндиларидан иборат. Улар орасида

диний-ахлоқий мазмундаги асарлар алоҳида ўрин тутади. Мазкур ёдгорликларни уч гурухга бўлиш мумкин: сүғд-будда, сүғдмоний ва сүғд-насроний асарлари.

Суғд алифбоси

Миллий суғд алифбоси мелоддан бурунги I мингийилликнинг иккинчи ярмида оромий хатини суғд тилига мослаштириб қўлаш натижасида шаклланиб, кейинчалик мустақил тараққиёт йўлига кўчган.

Суғдларда фонетик ёзувнинг пайдо бўлиши суғд тили адабий меъёрларининг шаклланиши билан баробар кечган. Даствлаб қисқа ҳўжалик ёзувлари, тангаларда, расмий ишларда кўлланган ёзув астасекин тилнинг грамматик меъёрларини ҳам шакллантира борди.

Суғд миллий ёзувининг энг эски намуналари бизга мелоднинг бошларига мансуб кумуш тангаларда етиб келган. Улардан-да эски ёдгорликлар топилгани йўқ. Ваҳоланки, сүғдлар ҳам алифбони хоразмийлар ва парфиёнлар билан бир кезда ўзлаштирган.

Суғд миллий алифбоси бошлаб оромий хатининг барча белгиларидан фойдаланган. У йигирма икки ҳарфдан иборат бўлиб, ҳаммаси суғдча матнларда ишлатилган. Даствлаб оромий тилида иш юритувчи маҳкамалар анъанаси асосида суғд матнларида ҳам парфиённий матнлардаги каби гетерограммалар оромийча ёзилиб, грамматик кўшимчалари суғдча бўлган кўплаб сўзлар бор эди. Ўзаги оромийча бўлган бундай сўзларни ёзувда акс эттириш учун оромий алифбосининг ҳамма белгиларидан фойдаланилган. Лекин кейинчалик кўпгина гетерограммаларнинг маъноси унтилиб, уларнинг ўрнига туб суғдча сўзлар кўллана бошлади ва суғд матнларида гетерограммалар сони кескин камайиб кетди. Окибатда оромий алифбосининг суғд тили фонетик тизими учун бегона товушларни ифодалайдиган тўрт белгиси кўлланилмай кўйди. Шундай қилиб, миллий суғд ёзувининг такомиллашган босқичида (VII–X асрларда амал қилган ёзувда) оромий алифбосида бўлгани сингари 22 та эмас, 18 белгидан фойдаланилган. Бунинг тартиби шундай: *a b y h w z y k d l m n s p c r š t*.

⁴ Суғд ёзуви ва унинг ёдгорликлари ҳақида М. Исҳоқов асарларида тўла маълумот берилган: Исҳоқов М., Раҳмонов Н., Содиқов К., Тўхлиев Б. Ўлмас обидалар (Ўзбекистон халқларининг қадимги ёзма ёдгорликлари бўйича тадқиқотлар). – Тошкент, 1989. 5–142– б.

УЙГУР ЁЗУВИ

Хозир “уйгур ёзуви” номи билан аталаётган қадимги туркий алифбо ўтмиш манбаларида бир қанча ном билан юритилган. Маҳмуд Кошғарий ўзининг “Девону лугатит турк” асарида уни “туркча ёзув” деб тилга олади. Алишер Навоий ўз мактубларининг бирида уни “туркча хат” деб атаган. Манбаларда мазкур ёзув “уйгур хати”, “мўғул хати” деб ҳам юритилган. Чунончи, ХІІІ асрда яшаб ижод этган шоирлардан бири Пури Баҳои Жомий ўз шеърларидан бирида уни “уйгур хати” (xatt-i shuguri:), машҳур тарихчи Ибн Арабшоҳ “Ажоибу-л-мақдур фи-навоиби Таймур” отли асарида “уйгур хати”, “Фокиҳату-л-хулафо” асарида эса “мўғул хати” деган. Ушбу ёзув “Ҳибату-л-ҳақоиқ”нинг 1480 йили Истанбулда Абдулраззок баҳши кўчирған нусхасида “мўғул хати” аталган⁵.

Кунимизгача етиб келган уйғур ёзувли ёдгорликларнинг энг эскилари ислом давридан анча бурун яратилган. Ушбу обидалар ўша давр турклари ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётиниң барча соҳаларини қамрайди. Адабий, диний-фалсафий, тарихий, илмий асарлар, хукуқий, расмий-дипломатик битиглар (ёрлиқ, тилхат, гувоҳнома ва б.), хўжалик ишларига оид матнлар, қаброшлар, ташрифнома ва бошқалар шулар жумласидандир. Мавжуд ёдгорликлар ичida, айниқса, монийлик, буддизм, насронийлик мухитида яратилган диний-фалсафий асарлар салмоқли ўринга эга. Уларнинг кўпи кўшни анаткак (санскрит), тўхри (тоҳар), суғд, тавғач (хитой) тилларидан қадимги туркйга ўтирилган бўлиб, ўша давр туркий адабиётида таржимачилик ҳам мухим ўрин эгаллаганидан далолат беради.

Уйғур хатининг жорий даври узоқ юзийилликларни қамрайди. Айниқса, унинг туркий халқлар араб ёзувини кўллай бошлаганларидан кейин ҳам ўз мавқенини йўқотмагани эътиборга сазовор. Маълумки, X асрда қораҳонийлар давлатида ислом расман қабул қилинди. Аммо кўшни идиқут ҳокимияти буддизмни ёқлаб, шарқий турклар орасида исломнинг ёйилувига тўскинлик қилди. Шарқий турклар шу кездан икки дунёга – “мусулмонлар” ва “мусулмон бўлмаганлар”га бўлинниб қолди. Мусулмон турклар

кўп ўтмай араб алифбоси асосида янги ёзув яратдилар. Оқибат, улар икки – анъана сифатида давом этиб келаётган қадимги турк (уйғур) ва кейинчалик ислом таъсирида қабул қилинган араб хатини кўллай бошладилар. Уйғур ёзуви Ўрта Осиёда XV асрнинг охирига қадар араб хати билан ёнма-ён ишлатилди. Бироқ, ислом таъсиридан узокдаги турк-буддистлар ёзув анъанасини узмай XVIII асрда ҳам ундан фойдаландилар. Уйғур хати ўз тарихи давомида ҳатто араб алифбоси билан ёнма-ён ишлатилган чоғларда ҳам турк давлат ва салтанатларининг асосий расмий ёзуви бўлиб келди. Маҳмуд Кошғарий турклар кўллайдиган алифбо хусусида маълумот бера туриб, айнан уйғур хатини келтиради. У ёзади: “Барча хоконлар ва султонларнинг китоблари, ёзувлари қадимги замонлардан шу кунгача Қашқардан Чингача – ҳамма турк шаҳарларида шу ёзув билан юритилган”⁶. Темурийлар замонида яшаб ўтган тарихчи Ибн Арабшоҳ ҳам ушбу ёзувнинг «чиғатойликлар»да шуҳрат топғанлигини алоҳида таъкидлаган эди: “Улар (“чиғатойликлар”) ўзларининг тилҳат, мактуб, фармон, хат, китоб, битим, солнома, шеър, қисса, хикоят, хисоб, хотира ва девонга тегишли ҳамма ишларини, чингизона тузукларини шу ёзувда ёзадилар. Бу ёзувни яхши билган уларнинг орасида хор бўлмайди. Чунки бу уларда ризқ очқичидир”⁷.

Уйғур хатининг XIV–XV юзийилликларда Маворауннаҳр ва Хуросон ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида тутган мавқеи бениҳоя катта.

Темурийлар даври маданияти, ижтимоий-сиёсий ҳаётида, давлатчилиги, ҳалқаро дипломатик муносабатлари тарихи, туркий адабиёт ва адабий тилнинг такомилида, тил ёзма меъёрларининг муайян қолишига тушуви ва туркий матнчиликнинг ривожида уйғур ёзувнинг аҳамияти катта бўлди. Қадимги турк ёзув анъаналарини сақлаган ва турк ислом дунёсида уйғур хатини сўнг бор кўллаган ҳам темурийлар эди. Темурбек уйғур хатининг ўз давлатининг расмий ишларида, ички ҳамда ҳалқаро дипломатик муносабатларда, бадиий адабиёт соҳасида, илмий доираларда кенг амал қилишига ҳайриҳоҳлик қилди ва бунинг ижросига катта эътибор қаратди.

⁵ Содиқов Қ. Уйғур ёзуви тарихи (Манбашунослик ва китобат тарихи масалалари). – Тошкент, 1997. 5–6. б.

⁶ Маҳмуд Кошғарий. Девону лугатит турк. I. – Тошкент, 1960. 50- б.
⁷ Рустамов А. Ибн Арабшоҳ туркий ёзувлар ҳакида. // “Адабий мерос” (5). – Тошкент, 1976. 39- б.

Темурбек кўзи тириклигига ёздирган туркий битигларнинг кўпичий уйғур хатида. Шуларнинг бири ўз даврининг улуғ обидаси сифатида тарихда қолган. Бу Түроннинг сultonни Темурбекнинг етти юз тўқсон учинчи йилнинг кўкламида (=1391 йилнинг апрели) Тўхтамишхонга қарши юриш бошлаган чоғда ёздирган битигидир⁸.

Ёзув маданияти тарихида темурийлар даври уйғур ва араб ёзувларининг ёнма-ён (параллел) кўлланилганлиги билан аҳамиятли. Бу чоғлар қадимги турк ёзув анъанаси давом этибина қолмай, уйғур ёзуви кенг ёйилди. Темурийлар замони уйғур хатининг гуллаб яшнаган даври саналади.

XV асрнинг охириларига қадар туркий халқларнинг асосий ёзуви ҳам уйғур хати эди. Ўша замонга мансуб туркий асарларнинг кўллётмалари икки хил ёзувда: қадимий кўллётмалари асосан уйғур, баъзан араб ёзуvida, кейинги даврларда кўчирилган нусхалари эса факат араб хатида. Уйғур ёзуви истеъмолдан чиққач, хон ва амирларнинг кутубхоналари демагандан, оддий халқ ичидаги қадимги туркий ёзувдаги китобларни сақлашга зарурат бўлмади, уларнинг кўпичи йўқолиб кетди. Темурийлар даврига мансуб асарларнинг кўпроқ кейинги даврларда, араб хати билан кўчирилган нусхалари сақланганлигининг сабаби ҳам шунда.

XIV–XV асрларда Маворунахр ва Хуросонда, китобатчилик катта ютуқларга эришди. Ўша кезлар Язд, Ҳирот, Самарқанд маданий марказларида уйғур хатида битувчи хаттотларнинг мактаблари вужудга келди. Темурийлар бу ноёб касб эгаларига доимий ғамхўрлик қилдилар, уйғур хатида битувчи котиблар уларнинг ҳимоясида бўлди. Чунончи, Ҳиротда кўчирилган уйғур ёзувли кўллётмалар Шоҳруҳнинг, Самарқандда Мирзо Улугбекнинг, Яздада эса Мир Жалолиддин(Жалолиддин Мир Чакмоқ)нинг буйруғи ва ҳомийлиги остида битилди.

Уйғур хати темурийлар давлатининг расмий ёзуви ҳам эди. Темурийлар ўз ёрликларини, расмий ҳужжатларини уйғур хатида ёзганлар. Темурбекнинг ўзи ёрликларини, қўшни мамлакатларнинг хукумдорларига ёзган мактубларини уйғур хатида ёздирган, темурийларнинг шажаралари ҳам айни ёзувда битилган. Ундан сўнг Шоҳух ва Мирзо Улугбек, Абу Сайд Мирзо ва унинг ўғли, Захирид-

дин Бобурнинг отаси Умар Шайх Мирзо ҳам ўз девонида, давлат ишларида қадимги туркий алифбодан кенг фойдалангани маълум.

Темурийлар давлати, жамият ва давлат бошқаруви, халқаро дипломатик муносабатлар тарихини ўзида акс эттирган расмий ҳужжатлардан айримлари кунимизгача сақланиб қолган.

Умуман, туркий халқларнинг ёзув маданияти тарихида уйғур хатининг аҳамияти катта. Унинг тарихий тараққиёти давомида темурийлар даври муҳим босқич саналади. Қадимги турк ёзув анъанасининг давом этишида, уйғур хатининг ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётдаги ўрнини белгилашда, расмий ва дипломатик муносабатлардаги мавқенини таъминлашда темурийларнинг хизмати катта бўлди. Эски ўзбек адабий тили (“чиғатой туркийси”) ёзма меъёрларининг тартибга тушишида, тил услубларининг тақомиллашувида, матн тузиш ва китобат ишининг янги бир босқичга эришуви, унинг гуллаб яшнашида уйғур хатининг хизмати катта бўлганини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Ушбу ёзув мумтоз ўзбек ёзма адабиётининг энг сара асарларини, темурийлар яратган улкан обидаларни кунимизгача етказиб келди.

Уйғур алифбосининг тизими ва имло принциплари

Уйғур алифбосида ҳарфлар ўн саккизта. Маҳмуд Кошғарий ўзининг “Девону лугатит турк” асарида уйғур алифбосини келтирди ва ҳар бир шакл остида араб ҳарфлари билан уларнинг маънисини ҳам беради⁹. Агар буни транскрипцияда кўрсатадиган бўлсак, ўн саккиз ҳарфли мазкур алифбо тубандаги кўринишга эга бўлади: *a w x v z q y k δ m n s b č r š t l*.

Алифбода ҳарфлар сони оз бўлишига қарамай, уйғур ёзуви-нинг имло принциплари пухта ишланган эди. Қатор ҳарфларга бир эмас, бир қанча товушни ифодалаш вазифаси юклатилган. Айниқса, ёзувнинг кейинги босқичида (XI–XV асрларнинг ёдгорликларида) баъзи товушларни фарқлаш мақсадида қўшимча нукта ва ишоратлардан унумли фойдаланилган. Пухта имло ва қўшимча график воситалар ёзувнинг имкониятлари кенг эканлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам уйғур хати асрлар оша туркий тилнинг фонетик талабларини бемалол қондириб келди.

⁸ Қаранг: Содиқов К. Уйғур ёзуви тарихи (Манбашунослик ва китобат тарихи масалалари). –Тошкент, 1997. 91-93- б.

⁹ Маҳмуд Кошғарий. Девону лугатит турк. I. 47-б.

Алифбо таркибидаги ҳарфларнинг кўпвазифалилик хусусияти ҳақида Маҳмуд Кошғарий алоҳида тўхталган эди. Унинг таъкидлашича, туркий тилдаги етти товуш уйғур ёзувида махсус белгисига эга эмас. Булар: *p*, *ž* (сирғалувчи), *g*, *ŋ* ҳамда арабча *j*, *f* лардир. Ушбу товушлар юкорида кўрсатилган ҳарфлар воситасида ифода этилган ёки улар сингари ифодаланиб, кўшимча белгилар билан фарқланган¹⁰. Бундан ёзувда кўйидаги товушлар бир хил ҳарфлар орқали ифода этилганлиги аён бўлади: *k–g*, *x–g̡*, *č–j–ž*, *w–f*. Сонор *ŋ* эса ёзувда икки ҳарф (*n+k*) билан берилган.

Алифбодаги ҳарфларнинг ўз номи ҳам бор. Бу ном муайян ҳарф ифодалаган товушга “фатха” кўшиб ҳосил қилинган: *a*, *wa*, *xa*, *va*, *za*, *qa*, *ya*, *kä*, *da*, *ta*, *na*, *sa*, *ba*, *ča*, *ra*, *ša*, *ta*, *la*. Бу кетма-кетлик қатъий алифбо тартибидадир. Ёдлашни кулайлаштириш мақсадида алифбо ҳарфларини тартиб билан учта-учтадан бирлаштирилиб, *awaxa*, *vazaqa*, *yakäda*, *manasa*, *bačara*, *šatala* тарзида ўқилган.

Уйғур алифбосидаги ҳарфлардан учтаси, ўрни билан, унлиларни ифодалашга хизмат қилган: <*a*> ҳарфи [a]-[ä~e] унлилари, [y] ундошини ифодаловчи <*ya*> ҳарфи [i]-[i~e] ни, <*va*> ҳарфи эса [u]-[ü]-[o]-[ö] унлиларини англатади.

Ёзувда ҳатто олд ва орқа қатор унлилар ҳам фарқланган. Ёзувнинг бу хусусияти суғд хатини туркчалаштириш жараёнида вужудга келган эди. Чунончи, суғдча ёзувда чўзиқ [a:] товуши қиска [a] дан кўшалоқ алиф орқали ёзилиши билан фарқланган. Турклар суғд хатини ўзлаштириш чоғида унинг баъзи принципларини ўз тилларига мослаштириб олганлар. Суғд хатида чўзиқликни англатувчи график белгилар уйғур ёзувида чўзиқ-қисқаликни эмас, туркий тил учун мухимроқ бўлган олд ва орқа қатор унлиларини фарқлашга хизмат қила бошлади. Турфондан топилган қадимги будда, моний матнларида сўз бошида кўшалоқ <*aa*> ҳарфи орқа қатор [a] ни, оддий <*a-*> эса олд қатор [ä (~e)] унлисини ифодалаган. Кейинчалик орқа қатор [a] товуши учун ҳам оддий <*a-*> ҳарфидан фойдаланиладиган бўлди. Сўз боши ва биринчи бўғинда олд қатор юмшоқ [ö]-[ü] унлиларини ифодалаш учун ҳам кўшалоқ белгидан фойдаланилган: “ва” ҳарфи ёзилиб, унга “йа” уланган. Олд қатор лабланган унлилар ёзувда шу усул билан орқа қатор [o]-[u] унлиларидан фарқ қиласди.

¹⁰ Ўша китоб, 48-б.

Матнларда чўзиқликни ифодалаш учун баъзан ҳарфларни кўшалоқ ёзиш ҳоллари кузатилади. Масалан: *oot* – ўт, олов, *ööć* – ўч, қасос, *uul* – асос, *yool* – йўл, *tüüs* – туш.

Мухим хусусиятлардан яна бири, уйғур хатида унлилар мунтазам ёзилади. Маҳмуд Кошғарий ёзувнинг бу хусусиятига тўхталиб, талаффузда ўрни йўклигига қарамай (бунда қисқа унлилар назарда тутилмокда – К.С.) фатха ўрнида ‘алиф”, замма ўрнида ‘‘вав”, касра ўрнида ‘‘йа” ёзиш қоида эканлигини таъкидлаган эди¹¹. У мисол тарикасида айрим сўзларнинг уйғур ва араб ёзувларида ёзилиш тартибини ҳам берган. Араб хатида – KeLiN, уйғур хатида – KELİN; араб хатида – TaPaN, уйғур хатида – TAPAN (тую товони)¹².

Уйғур ёзуви ёдгорликлари

Уйғур ёзувидаги мухим ёдгорликлар кўйидагилардир:

“Хуастуанифт”нинг қадимги туркий версияси. “Хуастуанифт” моний динининг фалсафий ва ўта қимматли асаридир. Илк ўрта асрларда асарнинг ўртанча эроний, суғдча, туркий, хитойча версиялари кенг тарқалган эди. Тавбаноманинг туркий версияси турк моний фалсафасининг, шунинг билан бирга, қадимги туркий тил ва монийлик даври турк адабиётининг қимматли обидасидир.

Асар якунида унинг оти қайд этилган: *n(i)gošaklarniň suyin uazuqïň öküngiň Huastuan(i)ft*. Ушбу жумладаги *n(i)gošak* – суғдчадан ўзлашган бўлиб, “tinglovchi” маъносини англатади, у моний диний жамоасида нисбатан куйи даражани билдириган; *suy uazuq* – жуфт сўз, “тunoхлар, ёзуқлар” деган маънони билдириди; *öküngi* эса ҳозирги “ўқинув, тавба қилув” сўзига тенг. Шулардан келиб чиқиб, асар тугалланмасидаги қайддан “ниғӯшакларнинг ёзуқларини ўқинувчи “Хуастуанифт” деган маъно келиб чиқади.

“Хуастуанифт”нинг туркий версиялари уйғур ва моний ёзувларида битилган. Кўлёзмалар ҳозир Санкт-Петербург, Лондон ва Берлин кўлёзма фонdlарида сақланмоқда.

(1) “Хуастуанифт”нинг Санкт-Петербургда сақланаётган нусхаси. Ушбу кўлёзма Россия ФА Шарқшунослик институтининг

¹¹ Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. I. 49-б.

¹² Ўша китоб, 384-б.

Санкт-Петербург бўлимида сақланмоқда. Асар уйғур хати билан ўрам қоғозга битилган. Матнинг бош қисми чириб, титилиб кетган. Сақланиб қолгани 160 сатрдан иборат.

Қўлёзма нафис бир хатда. Одатда, ёзувнинг бундай классик услугидан ноёб асарларни битишда фойдаланилган. Ёзув шакли, хат услубига кўра мазкур матнини уйғур ёзувли ёдгорликларнинг энг эскиси дейиш мумкин.

(2) Асарнинг Британия Музейида сақланаётган нусхаси. Ушбу қўлёзма моний хатида. Ушбу матнинг ҳам бошланиши йўқ. Сақлангани 338 сатрдан иборат.

(3) Берлинда сақланаётган нусхалар. Мазкур нусхалар асар матнidan сақланган узиндилар бўлиб, улар моний ҳамда уйғур ёзувларида. Чунончи, Берлин фондида сақланаётган Т.II.D.178; TM303 (M153); TM183; M172; M443 рақамли фрагментлар моний алифбосида, ТПУ60; TM343 рақамли узиндилар эса уйғур ёзувидадир.

Асарнинг кўп нусхада, айниқса, икки хил ёзувда тарқалганилиги жуда муҳим. “Хуастуанифт”нинг моний хатидагина эмас, уйғур хатида ҳам битилганилиги ўз даврида асарга эътибор катта бўлганидан, унинг турк моний жамоаларида кенг ёйилганидан далолат беради. Асарнинг илк нусхалари, афтидан, моний хатида битилган. Кейинчалик улар билан ёнма-ён уйғур ҳарфли нусхалар ҳам пайдо бўла бошлаган чиқар.

Олимларнинг фикрича, “Хуастуанифт” бошлаб қадимги эроний тилларнинг бирида яратилган. Кейинчалик, моний таълимотини кенг ёйиш мақсадида, бошқа тилларга ҳам ўтирилган. Унинг туркий версияси, тахминан, VIII асрда яратилган Асар тилининг кўк турк ёдгорликлари тилига жуда яқинлиги, уйғур ёзувли нусханинг хат услуби, шунингдек, асарнинг моний ёзувида ҳам тарқалганилиги ана шундан гувоҳлик бermокда.

“Хуастуанифт” ўн беш бўлимдан иборат. Бўлимлари *bölüg* дейилган. Ҳар қайси бўлим ўзининг тартиб кўрсаткичи билан бошланади: *ikinti*, *üçünč*, *törtünč*, *bişinč*, *altinč* ва б. Уйғур ёзувли матнда жумлалар кўш нуқта (..), бўлимлар эса икки жуфт нуқта (..) билан ажратилган.

Бўлимлар: *T(ä)ṣrim amṭi yazuqda boşunu ötünür-biz* (Тангрим, энди гуноҳдан халос этгин дея ўтинурмиз) ёки *T(ä)ṣrim amṭi ökünür-biz*, *yazuqda boşunu ötünür-biz* (Тангрим, энди ўкинурмиз, гуноҳдан халос этгин дея ўтинурмиз) жумлалари билан охирлай-

ди. Шундан сўнг *m(a)nastar hirza ~m(a)nastar qırza* [моний ёзувли нусхаларда: *m(a)nastar hirza ~m(a)nastar hirz*] дуоси келади. Ушбу дуо формуласи ўртanca эроний тиллардан ўзлашган бўлиб, тангрига карата айтилган “Гуноҳимизни кечир!” [*tna:sta:r hi:rz-a*] деган илтижони англатади. Ушбу дуони таржима килмай, ўзидай қўллаш монийчи туркларда русум бўлган.

“Майтри симит нўм битиг”. Бизгача етиб келган турк будда диний-фалсафий ёдгорликларидан бири “Майтри симит нўм битиг” (“Майтри билан учрашув китоби”) асаридир.

Асар асли санскрит тилида яратилган. Будда таълимотининг иирик билимдонларидан бири Ариячантри уни санскритча нусхадан тоҳар тилига ўтирган. Тоҳарча нусхадан эса Партанаракшит Карнаважики қадимги туркйига таржима килган.

Хозирги вақтда “Майтри симит нўм битиг”нинг тоҳарча ва қадимги туркй тилдаги версиялари маълум. Тоҳар тилидаги браҳма хатида ёзилган икки қўлёзмаси Қораشاҳардан топилган. Туркий версиялари эса уйғур хатида бўлиб, Турфондан топилган. Ушбу ёдгорликлар ҳозир Берлин ва Урумчи қўлёзма фондларида сақланмоқда.

“Майтри симит нўм битиг”нинг Кумул яқинидан топилган қўлёзмаси мавжуд нусхалар орасида алоҳида ўрин тутади. Уйғур ёзувли ушбу қўлёзма ҳозир Урумчидаги тарих музейида сақланмоқда. Қўлёзма анча уринган, айниқса, сўнгти вараклари титилиб кетган, пароканда. Шунга қарамай, қўлёзманинг китобат тарихидаги қадри баланд. Китобнинг сақланиб қолган вараклари, нафис хати, унинг эътибор билан битилганилиги қўлёзма иирик амалдор буюртмаси билан маҳсус тайёрланганидан белги бермоқда.

Асарнинг туркий тилга таржима қилинган вақти номаълум. Шундай эса-да, асарнинг тил хусусиятлари, мавжуд нусхаларнинг хат услубига кўра у тахминан VIII асрда туркйига ўтирилган дейиш мумкин.

Тоҳарча версияларнинг бирида асарнинг оти «Майтрея самити натака» деб ёзилган. Бу ерда «натақа» сўзи «драма» деган маънони беради. Демак, “Майтри симит нўм битиг” драматик асардир.

“Олтун тусли ёруғ”. Турк-будда адабиёти, турк-будда фалсафасининг қимматли асарларидан яна бири “Олтун тусли ёруғ” сутрасидир.

“Олтун тусли ёруғ” буддизмнинг маҳаяна мазҳабига оид асар бўлиб, илк ўрта асрларда санскрит, хитой ва қадимги туркий версияларда тарқалган эди.

Аасарнинг санскритча номи “Suvarnaprabhasa”, туркий версиясининг тўлиқ оти “Altun öylüg yaruq yalrıqlıq qopta kötrülmış nom iligi” (“Олтин рангли товланувчи ҳаммадан устун нўм тождори”) дир. Матнда аасар *nom bitig*, *nom erdini*, *čin erdini*, *sutur*, *nom iligi sutur*, *sutur nom* деб қайд этилади. Бу атамалардан: *nom bitig* – “нўм китоб”, *nom erdini* – “нўм жавохир”, *čin erdini* – “чин жавохир”, *sutur* – “сутра” деган маънони англатади.

Аасар дастлаб анаткак (санскрит) тилидан табғач (хитой) тилига таржима қилинган. Сўнгра бешбалиқлик Шингку Шели тудунг уни табғаччадан қадимги туркий тил (турк уйғур тили)га тиржима қилинган. Бу хусусда олтинчи бўлим тўртинчи тегзинч якунида: *Bodisatv Gitsu Samtsö atlığ ačarı ānātākāk tilintin tawğac̄ tilinčä ewrilmış ... bišbalıqlıq Sıñqu Seli tuduñ tawğac̄ tilintin türk uyğur tilinčä ikilayı ewirmiš* (будисатва Гитсу Самтсў исмли устоз анаткак тилидан тавғач тилига ўтирган ... бешбалиқлик Сингку Сели тудунг тавғач тилидан турк уйғур тилига ўтирган) жумласини ўқиймиз. Ўнинчи бўлим якунида эса бу ҳақда шундай битилган: *Qutluğ öjtün uluğ tawğac̄ elintä tayşing sawčing alqu şastürlarıq qamağ nomlarıq qalızız ötkürmiš bodisatv Gitsu Samtsö atlığ ačarı ānātākāk tilintin tawğac̄ tilinčä ewirmiš ... kinki boşgutluq bišbalıqlıq Sıñqu Seli tuduñ tawğac̄ tilintin türk uyğur tilinčä ikilayı ewirmiš nom iligi sutur bitiyü tolu tükäl boltı* (Кутлуғ шарқдаги улуғ тавғач элида маҳаяна, ҳинаяна (мазҳабларининг) бари шастарларини, ҳамма нўмларини тўлиқ ўзлаштирган будисатва Гитсу Самтсў исмли устоз анаткак тилидан тавғач тилига ўтирган ... кейин бешбалиқлик олим Сингку Сели тудунг тавғач тилидан турк уйғур тилига ўтирган нўм тождори сутра тугал тўлиқ ёзилиб бўлди).

“Sákiz uluğ orunlartaqı čaytilarnıj ögdisi” деб номланган бўлим якунида шундай қайд этилади: *Sákiz uluğ orunlartaqı čaytilarnıj ögdisin men Amogaširi ačarı ānātākāk tilintin türk uyğur tilinčä täjri burxan toğmıš ud yiliñ törtünç ay tört yigirmikä ağdarıp öz iligin qoduru tegintim* (Саккиз кутлуғ манзилдаги ибодатхоналарнинг мадхияси-ни мен Амогашири устоз анаткак тилидан турк уйғур тилига тангри бурхон (яъни Будда) туғилган сигир йилининг тўртинчи ой ўн тўртинчи кунида ўгириб ўз кўлим билан тамомлаб туттаттим). Ушбу қайддан англашиладики, мазкур бўлимни Амогашири исмли шахс анаткак тилидан турк уйғур тилига таржима қилган ва унинг таржима варианти аасар таркибига киритилган.

Аасарнинг бир қадар тўлиқ кўлёзма нусхасини С.Е. Малов 1910 йили Шаркий Туркистонга уюштирилган илмий экспедиция чоғида Гансу ўлкасидан топган (мазкур кўлёзма фанда вингшигу нусхаси деб юритилмоқда). Кейинчалик ҳам бу ўлкалардан аасарнинг узинди нусхалари топилди, лекин улар оз варакли.

Вингшигу нусхаси ҳозир Россия ФА Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлимида сакланмоқда. Кўлёзма 1687 йили Дунхуандада кўчирилган.

“Олтун тусли ёруғ” ўн икки бўлим(*bölüğ*)дан тузилган. Қисм (*tegzinč*)лар бошида уларнинг сарлавҳаси ва тартиб кўрсаткичи қайд этилади.

Кўлёзма қадимги ҳинд потхи китоб усулида.

Пойгир белгилари (саҳифа кўрсаткичлари) ҳар қайси варакнинг ўнг юзига матн бошланишидан аввал кўйилган. Тартиб ҳар бир бўлим учун алоҳида. Масалан: *ikinti birkiyä* (иккинчи бўлим, биринчи варак), *ikinti bölgü iki* (иккинчи бўлим, иккинчи варак), *ikinti üç* (иккинчи бўлим, учинчи варак), *ikinti tort* (иккинчи бўлим, тўртинчи варак), ... *üçünç tort otuz* (учинчи бўлим, йигирма тўртинчи варак) каби. Янги бўлимдан тартиб ҳам янгиланади.

“Сюань-цзан кечмиши”. Будда аасарларидан яна бири “Сюань-цзан кечмиши” номи билан машхур.

“Сюань-цзан кечмиши”нинг хитойча ва қадимги туркий версиялари маълум. Туркий версияси минг йил мукаддам Қучу уйғур давлатида хитой тилидан “Тси-ин-чун нўм битиг” номи билан таржима қилинган. Аасарнинг туркий версияси замонамизгача ягона кўлёзма нусхада етиб келган бўлиб, у уйғур хатидадир. Лекин кўлёзма ҳозир бўлакларга бўлинган ҳолда Париж, Пекин, Санкт-Петербургда сакланмоқда. Афтидан, кўлёзма китоб аввал бир ердан топилган, кейинчалик ҳар хил йўл билан турли кўлёзма хазиналарига тарқаб кетган.

“Сюань-цзан кечмиши” тан сулоласи даврида ўтган нўмчи сайёҳ Сюань-цзаннинг Будда яшаган ўлкаларга мукаддас сафари хусусидаги мемуар бўлиб, ўзида ўнлаб афсона ва ривоятларни, будда фалсафаси, қадимги Шарқ халқларининг ижтимоий-сиёсий, маданий турмушига, улар яшаган мамлакатлар географияси, тарихига оид маълумотларни жамлаган. Аасарнинг иккала версияси илк ўрта асрларда будда оламида кенг тарқалган эди.

Ўз замонасининг машхур буддашуноси, нўмчи ачари (улуг'устоз) номини олган Сюань-цзан (туркий матнда Xuintso) будда йўриклари, қонун-қоидалари битилган нўм битигларни олиб келиш истагида ғарбга – буддизмининг яралган юрти бўлмиш Хиндистонга сафар қилган сайёхлардан эди. У ўн етти йил давомида (629–645 йиллар) бир юз йигирмадан ортиқ мамлакат ва ўлкаларда бўлди. Будда туғилган тупрокка бориб, у ердан олти юз нўм битиг келтирди. Сўнгра теварагига мамлакатдаги будда сутра ва шастарларининг билимдонларини йигиб, уларни анаткак тилидан тавғаччага таржима қилиш билан шуғулланди. Бу борада у ўз мактабини яратган.

Сюань-цзан будда нўмларининг мағзини тушуниш ва уларни шарҳлашда замон олимларидан анча ўзиб кетган эди. Шунинг учун будда таълимотининг билмидони, улуғ устоз – самтсў ачари отини олган. У муқаддас сафари чогида кўрган-кечиргандарини хикоя қилувчи “Ғарб мамлакатлари хотиралари” (“Kirügi ellär ödigi”) номли аср ёзган. Кейинчалик унинг шогирди Хуэй-ли (туркий матнда Xuilir) ана шу эсдаликлар асосида “Сюань-цзан кечмиши” асарини ёзди. Бироқ Хуэй-ли бу асарни тутгата олмади. Унинг ўлимидан кейин ушбу асарни Сюань-цзаннинг бошқа бир шогирди Янь-цзун (матнда Xintsuŋ) ёзib тутгатди.

Асарни X асрда яшаб ўтган олим ва таржимон бешбалиқлик Шингку Шели тутунг қадимги туркий тилга ўтирган.

Матнда асарнинг тўлиқ оти “Bodisatv tayto Samtso ačarinij uyg̃iñ iq̃itmaq atl̃ig̃ Tsi-in-čün tigmä kävi nom bitig̃” деб ёзилган. Бу ерда *kävi* – “эпик” деган маънони англатади. Шунда у “Тан суоласи даврида ўтган бўдисатв Самтсў ачари (яни Сюань-цзан)нинг ҳаёти ҳақидаги Тси-ин-чун отли эпик нўм битиг” деган тушунчани беради. Яна асар *nom bitig* деб қайд этилган. *Nom* сўзи, одатда, қонун китобларини билдирган. Бундан англашиладики, ушбу асар ҳам буддийликнинг мукаддас қонун китобларидан эди.

Кўлёзма потхи китоб шаклида. У бутунича сақланмаган. Варакларининг кўпи йўқолган, айримлари титилиб, бўлакларигина колган. Кўлёзма муттасил фойдаланилганиданми, варакларининг гирди уринган, баъзи сатрларининг ёзувини ҳам илғаб бўлмайди.

Китоб тўлиқ бўлмаса-да, сақланиб қолган бўлаклари асосида асарнинг тузилиши, мазмунини тиклашнинг бир қадар имкони бор.

Қадимги турк шеърлари. Монийлик фалсафасини ўрганишда қадимги турк-моний мухитида яратилган шеърлар мухим ўрин тутади.

Монийлик даври турк адабиётида *bašik*, *küg*, *taqšut*, *küg taqšut* каби шеър турлари мавжуд бўлиб, бизгача улардан айримлари етиб келган. Шеърларнинг мазмуни ҳар хил. Улар ичида Тонг тангрига аталган алқовлар, Монийга бағищловлар, ўлим ва жаҳаннамни тавсиф этувчи, ҳатто муҳаббат мавзуидаги шеърлар бор. Уларнинг кўпи турк ижодкорлари томонидан яратилган, айримлари бошқа тиллардан қадимги туркий тилга таржима қилинган.

Қадимги турк-моний адабий мухитида яратилган шеърий асарлар ҳозирги кезда Берлин фонидаги Турфон харобаларидан топиб келтирилган матнлар орасида сақланмоқда (T.II.D169; T.M.419; T.II.D.178; T.III.D.260 ракамли ёзмалар турк-моний мухитида яратилган). Мазкур шеърларни А.Ф. Лекок, В. Банг, Р.Р. Арат транскрипцияси, таржимаси ва изоҳлари билан нашр эттирганлар.

Қадимги туркларнинг буддизм даврида яратган обидалари орасида ёзма манбалар алоҳида ўрин тутади. Улар бадиий, диний-фалсафий, тарихий асарлардир.

Буддизм таъсирида турк шеъриятида қадимги *küg-kög*, *taqšut-taḡšut*, *qošıq-qošıq*, *yür-ür* билан бир қаторда *ślok* (<скр. *śloka*), *padak* (<скр. *padaka*), *käränt* (<скр. *grantha*) сингари янги турлар ҳам шаклланди.

Турк адабий мухитида буддизм таълимоти, фалсафий қарашларини куйловчи шоирлар етишиб чиқди. Сингку Сели (~Шингку Шели) тудунг, Ки-Ки, Пиратя Шири, Асиф тутунг, Чисуя тутунг, Калим Кейши будда мухитида ижод қилган ана шундай шоирлардан эди. Турк-будда адабиётида Будда, Майтри, бўдисатвларга мадхиялар, ҳикматлар битилган, эзгулик, тўғриликнинг фазилати, хотима дуолари шеърга солинган.

Юсуф Ҳос Ҳожибининг “Кутадғу билиг” достони. Баласагунлик Юсуф Ҳос Ҳожиб ўзининг “Кутадғу билиг” достонини 1069–1070 йиллар Кошгарда ёзип тугаллаган.

Эски туркий тилда *qut* – “күт, баҳт”, *-ad* – феъл ясовчи, *-ğı* – сифатдош кўшимчаси, *qutadğu* – “күтлантирувчи, күт берувчи” деган мазмунда. *Bılıg* – “билим” дегани, бироқ муаллиф уни “китоб, билимлар китоби” маъносида қўллаган *Qutadǵu bılıg* – “Күт берувчи билим; күт берувчи билимлар китоби” деган маънони англатади.

Аасар 13000 минг мисрадан зиёдроқ бўлиб, маснавийда битилган. “Кутадғу билиг”нинг уч йирик кўлёзмаси маълум. Уларнинг бири уйғур, иккиси араб ёзувида. Уйғур ёзувилиси фанда ҳирот (ёки вена) нусхаси, араб ёзуви қўлёзмалардан бири наманган (ёки фарфона), иккинчиси қоҳира нусхаси деб юритилади.

Аасарнинг уйғур ёзуви қўлёзмаси ҳижрий 843, кўй йили, муҳаррам ойининг тўртинчи куни (=1439 йилнинг 16 июня) Ҳиротда кўчириб тугалланган. Бу хусусда китобнинг охирида шундай ёзилган: *Tügändi Qutadğu (bılıg) kitabı tarix sekiz qırq üç yıldır qoy yıl muharram ayniň törti Haruda*. Ёки бошқа бир ерда: *Tarix sekiz yüz qırq üçtä qoy yıl axiri muharram ayniň tört yağısı Haru şahrında bitildi*.

Ушбу қўлёzmани Ҳасан Қора Сайил Шамс бахши кўчириган. Кўлёzma китоб ҳозир Вена Миллий кутубхонасида (A.F.13) сакланмоқда.

Араб ёзуви қўлёзмалардан бири Намангандан топилган. Ҳозир Тошкентда Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида сакланмоқда (1809 рақами кўлёzma). “Кутадғу билиг”нинг ушбу қўлёzмаси бошқа нусхаларга нисбатан тўлиқ. Лекин аасарнинг айrim бўлимлари йўқ. Хусусан, китобнинг хотимаси тушиб қалган. Шунинг учун унинг кўчирилган даври ва котиби маълум эмас. Лекин хат услубига қараб, қўлёzma, тахминан, XIII асрда кўчирилган дейиш мумкин.

Араб ёзуви бошқа бир қўлёzмаси Қоҳирадан топилган. Ҳозир ҳам ўша ерда сакланмоқда. Қўлёzma 392 саҳифадан иборат бўлиб, ора-ора унинг вараклари, ҳатто айrim боблар ҳам тушиб қолган. Бунинг ҳам охири йўқ. Хат туридан, чамаси, XIV асрда кўчирилган кўринади.

Адиб Аҳмад Юғнакийнинг “Хибату-л-ҳақойик” достони. Адиб Аҳмад Юғнакийнинг “Хибату-л-ҳақойик” достони ўтмишда уч хил ном билан машҳур эди. Аасарнинг кунимизга қадар етиб келган А нусхасида унинг оти “Atabatu-l-haqayiq” (“Ҳакиқатлар эшиги, остонаси”), В ва С нусхаларида “Hibatu-l-haqayiq” (“Ҳакиқатлар тортиғи”), D нусхасида эса “Ğayıbatu-l-haqayiq” (“Яширин, гойибий ҳакиқатлар”) деб аталган.

Достоннинг уч йирик кўлёzмаси маълум (A, B, C нусхалар).

Аасарнинг А нусхасини 1444 йили Самарқандда Зайнул Обидин бахши кўчириган. Аасар уйғур ёзувида бўлиб, орадаги арабча оят,

ҳадис, байт ва сарлавҳалар араб хатида. Кўлёzma ҳозир Истанбулдаги Аёсофия кутубхонасида сакланыётган 4757 кўрсаткичли мажмуа таркибидадир. Ушбу мажмуани 1480 йили Истанбулда Шайхзода Абдулраззак бахши раззоқ бахши кўчириган. Бу ҳақда қўлёzманинг 159- саҳифасидаги таърихда шундай қайд этилади: *Tarix sekiz yüz säksän dörtlä töjuz yili zulqada ayinij on yetisidä şamba kuni tamam boldi. Qutluğ bolsun, davlat kelsün, mehnat ketsün tep Şayxzada Abdulrazzaq baxşı Qustantaniyada bitidi*.

Ушбу қўлёzмада матн уйғур хатида ёзилиб, қаторма-қатор араб ёзуви билан изоҳлаб чиқилган.

Аасарнинг С нусхаси Истанбул Тўпқопи сарой кутубхонасида сакланыётган бир мажмуа таркибидадир. Мажмуанинг котиби ва кўчирилган санаси маълум эмас. «Хибату-л-ҳақойик»нинг ушбу нусхаси араб хатида битилган.

Айрим манбаларда “Хибату-л-ҳақойик”дан олинган узиндилар ҳам етиб келган (D, E, F, G нусхалар).

Хоразмийнинг “Мұхаббатнома” достони. “Мұхаббатнома”-нинг уйғур ва араб ёзуви қўлёzma нусхалари маълум. Достоннинг уйғур ёзуви нусхаси 1432 йили Язд шаҳрида Мансур бахши уйғур хати билан кўчириган, ҳозир Британия Музейида сакланыётган Or.8193 рақами мажмуа таркибидаги тўртинчи аасар (159b–173a саҳифалар). Аасарга “Muhabbatnāma kitabī” деб сарлавҳа кўйилган. Якунида кўчириб тугалланган санаси қайд этилади: *Tamam boldi Muhabbatnāma kitabī. Qutluğ bolsun, tarix sekiz yüz otuz beşta čiçqan yil rajab ayniň altisinda Yazd şahrında Mirjaläl (id)din buyurğan üçün bu faqir Mansur baxşı bitidi*. Мазкур нусха мавжуд нусхаларнинг энг эскисидир. Аасарнинг В, С, Д нусхалари араб хатида бўлиб, кейинги даврларга мансуб.

Юсуф Амирийнинг “Даҳнома” асари. Юсуф Амирийнинг ушбу асари уйғур ва араб ёзувларида етиб келган. Аасарнинг уйғур ёзуви қўлёzмаси Зайнул Обидин бахши тарафидан кўчирилган. Ҳозир Истанбул Тўпқопи саройи кутубхонасида (2172) сакланмоқда. Кўлёzмада аасарнинг йигирма уч байти берилган, холос. Кўлёzманинг кўчирилган даври номаълум. Зайнул Обидиннинг яшаб ўтган замонига кўра бу қўлёzma ҳам Самарқандда кўчирилган дейиш мумкин.

Хўжандийнинг “Латофатнома” достони. “Латофатнома”-нинг уйғур ва араб ёзувли кўлёзмалари маълум. Уйғур ёзувли нусха Кобулдаги Афғонистон Давлат Миллий архивида сақланмоқда. Кўлёзма хижрий 893 (мелодий 1488) йили кўчирилган: *Tamam boldi Latāfat-nāma bičin yil zulqada ayinij on ikisidā panjšamba kuni tarix sekiz yüz toqsan iċċā*.

“Маҳзану-л-асрор”. XV асрда яшаб ўтган Мирхайдарнинг “Маҳзану-л-асрор” асари уйғур ва араб ёзувларида битилган. Асарнинг уйғур хатида битилган учта кўлёзмаси маълум. Шулардан бири Зайнул Обидин бахши тарафидан кўчирилган. Ушбу 33 байтли матнни Зайнул Обидин 1444 йили Самарқандда кўчириган дея тахмин қиласидар.

Асарнинг уйғур ёзувли бошқа бир нусхасини Алишоҳ бахши кўчириган.

“Маҳзану-л-асрор”нинг уйғур ёзувли учинчи нусхаси Истанбулдаги Сулаймония кутубхонасининг Аёсофия бўлимида сақланнаётган 4757- кўрсаткичли кўлёзмага киритилган бўлиб, у “Хибату-л-ҳақойик”дан кейинги асардир. Ушбу нусха уйғур хатида ёзилиб, ҳар қатори араб ёзуви билан изоҳлаб чиқилган. Кўлёзмани Абдулраззоқ бахши 1480 йилда Истанбулда кўчириган.

“Сирожу-л-кулуб”. Британия Музейида сақланнаётган Or. 8193 рақамли мажмуанинг 1-129b бетларида берилган. Кўлёзмада асарнинг бош кисми учрамайди. Асар сўнгига унинг кўчириб тугалланган куни, котибининг оти қайд этилган: *Tamam boldi Sirāju-l-qulub kitābi. Qutluğ bolsun, tarix sekiz yüz otuz beštä cīcqan yil rajab ayinij yigirmi toquzında Yasd şahrıda Mansur baxši bitidi.*

“Масъала китоби”. Британия Музейида сақланнаётган Or. 8193 рақамли мажмуадан жой олган. Асар 47 бўлимдан иборат. Охирида унинг тарихи берилади: *Tamam boldi Mas'ala kitābi. Tarix sekiz yüz otuz beštä cīcqan yil ša'bān ayinij törtidä Yasd şahrıda Mirjalāl(id)dinni suhbatında bu faqir Mansur baxši bitidi.*

“Роҳату-л-кулуб”. Британия Музейида сақланнаётган Or. 8193 рақамли мажмуанинг 137a-159a бетларида. Асарда *Bilgil-kim, bir neċċa hikāyatlar(ni) Rāhatu-l-qulub kitābīdīn ixtiyār qılıp bitidük* деб қайд этилган. Ушбу асар хам “Сирожу-л-кулуб” сингари саволжавоб шаклидадир. Асар якуннада котибининг оти берилган: *Kātibu-l-faqir Mansur baxši.*

“Бахтиёрнома”. Асарнинг икки кўлёзмаси маълум (Щербак 1962,49). Унинг уйғур ёзувли кўлёзмаси Оксфорддаги Бодлеан кутубхонасида (598- кўрсаткичли кўлёзма) сақланмоқда. Кўлёзма хижрий 838 (мелодий 1434) йили Язд шахрида Мансур бахши тарафидан кўчирилган: *Qutluğ bolsun tarix sekiz yüz otuz sekizdä tawušqan yil zulhijja ayinij avvalında Mansur baxši bitidi.*

“Меърожнома”. Асарнинг уйғур ва араб ёзувли кўлёзмалари маълум.

“Меърожнома”нинг уйғур ёзувли нусхасини хижрий 840 (мелодий 1436-1437) йили Ҳиротда Абу Малик бахши кўчириган. Бу хусусда шундай таъкидланади: *Tarix sekiz yüz qırqta at yil jumadu-l-axira ayinij onida Haruda Abu Malik baxši bitidim.*

Асарга шундай сарлавҳа кўйилган: *Rasul 'alayhi-s-salāmniy Me'rājqa bargāni.* Муқаддимада шундай маълумотни ўқиймиз: *Emdi bilgil-kim, bu kitābnij ati Me'rājnāma turur. Nahju-l-faradis atılığ kitābdīn türk tiligä ewürdük. Köp kişilärgä fāyda tegsün ter Teñri taālanij tavfiqī birlä tamam bitilip xalāyiqnij köylü közögä şirin körüngä.* Кўлёзма ҳозир Франция Миллий кутубхонасида (Suppl. Turc., 190) сақланмоқда.

Асарнинг араб ёзувли нусхаси Истанбулдаги Сулаймония кутубхонасининг Фотих фондида (2848- кўрсаткичли кўлёзма) сақланмоқда.

“Тазкира-йи авлиё”. Ушбу асар Фаридиддин Атторнинг форсча “Тазкирату-л-авлиё” асаридан туркий тилга таржима қилинган. Асарнинг уйғур ва араб ёзувли кўлёзма нусхалари бор. Уйғур ёзувли нусхаси “Меърожнома” билан бир кўлёзмада. Ҳозир Париждаги Миллий кутубхонада сақланмоқда (Suppl. Turc., 190). “Тазкира-йи авлиё” кўлёзманинг 13b-151a саҳифаларида. Матн охирида китобнинг кўчирилган санаси (таърих) битилган. Унга кўра, кўлёзмани 1436 йили Ҳиротда Абу Малик бахши кўчириган: *Emdi tazkirada bitilgän mašāyiḥ avliyālarnij hikāyat sözləri tügätildi. Tarix sekiz yüz qırqta at yil jumadu-l-axira ayinij onida Haruda Abu Malik baxši bitidim.*

Асарнинг араб ёзувли кўлёзмаларидан бири Истанбулдаги Сулаймония кутубхонасида сақланмоқда. Тошкентда Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида ҳам асарнинг араб ёзувли нусхаси бор.

Тұхтамишхон ёрлиғи. Олтін Ырда хони Тұхтамишнинг 1393 йили поляк қироли Яғайлиға йүллаган ёрлиғидир. Матн ик-

ки варакқа битилган бўлиб, биринчисида 13 сатр, иккинчисида эса 12, жами 25 сатрдан иборат.

Хужжат 1834 йили Москвада Ташқи ишлар вазирлигининг бош архивидан топилган. 1921 йилдан бошлаб Варшавадаги марказий архивда сакланмоқда.

Ёрлик *Toxtamış sözüm Yağaylağa* деб бошланади. Матн сўнгига таърихи берилган: *Taqağı yil tarix yeti yüz toqsan beštä rajap ayinij sekiz yañida ordu Tanda erürdä bitiklädimiz* (Товук йили, таърих, етти юз тўқсон бешда ражаб ойининг саккизинчи куни ўрда Танда эканлигимизда ёзди).

Темур Кутлуғ ёрлиғи. Олтин Ўрда хонларидан бири Темур Кутлуғнинг 1397 йили битилган ёрлиғи уйғур хатида бўлиб, сатрма-сатр араб хатида изоҳланган. Узунлиги 265 см., эни 23 см. ли ўрама қофозга битилган мазкур хужжат 54 сатрлидир. Ёрлик ҳижрий 800 йил (=1397) барс йили, шаъбон ойининг олтинчи кунида Узу сувининг ёқасида Мужаваранда битилган: *Tarix sekiz yıldä bars yili ša'ban ayinij altinči künidä Üzü suyinij kanarıda Mujavaranda erürdä bitildi*. Хужжат Венадаги Сарой кутубхонасида сакланмоқда.

Шоҳруҳнинг суюргал битиги. Шоҳруҳнинг Ҳиротнинг Чечактуба мавзеидаги Талхан ота мозорининг мужовури Исмоил ногига берган суюргал(фармон)и уйғур хатидадир. Битиг ҳижрий 825 сигир йили мухаррам ойининг 22 куни (=1422 йилнинг 16 январи) Ҳирот яқинидаги Боғи шаҳарда битилган: *Tarix sekiz yüz yigirmi beşidä ud yil muharram aypij yigirmi ikisidä Bāğ-i Şaharda bitildi*.

Хужжат Афғонистондаги Майманадан топилган. 1947 йили профессор Е. Бенвенист унинг суратини олган эди. Француз олим профессор Ж. Дени уни фотоси билан бирга нашр эттирди. Лекин хужжатнинг ўзи йўқолган.

Матн 13 сатрдан иборат. Хати "Кутадғу билиг"нинг хирот нусхаси ҳамда темурийлар даврида кўчирилган уйғур ёзувли бошқа манбаларнинг хат услубида.

Султон Абу Саид битиги. Темурийлардан бўлмиш Султон Абу Саиднинг Узун Ҳасанга юборган битиги ҳижрий 873 йилнинг 22 рабиу-л-аввалида (мелодий 1468) битилган: *sičqan yili rabiu-l-avval aypij yigirmi ikisidä Miyanada erkändä bitildi*.

Мазкур васиқа Истанбул, Тўпқопи саройи музейи архивида Е12307 рақами остида сакланмоқда. Матн икки хил алифбода: уй-

тур ёзувида битилиб, ҳар сатри араб хатида изоҳланган. У 144 см.ли қофозга ёзилган бўлиб, жами 76 сатрдан иборат.

Мазкур васиқани А.Н. Курат (араб ҳарфларида матни, транскрипцияси, факсимили, изоҳ, таржималари билан) нашр эттирган.

Умаршайх ёрлиғи (нишони). Султон Умаршайхнинг марғиёнлик Мир Сайд Аҳмадга берган ёрлиғи 1469 йили битилган. У уйғур ёзувида бўлиб, ўн уч сатрдан иборат. Ёрликни П. Мелиоранский транскрипция, факсимили, таржима ва изоҳлари билан нашр эттирган.

Нишон *Sultān Umarşayx bahādur sözüm* деб бошланади. Якунида унинг Андижонда битилганлиги қайд этилган: ...*muhurluğ ni(şā)n uy yil şavval ayinij yigirmi sekizi Andigānda bitildi* (мухрли нишон сигир йили шаввал ойининг йигирма саккизида Андиганда битилди).

Туроннинг султони Темурбег етти юз тўқсон учинчи йилнинг кўкламида (=1391 йилнинг апрели) Тўхтамишхонга қарши юриши бошлади ва бу хусусда хотира қолдирмоқ максадида тошга битиг ёздирди. Мазкур битигтош 1937 йили Улуғ тоғдаги (Шимолий Қозоғистон) Қарсақбай кони яқинидан, ўрнатилган жойидан топилган. Ҳозир Санкт-Петербург Давлат Эрмитажининг Ўрта Осиё ҳалқлари санъати ва маданияти бўлимида сакланмоқда.

Тошдаги ёзув 11 сатрдан иборат бўлиб, дастлабки уч қатори арабча, кейинги саккиз сатри уйғур хати билан туркий тилда битилган. Арабча хати ўчиб кетган, унинг айрим ҳарфларигина сакланган (у басмала бўлиши мумкин). Уйғур ҳарфли туркий матн, нисбатан, тўлик.

МОНИЙ ЁЗУВИ

Мелодий 247 йили Бобилда Моний бошчилигига янги диний оқимга асос солинди ва ўша кезлардан бошлаб Суриянинг Палмира шаҳрида қўлланилган ёзув шакли асосида тузилган моний ёзуви ҳам амал қила бошлади. Кейинчалик ушбу ёзув моний дини билан бирга Ўрта ва Марказий Осиёга ҳам кириб келди. Ушбу тупроқда моний хатини монийликни қабул қилган турк ва сұғд жамоалари қўллаган. Эрамизнинг VII асрода монийлик уйғур хоқонлигининг давлат дини сифатида амал қилган чоғларда бу ёзув турклар орасида кенг ёйилди.

Бизгача моний хатида битилган туркий ва суғдча матнлар сакланиб қолган. Туркий матнлар ичидә моний диний мазмунли шеър парчалари бор. Шунингдек, “Хуастуанифт” туркий версиясининг айрим қўлёзма нусхалари моний хатида етиб келган. Жумладан, асарнинг Британия Музейида сакланаётган нусхаси, Берлин фондидаги сакланаётган Т.П.Д.178; ТМ303(М153); ТМ183; М172; М443 рақамли узиндилар моний алифбосидадир.

Асарнинг кўп нусхада, айниқса, икки хил ёзувда тарқалганилиги жуда муҳим. Одатда, турк-моний жамоаларида (чамаси, тор доирада) диний асарлар кўпроқ моний хатида битилар эди. “Хуастуанифт”нинг моний хатидагина эмас, уйғур хатида ҳам битилганилиги ўз даврида асарга зътибор кучли бўлганидан, унинг турк моний жамоаларида кенг ёйилганидан далолат беради. Асарнинг илк нусхалари, афтидан, моний хатида битилган. Кейинчалик улар билан ёнма-ён уйғур ҳарфли нусхалар ҳам пайдо бўла бошлаган чиқар.

БРАҲМА ЁЗУВИ

У бўғин ёзуви бўлиб, қадимги санскритча алифбо негизида шаклланган. Турун юртига буддизм таъсирида кириб келган. Браҳма хатини факат будда жамоаларигина қўллади. Шуниси борки, буддизмни қабул қилган ерли улус ўзининг миллий ёзувидан ҳам кечгани йўқ. Улар ўз тилларига ўтирилган будда асарлари учун маҳаллий ёзувлардан ҳам фойдаланган. Бунинг яна бир сабаби, ерли, хусусан, туркий ҳалқлар учун бўғин ёзувидан кўра ўзларининг фонетик алифболарини қўллаш қулай эди. Шунинг учун ҳам бу юртларда браҳма хати уқадар кенг ёйилган эмас. Унинг ёдгорликлари ҳам шунга яраша оз.

СУРЁНИЙ ЁЗУВИ

Мелоднинг бошларида Месопотамиянинг Фарби шимолида христианлик гуркираган эди. Бу ўлкада оромий алифбоси асосида шаклланган сурёний хати амал қилган. Тарихдан маълум, V юзийликнинг ўрталарида Сурия диндорлари икки мазҳабга бўлинниб қолдилар. Уларнинг настурий мазҳабидагилари ўз юртида таъқибга учраб, қочиб, Эрондан паноҳ топдилар. Насронийлар бу ерда ўзи-

нинг таълимот мактабларини очди. Ушбу мактаб намояндадалири ўз таълимотини маҳаллий ҳалқ орасига ҳам ёди. Уларнинг миссионерлик ишлари оқибатида настронийлик VII–VIII асрларда Ҳирот, Самарқанд, Қашқар, ҳатто Ҳиндистон билан Фарбий Хитойга етиб борди. Насронийлик билан бир пайтда бу ўлкаларда сурёний алифбоси ҳам тарқалган. Ўрта ва Марказий Осиёда сурёний хатини настронийликни қабул қилган сүғдлар ва туркларгина қўллаган, холос. Бошқа диний жамоаларда бу ёзув амал қилгани йўқ.

Сурёний хати турк настронийлар орасида қўлланилган. Бизгача етиб келган настроний мазмунли туркий ёдгорликлар икки – уйғур ва сурёний ёзувларидадир. Турклар орасида сурёний ёзуви чигатой хонлиги даврида ҳам амал қилган.

Кунимизгача настроний турклар яратган ёзма ёдгорликлардан етиб келган. Насроний турклардан колган мерос ичидә қабр ёзувларининг тарихий аҳамияти катта. Мазкур қабртошлар XIII–XIV асрларга мансуб бўлиб, улар Еттисувнинг турли ўлкаларидан – Иссиққўлнинг ғарбидан, бир пайтлар чигатой хонларининг қароргоҳи бўлган қадимги Олмалиқ шаҳрининг ҳаробаларидан чиқкан. Шунингдек, настроний битигтошлари Қашқар, Тўқмоқ атрофларидан ҳам топилган. Ушбу манбалар XIII–XIV юзийликларда айни ҳудудларда настронийликнинг таъсири катта бўлганидан дололат беради.

Битигларнинг тили туркий. Шунингдек, еттисув ёдгорликларининг сурёний тилида яратилгандар ҳам бор.

Насроний турклар иш юритиш ҳужжатлари, матчилик амалиётида уйғур ва сурёний алифболаридан фойдаланган бўлсаларда, қабр ёзувлари учун, асосан, сурёний хатини қўлладилар. Уларнинг Еттисувдан топилган ёдномалари ҳам сурёний хатида.

Насроний қабртошларининг шакли ҳам кўк турк қабртошларининг кўринишидан ажralиб туради. Ёдгорликлар учун юзи япалоқ тош танланган. Ўртага хоч тасвири туширилиб, гирдига сурёний хатидаги туркий матн ўйиб ёзилган.

Насроний битигларининг матн тузилиши ҳам кўк турк, уйғур хоқонликлари даври матнларидан фарқли. Ушбу муҳитда яратилган ёдномалар қадимги турк эпитафия тузиш анъанасини давом эттирган, дейишимизга асос йўқ. Насроний эпитафияларининг тузилиши бутунлай бошқача.

АРАБ ЁЗУВИ

Араб хатининг Ўрта ва Марказий Осиёга кириб келиш тарихи бу ўлкаларда исломнинг ёйилиши билан боғлиқ.

Ўрта Осиёда араб хатида битилган энг эски китоблар IX аср га оид. Улар араб ва форс тилларида. Туркий ёдгорликлар X асрдан бошлаб кўчирилган. Ундан эскиси топилганича йўқ.

Туркий халклар қорахонийлар давридан бошлаб уйғур хати билан баробар араб ёзувини ҳам қўллай бошлади. Айrim қорахоний ҳукумдорлар зарб эттирган танглардаги ёзувлар, хонларнинг айrim ёзмалари араб хатида. Йирик асарлар эса XI асрдан бошлаб кузатилади. Энг эскиси Юсуф Хос Ҳожибининг “Кутадгу били” асари, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону лугатит турк” асарида турий матнлардир. Кейинги асрдан буларнинг сони кўпая бошлайди: Адиг Аҳмад Юғнакийнинг “Хибату-л-ҳақойиқ” достони, Туркий тафсир, Қуръони карим таржималари, Маҳмуд Замахшарий “Муқаддамату-л-адаб” асарининг туркий сўзлиги араб хатида ва б. Шундай қилиб, мусулмон турклар XX асрнинг 30- йилларига қадар араб хатидан фойдаланди. Ўттан минг йиллик, айниқса, мўғул истилосидан кейинги даврдан сақланган ёзма обидалар ҳаддан зиёд. Меъморий обидаларнинг ёзувлари, қабртошлардаги хотиралар, халқ амалий санъати буюмларидаги битиглар, кўлёзма ва тошбосма асарлар араб хатида. Йирик обидалар тикланган ерида ёки музейларда. Археологик ёдгорликлар музей ва шахсий коллекцияларда қолган. Кўлёзмалар эса ҳозир дунёнинг йирик фонdlарида, кутубхоналарда, зиёлилар ёки бойларнинг шахсий архивида сақланмоқда.

Ўрта Осиё халклари яратган ва араб хатида битилган ёдгорликлар уч тилда: туркий, форсий ва арабий.

Ўрта асрларда Ўрта Осиё китобатчилигида Қуръони каримдан нусха кўчиришга катта эътибор қаратилди. Арабча, форсча ва туркий тафсирлар кенг ёйилди.

АРАБ АЛИФБОСИ АСОСИДАГИ ТУРКИЙ ЁЗУВ

Турклар араб алифбосини ўз тилларига мослаб қабул қилган. Алифбо тизими, кўшимча ишоратлар, айrim ҳарфлар вазифаси орасида фарқ бор.

Араб алифбоси асосидаги туркий ёзувнинг имло принциплари пухта ишланган эди. Ёзувда унлиларни ифодалаш учун алифбодаги учта ҳарф – “алиф” (ا), “вав” (و), “йа” (ي) ҳамда ҳаракатлар, турли график воситалардан фойдаланилган.

Туркий тилдаги унлилар имлоси хусусида “Аттуҳфату-закийату филугатит туркийя” асарининг муаллифи шундай ёзади: “Билгилки, турк тилида шакл йўқ. Шакл йўқлиги учун бир қанча аниқсизлик ва хатолар пайдо бўлар эди. Шунинг учун ана шу аниқсизликдан кутилиш учун от, феъл ва хуруфни ёзишда маҳсус шакл қўллаш усулини қабул қилдилар. Яъни “фатҳа” ўрнида “алиф”, “касра” ўрнида “йа”, “зама” ўрнида “вав” қўллай бошладилар”¹³. “Турк тилида шакл йўқ” дейилгандан туркий имлода унлиларни ифодалашга хизмат қиладиган ҳаракатлар йўқлиги назарда тутилмоқда. Айни усул билан имлода унлиларни тўлиқ ифодалаш усули жорий этилган.

Ёзувда баъзан чўзиқ унлилар ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, “Девону лугатит турк”да кўшалоқ “алиф” чўзиқ унлини билдиради: ج a:c – оч, س a:s – ош, اوқат, ل a:l – ҳийла, ف a:w – ов.

Туркий матнларда ۋ ҳарфи жарангли [b] ва жарангсиз [p] ундошларини ифодалайди. Айrim ўринларда жарангсиз [p] ни фарқлаш учун ۋ ҳарфидан ҳам фойдаланилган: دې pand, ل ظ pul.

ك ҳарфи жарангсиз [k] ва жарангли [g] ундошларини ифодалайди. Баъзи ҳолларда жарангли [g] ни жарангсиз [k] дан фарқлаш мақсадида “каф”(ك)нинг устига уч нуқта қўйилган.

ج ҳарфи [j] ва [j] товушларини ифодалайди. Айrim ўринларда жарангсиз [c] ни фарқлаш мақсадида ج ҳарфидан ҳам фойдаланилган: چین -чин, тўғри, ڭ ڭ бир қанча.

Туркий тилга хос ана шу товушлар ва уларнинг имлоси “Китоб-и таржумон-и туркий”да яхши ёритилган Булар:

Остида уч нуқтаси бўлган b (ب); бу b (ب) билан f (ف) орасида калин р (ر) дир.

¹³ Аттуҳфатуз закияту филугатит туркия (Туркий тил (қипчоқ тили) ҳақида ноёб тухфа). Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Муталлибов. – Тошкент, 1968. 10-б.

Остида уч нуктаси бўлган **ј** (ج); бу **š** (ش) билан **ј** (ج) орасидаги ҳарфdir.

Устида уч нуктаси бўлган **k** (ك); бу **ѓ** (خ) билан **k** (ك) орасидаги бир товушdir¹⁴. Бу ўринда фақат туркий тилга хос бўлган жарангсиз [p], жарангсиз [č] ва жарангли [g] товушлари назарда тутилмоқда.

XI–XIII асрларнинг туркий ёдгорликларида [v] фонемасининг лаб-лаб [w] ва лаб-тиш [v] вариантлари ёзувда фарқланган. Чунончи, [w] товуши “Девону лугатит турк”даги туркий мисолларда, “Кутадғу билиг”нинг араб ёзувли кўлёзмаларида ف//ف, туркий “Тафсир”да ف, “Муқаддамату-л-адаб”нинг XIII–XIV асрларга мансуб дея чамаланаётган нусхасида ف//ف ҳарфлари билан ифода этилган. Кейинги давр матнларида бу товушлар учун ягона ҳарф хизмат қилган: иккови “вав” (و) ҳарфи билан ифодаланадиган бўлди.

XI–XIII асрларнинг ёзма ёдгорликларида туркий сўзларда сўз ичи ва охирида́ ҳам келади. У [d] ундошининг [ð] вариантини билдиради. Масалан, “Кутадғу билиг”нинг наманган нусхасида: **کوڈو** – эзгу, **کوڈو بودىن** – халқ, **قۇدۇر** – қадғу, **ذوق** – қобд-кўй- (феъл) ва б.

Матнларда ј ҳарфининг устига уч нукта қўйиб, сирғалувчи [ž] товуши ифода этилган: زون ažun – дунё.

Араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзларга нисбатан ёзув принципи амал қилган. Бундай сўзлар арабча матнларда қандай ёзилса, туркий матнларда ҳам шундай ёзилаверган. Лекин улардаги араб тилигагина хос бўлган товушлар туркий тил талаблагрига бўйсунган ҳолда талаффуз этилган. Масалан: ل عَ ‘adl – адл, علی ‘Ali – Али, sana: شنا - сано, ҳамд, مُحَمَّد masal – мақол.

Араб хатининг турлари

Араб хатининг узок асрли тарихий тараққиёти давомида унинг турлари, услубий кўринишлари юзага келган.

Куфий хати. Араб хатининг энг эски турларидан биридир. У мелодий VII асрда Шарқдаги йирик маданий марказлардан бири

¹⁴ Kitab-1 Mescü-1 Tercüman-1 Türkî ve Acemi ve Muğali. Recep Toparlı, M. Sadi Çögenli, Nevzat H. Yanık. –Ankara, 2000. –S.2.

бўлмиш Куфа шаҳрида юзага келди. Хатнинг бу тури бино пештоқларида ёзувларда кўп учрайди.

Мухаққақ хати. Ушбу хат турининг келиб чиққан замони аниқ эмас. Шундай эса-да, унинг тарихи куфий хати билан tenglashadi. У ҳарф шаклларининг аниқ ва равонлиги билан ажралиб туради. Енгил ўқиласи, лекин уни ёзиш анча мушкул, ёзув техникасига кўра катта малакани талаб этади.

Мухаққақ бир оз сулсга ҳам ўхшаб кетади. Бироқ ёйсимон ҳарфлари анча кенг тортилади.

Насх хати. Араб хатининг энг такомиллашган, ёзишга ва ўқишига ўнгғай бўлган турларидан биридир. Ҳарфлари аниқ ва оддий. Шунинг учун ҳозирги босмача ёзув учун ана шу хат турни асос қилиб олинган.

Ўтмишда Куръони каримнинг кўлёзмалари ҳам кўпроқ насхда кўчирилган. Бунинг сабаби аниқ: кенг омма манфаатини кўзлаб шундай йўл тутилган. Ёзувнинг бу тури араб мамлакатларида кенг ёйилган.

Сулс хати. Анча нафис хат турни саналади. Ҳарфлари жимжимадор.

Сулс Куръони каримни кўчиришда ҳам кўлланилган. Шунингдек, қабртош ёзувларида, бино пештоқларида кўп учрайди. Йирик бадиий асрларнинг ички сарлавҳалари ҳам сулсада битилган. Сулсада ёзиш анча мушкул. Бу юмушни тажрибали хаттотлар осон уddyалайдилар.

Девоний хати. Ўзига хос самарадор бўлган хат туридир.

Девоний хати, одатда, кўлёзма китобларнинг ilk сахифаларида, баъзан фаслларнинг бошланишида учраб туради. Бу хат туридан нақшларда, күш тасвирларини чиқаришда кенг фойдаланилган. Хаттотлар ярим ой шаклини ва бошқа диний рамзларни беришда ҳам девоний хатини кўллаганлар.

Риқъа хати. Ушбу хат турининг келиб чиқиши хусусида бир тўхтамга келиш қийин. Тахмин қилишларига қараганда, у девоний хатидан кейин шаклланган.

Риқъа ҳарфлари майда ва зич шаклда тортиладиган, лекин каттагина маҳорат талаб этадиган хат туридир.

Наастаълиқ хати. Насх ва таълиқ хатларининг бирикувидан келиб чиққан. Шунинг учун бу ёзувда ҳар иккисига хос услубнинг уйғунлашувини кузатиш мумкин. Араб хатининг энг тако-

мил топган тури сифатида тан олинади. XIV аср охирларида Эронда шаклланган.

Машхур Шарқ адиларининг девонлари настаълиқда битилган.

Шикаста хати. Шикаста хати настаълиқнинг айрим ҳарфларини синдириб тортиш натижасида келиб чиқсан. Бу шошиб ёзиш оқибатида эмас, балки ҳарфларни сатрга сифдириш, саҳифаларни бир тартибга тушириш, матнни қўл узмай ёзиш эҳтиёжларидан юзага келган.

СИҒНАҚ ЁЗУВИ

“Абушқа” луғатида ушбу ёзув ҳақида маълумот берилган. Луғат муаллифи *sīgnaq* сўзини изоҳлар экан, у муайян ёзувнинг оти эканлиги, Захириддин Бобур ўз ғазалларидан бирида уни тилга олганигини таъкидлайди ва ғазалнинг ўша байтини мисол келтиради:

Sīgnaq – bir nav' xatdur, Čīgatayda xatt-i bāburi: va ġayri kibike, Bābur Mirzā aš'ārında kelür. Bayt:

*Xu:blar xattī nasibüng bolmasa, Bābur, ne tang,
Bāburi: xatī emäsdür, xat-i sīgnaqi:mudur¹⁵.*

Sīgnaq атамаси, чамаси, ўрта асрлар Сирдарё бўйидаги турк маданий марказларидан бири бўлган шаҳар отига боғланади. Ана шу ўлкада қўлланилган ёзув шундай аталган бўлуви мумкин.

Сиғнақ хатининг намуналари ҳозирча маълум эмас. Эҳтимол, у қадимги туркий ёзувлардан биридир. Даилиллар аниқлангунга қадар бу масала очик қолади.

ХАТТ-И БОБУРИЙ

Ушбу ёзув Захириддин Муҳаммад Бобурнинг тишлинос сифатидаги улуғ кашфиётидир. Бу хатнинг муайян доирада амал қиласанлиги ҳақида маълумотлар бор. Лекин бу ёзувда битилган матнлардан бизгача етиб келмаган ёки бор бўлса ҳам фанга маълум эмас.

Муҳаммад Тоҳир ибн Қосимнинг 1645 йили Балҳда Саид Но-дир Муҳаммадхон топшириғи билан ёзилган “Ажойиб ат-табакот” асарида хатт-и бобурий билан боғлиқ муҳим бир факт бор.

¹⁵ Dictionnaire Djaghatai-turc. V. de Vilaminof-Zernof. –SPb., 1869. –P.278.

Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти фондида 409- ҳамда 411- кўрсаткичлари остида асарнинг қўллётмалари сакланмоқда¹⁶.

Китоб етти бўлимдан иборат. Уларда оламнинг яратилиши, пайғамбарлар, ер ва коинотнинг ҳолатлари, баъзи ажойиб ишлар, гаройиб илмлар ҳақида сўз боради.

409- рақамли қўллётманинг 241a–242b- саҳифаларида “Dar ta'aayuni xutut az anvai o” (“Хатлар ва унинг турларини билиш ҳақида”) сарлавҳаси остида муайян тартибда ўн тўртта алифбо келтирилган. Алифболарнинг бошида уларнинг номи ҳам қайд этилади. Шулардан ўнинчи алифбо хатт-и бобурийдир. Унинг бошланишига *Xatt-i bāburi: inast* деб ёзилган. Шундан сўнг хатт-и бобурийнинг 28 ҳарфи келтирилиб, ҳар бири арабча ҳарфлар билан изоҳлаб чиқилган.

411- рақамли қўллётмада ҳам хатт-и бобурий алифбоси мавжуд (у қўллётманинг 67b- саҳифасида). Бироқ, мазкур қўллётмада жами ўнта алифбо намунаси берилади. Хатт-и бобурий уларнинг ўнинчисидир. Муҳими шундаки, ушбу алифбода 29 ҳарф келтирилади. Улар ҳам арабча ҳарфлар билан изоҳлаб чиқилган. Мазкур алифбода юқоридаги алифбо ҳарфлари қаторига ј ва ј ҳарфлари ҳам қўшилган.

Баъзи олимлар Захириддин Бобур ўз ёзувини уйғур хати неғизида тузган, деб қарамоқдалар. Лекин, юқорида келтирилган алифболар бу фикрни рад этади. Бизнингча, муаллиф хатт-и бобурийни бошқа бирор алифбо асосида тузган бўлуви керак.

ЛОТИН ЁЗУВИ

Туркшунослиқда “Codex Cumanicus” номи билан юритилувчи асар 1303 йили италян ва немис миссионерлари томонидан лотин алифбосида ёзилган. У лотинча-форсча-қипчоқча (куманча) луғат, киска грамматика, насиҳат ва дуо парчаларидан тузилган. Ундаги туркий (қипчоқча) матнлар ҳам лотин хатидадир.

¹⁶ Азимджанова С. Новые сведения о “Хатт-и Бабури”. – XXVI Международный конгресс востоковедов. Доклады делегации СССР. –М., 1963. – С.5–10.

Сўроқ ва топшириқлар:

1. Марказий Осиё халқлари ёзув тарихи бўйича илмий китоблар, интернет сайтиларидан материал ийгинг.
2. Авеста, қадимги хоразмий ёзувида қандай маебалар сакланниб қолган?
3. Кўк турк ёзуви ва унинг ёдгорликлари ҳақида сўзлаб беринг.
4. Кўк турк ёзуви қандай хусусиятларга эга?
5. Сугд тили, ёзуви ва ёдгорликлари тўғрисида нималарни биласиз?
6. Уйгур ёзуви ўтмишида қандай аталган?
7. Уйгур ёзувининг имло принципларини сўзлаб беринг.
8. Уйгур ёзуви ёдгорликлари тўғрисида сўзлаб беринг.
9. Моний, сурёний ёзувларида қандай ёзма ёдгорликлар сакланган?
10. Араб ёзувининг Ўрта Осиёга кириб келиши, араб ёзувидаги илк туркий ёдгорликлар тўғрисида маълумот беринг.
11. Араб хатининг туркий тилларга мослашуви тўғрисида сўзланг.
12. Марказий Осиё халқларининг ёзув маданияти тарихини схемада чизиб беринг.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

КИТОБ ТУРЛАРИ

Таянч тушунчалар: қўлёзма китоб, ксилография, тошибосма китоб, потхи китоб, ўрама китоб, дафтар; сарлавча, дебоча, басмала, наът; қабртоши ёзувлари.

Эътибор қаратиласидиган масалалар:

- Уйгур ёзувли қўлёзма китоб.
- Ислом даври асарларининг анъанавий компонентлари.
- Ислом даври қабртошларидаги ёзувлар.

Қадимги китоб турлари, китобат иши эски ёзувлар билан боғлиқ. Шунга кўра уларни оромий ёзувидаги, сүфд, кўк турк, уйғур, араб ёзувларидаги китоблар деб ажратамиз. Яна шарқда китоблар турли шаклларда ишланган. Илк матнлар тахтача бетига битилиб, тахлаб ҳам қўйилган. Сопол ёки бошқа хил қаттиқ буюмларга хат битиш ҳам ўша замондан қолган. Юмшоқ материалга ёзиш нисбатан кейинги кезларда оммалашди. Бунда дастлаб тери ёки бошқа бирор юмшоқ материалдан фойдаланганлар. Қоғознинг кашф этилуви китобат тарихида катта бурилиш ясади. Улар айри бир варак ёки ўрама қофоз, потхи китоб, дафтар, жилдланган китоб шаклидадир.

Уйгур ёзувли қўлёзма китоб

Уйгур ёзувли матнлар бизгача варак ҳолида, ўрама қофоз, дафтар, қўлёзма китоб, эпиграфик битиглар, тахта, сопол ва металл ашёлардаги ёзувлар шаклида етиб келган.

Ёдгорликлар орасида, айниқса, қўлёзма китоблар салмоқли ўринга эга. Уйгур ёзувли энг эски китоблар техник жиҳатдан пухта бўлиб, ўша кезлардаёқ китобат санъати юқори даражада бўлганидан далолат бериб туради.

Қадимда матн, асосан, қўлда ёзилган. Шарқий турк китобатчилигига қўлёзма китоблар билан бир қаторда **ксилография** – тахта бетига матн ёзиб, ундан нусха кўпайтириш усули ҳам жоријий этилди. Ксилография босма ёзув усулиниң илк, шунинг

билан бирга, улуг кашфиёти бўлувига қарамай, кўлда битилган матнлар ўрнини тўлиқ босолгани йўқ. Нодир ва қимматли китоблар ўша-ўша амалдорлар томонидан моҳир хаттот ва усталарга буюртирилиб, кўлда кўчирилаверган. Ксилографлар эса омма ичидаги саводхонликни таъминлашга ва халқ таълими эҳтиёжларини қондиришга хизмат қўлган, холос.

Уйғур ёзувидаги битилган китоблар ўрама қоғоз, дафтар, потхи ва жилдланган китоб шаклидадир. Булардан ўрама қоғоз ёки дафтар шаклидаги китоблар кўпроқ турк-моний жамоаларида, потхи китоби турк-будда жамоаларида, жилдланган китоблар эса ислом даврида кенг ёйилган эди.

Қадимги туркларда, айниқса, моний жамоаларида китоб тайёрлашнинг ўрама қоғоз шакли кенг оммалашган бўлиб, моний ёдгорликларининг кўпи айни усульда тайёрланган. Ўрама қоғоз усулини буддистлар ҳам қўлладилар. У суғд китобатчилигига ҳам бор. Ушбу китобат тури худуд билан боғлиқ бўлиб, Ўрга ва Марказий Осиё халқларининг ўзаро маданий муносабатлари таъсирида юзага келгани тайин.

Ўрама қоғозларда матн ўнгдан чапга эмас, кўл ҳаракатига қулагай бўлсин учун тепадан пастга қараб ёзилган.

Будда жамоалари орасида кенг оммалашган китоб турларидан бири потхидир. Бундай усул билан китоб тайёрлаш учун аввал китобга мўлжалланаётган варакларнинг ҳар икки ёғига бир ўлчамдаги доирачалар чизиб чиқилган. Матнни ёзаётган пайтда эса доиранинг ичи бўш қолдирилган. Қўлёзма тўлиқ қўлдан чиққач, ҳалиги доирачалар ўртасидан тешиб чиқилган. Варакларни дасталаб туриб, уларнинг тешигидан ипга тизилган. Сўнгра қоғоз бичимиға тенг икки пайраха тахлоғлиқ қоғознинг икки ёғидан қопланган ва тизимчаси унга боғлаб қўйилган. Ўз навбатида, пайрахалар муқова вазифасини ўтаган ҳамда китобни яхши сақлаш имконини берган. Китобни ўқиётган чоғда тизимча бўшатилиб, фойдаланиб бўлгач, яна жойлаб қўйилаверган.

Потхи китоб усулини қадимги ҳиндлар кашф этган. Ҳиндларнинг бундай китоби ҳақида Абу Райҳон Беруний ҳам ўзининг “Ҳиндистон” асарида маълумот берган эди. Потхи қадимги Тибетда ҳам жуда машхур. Лекин хитой китобатчилигда йўқ. Шу боис, олимлар бу китоб усули туркларга Тибетдан ўтган деб тахмин қиласидилар. Ана шундайми ёки тўғридан-тўғри ҳиндлардан

ўтганми, қандай ҳолда юз берганидан қатъи назар, у туркий мұхитга буддизмнинг муқаддас таълимоти ва асарлари билан бирга кириб келди. Шунинг учун у будда китобларигагина хос.

Қадимги ҳиндлар бундай китобларни тайёрлаш жараённанда ёзув ашёси сифатида пальма япроқларидан фойдаланишган. Қизиги шундаки, бундай китоб шакли туркларга маълум бўлгач, улар ўзларининг табиий-географик шароитидан келиб чиқиб, пальма япроқлари ўрнини қоғозга алмаштирилар. Қоғоз эса китобат ишида дараҳт япроқларидан тайёрланадиган варакларга қараганда анча қулай бўлиб чиқди.

Будда санъати ва маданиятида потхи анъанаси узок давом этди. Кейинчалик китоб тайёрлашнинг янг-янги усуллари юзага келганинг қарамай, турк будда жамоаларида анча кейин – ҳатто XVIII юзийилликда ҳам потхига мурожаат қилдилар. Турклар орасида будда асарларига бўлган хурмат шу қадар эдики, котиблар уларда асар таржима қилинган давр тили (классик китобий тил), ҳатто китоб шаклини ҳам сақлаганлар. Бу талаб будда мұхитида қадимги турк китобат анъанасининг узлуксиз давом этувини таъминлаб берди.

Исломдан бурунги китобатчиликда китоб саҳифаларига бе-заклар бериш, миниатюралар ишлаш уқадар авж олган эмас. Бундай санъатни кам қўллаганлар. Ўша давр қўлёзма китобларининг кўркини, аввало, матннинг ўзи таъминлаган. Ёзув услуби, хаттотлар маҳорати, матндаги айрим ўринларни турли сиёҳларда ажратиб берилганлигининг ўзиёқ китоб кўркини ошириб юборган. Керак бўлганда матннинг ўзидан турли геометрик шакллар чиқариш мумкин эди. Бу жиҳатдан уйғур хатининг имкониятлари кенг. Матнга чизилган ҳошиялар, ҳатто тизимча ўтказишга мўлжалланган доирачалар ҳам китоб безаги вазифасини бажарган.

Уйғур ёзувли китоб тарихида ислом даври ҳам алоҳида ўрин тутади. Бу боскич Ўрга Осиёда қораҳонийлардан тортиб то темурйилар замонигача бўлган даврни қамрайди. Ислом даврида, айниқса, XIV–XV асрлар Маворунаҳр, Хурросон, Анатоили маданий мұхитида уйғур ёзувли китобат иши ғоят гуллаб-яшнади ва бу заминда сўнг бор ўзининг такомил чўққисига чиқди. Ўша кезлар Язд, Хирот, Самарқанд, Истанбул маданий марказларида уйғур ёзувидаги битувчи хаттотлар мактаблари вужудга келди. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, хон мактубларини турк (уйғур) ха-

тида битувчи котибни *ilümğa* деганлар. Юсуф Хос Ҳожиб котибни *alıımğa* ҳамда *bitigči* деб атайди. XIV–XV асрларда эса уйғур хатида күчирүвчи котиблар *baxši* аталган. Манбаларда ўша даврда яшаб ижод этган бахшиларнинг отлари ҳам қайд этилади. Язд шаҳрида Мансур бахши, Ҳиротда Абу Малик бахши, Ҳасан Қора Сайил Шамс бахши, Самарқандда Зайнул Обидин бахши ижод этиб, шухрат қозонган. Истанбуллик бахшилар орасида Абдулраззоқ Шайхзоданинг довруғи кетганды. Абдулраззоқ бахши асли Самарқанддан. Кейинчалик түрк султонларининг таклифига кўра Истанбулга бориб, ўша ерда ижод қилган.

Маълумки, бу даврда уйғур хати ўрнини аста-секинлик билан араб алифбоси эгаалаётга эди. Ушбу жараён таъсирида икки хил ёзувли кўлёзмалар кенг тарқалди. Бахшилар омма эҳтиёжидан келиб чиқиб уйғур ёзувли кўлёзмаларда, ўрни билан, араб хатини ҳам қўлладилар. Шунга кўра, түрк ислом маданий муҳитида уйғур ёзувли билан битилган ёдгорликларни уч гурухга бўлиш мумкин: 1) факат уйғур хатида битилган матнлар; 2) уйғур хатида битилиб, ҳар қайси сатри араб ёзуви билан изоҳланган матнлар; 3) уйғур хатида битилиб, баъзи ўринлари араб ҳарфларида ёзилган матнлар.

Бу давр қўлёзма китобларининг исломдан бурун яратилган китоблардан фарқли томони, уларда саҳифаларга безак бериш, миниатюралар ишлар етакчи ўринга кўтарилиди. Чунончи, китоб бетлари рангли миниатюралар, ислимий (ўсимликлар) ва геметрик шакллар, турли нақшлар билан безатилган. Уларга ҳошиялар чизилган. Уйғур ёзувли матн ўнгдан чапга қараб бир текис ёки ундаги геометрик шакллар бўйлаб кўчирилар эди. Айрим қўлёзмаларда ҳошия ташқарисига ҳам араб ёзувли матн битилган ёки гирдо-гирдига нақшлар ишланган. Баъзи китобларда эса ёзувнинг бир неча хат услуги аралаш қўлланганини кузатамиз. Мажмуаларда асар сарлавҳалари, муайян ўринлар, одатда бошқа рангда, хос услугуда ёзилган. Қўлёзмаларда матн билан нақшлар ўзаро уйғунлашиб кетган.

Темурийлар даври обидалари ичидаги Язд хаттотлик мактаби намояндадарининг асарлари китобат тарихида алоҳида ўрин тутади. Язд шаҳрида битилган ноёб қўлёзмалардан бири Мансур бахши қаламидан чиқкан мажмуадир. Ҳозир китоб Британия Музейида Or.8193 рақам остида сақланмоқда. Қўлёзма темурийлар давридан қолган уйғур ёзувли энг гўзал обидалардан бири, кито-

бат санъатининг ажойиб намунасиdir. Матн эътибор билан кўчирилган, саҳифалари геометрик шакллар ва ислимий нақшларла безалган. Уйғур ёзувли матн 16 қатордан тўғри чизиқ бўйлаб ёки саҳифаларга ишланган геометрик шакллар орасига битилган. Мансур бахши ушбу мажмуани 1432 йили кўчириган.

Мажмуага уйғур хати билан Хоразмийнинг “Мұҳаббатнома” достони, диний-фалсафий мазмундаги “Сирожу-л-кулуб”, “Масъала китоби”, “Роҳату-л-кулуб” асарлари, шунингдек, Мансур бахшининг қасидаси, Мавлоно Лутфийнинг тўрт ғазали, Қамбар ўғлининг учта, Жавҳарий, Қосим, Сайиддининг биттадан ғазали ва бир нечта тўртлик битилган. Ҳошияга араб ёзувида Камол Исмоил Исфаҳонийнинг (XIII аср) форсий девони битилган. Сўнгти икки бетининг ҳошиясига эса уйғур хати билан Рашидиддин Ватвот “Сод калима”-сининг бир бўлаги кўчирилган. У араб ва форс тилидадир.

Умуман, уйғур ёзувли қўлёзмалар ўз даврининг ажойиб на муналари сифатида ўзбек китобат санъати тарихида катта ўрин тутади.

Ислом даври асарларининг анъанавий компонентлари (одоби таълиф)

Китобат санъатида асар яратиш одоби (“одоби тасниф” ёки “одоби таълиф”) га қаттиқ риоя қилинган. Одоби таълифнинг таалаблари бундай:

(1) Асар қайси соҳага оид бўлмасин Аллоҳнинг номи билан, яъни “Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим” деб бошланган. Буни манбашуносликда “басмала” дейилади.

Басмала, таомилга кўра, араб тилида берилган. Лекин, шунга қарамай, айрим мутафаккирлар ўз асарларини она тилидаги басмала билан бошлаганлар. Фирдавсий ўз “Шоҳнома”сида басмалани форсчада берган.

Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг “Кутадғу билиг” асарида басмалани туркий тилда келтирган. Мана ўша туркийси:

*Bayat ati birlä sözüg başladim,
Törütkän, igidgän, kecürgän idim.*

Ушбу байтда кечган *Bayat ati birlä* биримаси “Аллоҳнинг номини ёд этиб” маъносини беради. Айни биримада арабий бас-

мала (*Bi-smi-l-lāhi-r-rahmāni-r-rahim*) назарда тутилади; *Bayat atī birlä sözüg başladım* дейилганды “Аллоҳнинг номи билан сўзни бошладим” / “Бисмиллоҳ билан сўзни бошладим” деган маъно бор.

Жумладаги *bayat atī* биримаси алоҳида олинганда арабий басмаладаги *ismi-l-lāh* га тенг келади. Кейинги сатрдаги *törütkän, igidgän, kecürgän idim* жумласи эса арабий басмаладаги *rahmāni-r-rahim* сифатларининг шархи бўлиб келмоқда.

“Кутадғу билиг”да кечган *bayat atī birlä* биримаси кейинги давр туркий асарларида *Haq atī birlä / Haq yādī birlä* шаклларида ҳам кўлланган. Масалан, Алишер Навоий ўзининг ислом фарзларига бағишланган “Сирожу-л-муслимин” асарини шундай бошлайди:

*Çi yondum hāma-yi tuškin šatāma,
Qīlay Haq yādī birlä zebnāma.*

Ёки Бобурнинг “Мубайян” асари шундай байт билан бошланади:

*Haqqa hamd-u sanā adā qıldım,
Haq atī birlä ibtidā qıldım.*

“Мубайян”нинг *Haq atī birlä ibtidā qıldım* бошловчи жумласи “Кутадғу билиг”даги *Bayat atī birlä sözüg başladım* нинг ўзидир.

“Хайрату-л-аброр” достонида Алишер Навоий басмаланинг шоирона шархини берган.

(2) Басмаладан сўнг Аллоҳ ҳамди (мақтоби) берилади. Унда Аллоҳнинг сифатлари, Исмининг азалийлиги, Раҳмонлиги, Раҳимлилиги, ягоналиги, абадийлиги, боргоҳи (саройи)нинг ҳашами, илми уммонининг бепоёнлиги, яратувчилиги, кечирувчанилиги, марҳаматлилиги ҳамд айтилади.

Масалан, Навоийнинг “Муножот” асаридаги ҳамдни келтирамиз.

“Илоҳи, азamat ва жабарут” – (улуглик ва қудрат) – сенинг хукму фармонингда, азалиятингта бидоят йўқ ва абадиятингта ниҳоят йўқ. Даҳр гулшанида ҳар гиёҳу яфроф сенинг ҳамдингфа зоҳир ва сипеҳр анжуманида ҳар ҳарфу авроқ – сенинг неъматингфа шокир. Жамолиятинг бўстонида секиз учмок – биррайхони дилнавоз ва жамолиятинг зиндонида етти тамуғ бир самуми жонгудоз (жон қийновчи ўтли жамол), ҳашматинг боргоҳи бир жанма (зарра) – меҳри мунир ва санъатинг коргоҳида бир лавҳа – сипеҳри асир. Юз бу оламча мавжуд этай десанг “кун фаяқун” (бўл деса бўлади) иборати анга кофий ва минг ончани маъдум (йўқ) этай

десанг, “Ҳабоан мансуро” (тўзиган чанг) ишорати анга вофий (бас). Ваҳдоният сифатида шарику валаддин мубарро (озод) ва фардоният (ягоналик) сифатида волиду валаддин муарро (ҳоли). Илминг дарёсидин ҳар гавҳар нужум дураидин (юлдузлар дурри) покрок, мулкунг саҳросида ҳар лола қуёш машъалидин оташнокроқ. Бемонандингнингга (ўхшамаслик) “Лайса камисли ҳи шайъун” (унга ўхшаши нарса йўқ) гувоҳи содик, бепайвандлигинга “Лам ялид ва лам юлад” (унга ўхшаши нарса йўқ) далили мувофиқ. Ҳар негаким ташбеҳ қилинса, ўхшамассен, яхши боқилса, ул сендин дурур ва сен ул эмассен. Ҳамдингфа такаллум аҳли тили қосир (кусурли), сипосингда (мақтоб) мутакаллимлар ажздин (мажолсиз) мутахайир (хайратда). Бу бобда “La нуҳси саноан алайка”.

(3) Найт. Унда Мұхаммад (с.а.в) пайғамбар мадҳ этилади. Унинг охирги пайғамбар эканлиги, мўъжизалари, Унга Қуръони карим нозил этилгани, меъроҷга эришгани таъриф қилинади.

Масалан, “Муножот”даги наът: (Мақтобингни айтиб тутатиши мақол) мазкур бўлур, ҳар неча балогат лофин урган (сўзамолликда лофт урган) дам урмаса, маъзур бўлур (узрли). Улки “кунту набийян ва одаму байналмон ватин” (Одам ато) сув билан тупроқ таркибида ётган давридаёт мен (Мұхаммад) пайғамбар эдим) мазмунни илиа анбиёға муқаддамдур, “Раҳматан лил-оламин ва Хотамун набийин” (Олам Раҳмати ва пайғамбарларнинг охиргиси) мантиқи илиа аларға муахҳар (охирги) ва Хотамдур, Ҳабиби Ҳазрати Илоҳ Мұхаммад Расулуллоҳ саллоллоҳи алайҳи васалламдур. Юз йигирма тўрт минг анбиёйи мурсал ҳилқатидин мурод ул барча анга хайл ва ўн секиз минг олам ихтироъидин мақсад – ул ва оғариниши (яратмиш) анга туфайл (сабаб) Нубуват (пайғамбарлик) таҳтида Хумоюн фарҳи (баҳтли бош) узра тож, анбиёву расул хайлида соҳибмеъроҷ (қўкка кўтарилишга эришган), аввалину охирин ҳалқи аниңг шафоатига муҳтож.

Буроқи иноят аниңг марқаби (от) улви хироми (баланд ва йўрға) ва Жибрили хидоят аниңг пайки барқоми (яшиндек тез), лайлат ул-меъроҷ аниңг Шабистони ва (Ли маъаллоҳи вактун (менга Аллоҳ билан бўлмоқлик учун вакт бор) аниңг мақоми “Салавотуллоҳи алайҳа ва аъло олиҳий-тойибин ва асҳобиҳий-тоҳирин” (“Аллоҳнинг салом ва раҳматлари ул зотга ва пок оила аъзоларига ва тоза саҳобаларига бўлсин”).

(1) “Нияти тасниф” – асарни яратишдаги бош мақсад, ёзилиш сабаблари баён этилади. Навоий бу ерда шу мавзуда қалам теб-раттан салафларини ёдга олади ва уларни таърифлаб ўтади. Масалан, “Хамса” таркибидаги достонларда Навоий – Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий, Абдураҳмон Жомийга алоҳида боблар ажратиб, мавзуга алоқадор фикрларни таъриф қилади.

(2) Асар бағишиланган шахс васф этилади.

(3) Муаллиф ўзи ҳақида маълумот беради, ўз хоҳишу истагини билдиради. Бунга риоя қилиш шарт ҳисобланмаган.

Муаллифлар ўз асарларига махсус муқаддима ёки дебочалар (шеърий девонларга) ёзганлар. Уларда ҳам “одоби тасниф”га риоя қилинганди.

Сарлавҳалар. Муаллифлар сарлавҳаларга алоҳида эътибор билан қараганлар. Чунки сарлавҳалар боб, фасл, қисмлар мундарижасидан хабардор қилиши билан бирга, уларга бадиий ухдалар (поэтик нагрузка) ҳам юклатилган. Сарлавҳада сажъ усулини кўллаш ҳам анъана бўлган.

Шарқ шеъриятида сарлавҳа бериш расм бўлмаган. Фақат китъяларга сарлавҳа кўйилган. Лекин Навоий «Хазойину-л-маоний» даги қофияда 32 ҳарфга ғазал битар экан, ҳар бир ҳарф аввалида сарлавҳа бериб боради.

Масалан: “Алиф” ҳарфининг оғатларининг ибтидоси.., “Жим” ҳарфининг жамилаларининг жилваси.., “Ре” ҳарфининг рангларининг рустохези (ғавғоси).., “Син” ҳарфининг сийбарларининг савдоси.., “Мим” ҳарфининг маҳбубларининг малоҳати...

Сарлавҳалардаги сўзларнинг ҳақиқий ва мажозий маънолари идрок этилса, рамзий жиҳатлари очилса, шоир шеъриятининг мавзуи, мазмун доираси англашиллади.

Навоий “Хамса”си сарлавҳаларига ҳам муайян ғоявий-эстетик вазифалар юкланган. Ҳар бобнинг асосий мазмунини баён этади.

“Фарҳод ва Ширин”дан биргина мисол келтирамиз. Достоннинг 13 фаслига шундай сарлавҳа қўйилган: Шаҳзода Фарҳодга “асасмоу танзилу мин ассамо” ҳукми билан ишқ сипехри авжидин номдорлиқ насиб бўлмок ва шавқ гулшанида ғунча эрканида гулдек кўнглаки чок, балки булбулдек кўнгли ғамнок бўлмок ва дард муаллими мактабида ишқ кутуби лафз-балафз, балки муҳаббат авроқин ҳарф-баҳарф уқимоқ ва диловарлик майдонида шижоат варзишини қиличдек тез этиб, ўқдек тузатмак ва замон

киноварларидин худдек саромад ва найзадек сарафroz бўлмоғи” (яъни, шаҳзода Фарҳод “исмлар осмондин тушади” ҳукми билан ишқ осмони юксаклигидан машҳурлик насиб этгани ва шавқ гулшанида ғунча эканида (ёш эканида) гул каби кўйлаги чок, балки булбулдек кўнгли ғамнок бўлгани ва дард мактабида ишқ китобларини сўзма-сўз, муҳаббат варакатларини ҳарфма-ҳарф ўқигани, қаҳрамонлик майдонида шижоат машқини қиличдек чархлаб, ўқдек тўғрилагани ва замон қососларидан темир бош кийими учидек баландга кўтарилигани ва найзадек юксалгани ҳақида).

Мазкур сарлавҳа бобнинг асосий мундарижасидан дарак беради. Фарҳодга унинг исми Ҳолиқ томонидан берилгани, унинг қисмати исмидаги ҳар бир ҳарфда ёзиладиган (Ф – фирок, Р – рашқ, X – ҳажр, О – оҳ, Д - дард) сўзларнинг маъно ўрнига эга бўлиши, яна фар – “нур”, ҳед – “бошловчи, элтувчи” каби бу исм маъноси борлиги ҳақида ва ёшлигидан фарҳод кўп салоҳият ва фазилатларга эга бўлиши, ўн тўрт ёшга кирганда эса кўп ишлар, қаҳрамонликларга қодир бўлиши ана шу сарлавҳали фаслда баён этилади.

Навоий “Ҳайрату-л-аброр”нинг тўққизинчи мақолотига шундай сарлавҳа кўяди: “Ишқ ўти тарифи даҳим, шуъласи бало саҳросининг лолалари ва аҳгари балокаш кўнгул парчалари дурур ва меҳнат (машаққат) қаро исми анинг тутуни ва бу шомнинг муҳтарак (ёнган, порлаган) кавкаблари (юлдузлари) анинг учкуни дурур. Ва ҳусн анвориким (нурлари), мунча ўтға боис, анинг барқидин (чақмогидан) бир ламъа (ёлкин) ва мунча ҳароратга мульжид (ажабланарли), анинг куёшидин бир ашқъа (нур) дурур”.

Бу сарлавҳадаги ҳар сўз, ҳар ибора бобда ёпик тарзда қаламга олинади. Ишқнинг кўнгилларни фатҳ этувчи таърифи ҳам мажозий, ҳам ҳақиқий йўналишда берилади (яъни: ҳам зоҳирий, ҳам ботиний маънолари). Навоий достонларидаги сарлавҳаларда маъно мазмун билан бирга, ҳис-ҳаяжон уйғотишга ҳам эътибор қилинган.

Дебочалар. Дебочалар, асосан, девонларга ёзилади ва насрый асарларга ёзиладиган муқаддималардан фарқ қилади. Дебочаларни алоҳида жанр деб ҳам ҳисоблайдилар. Уларда шоир ўз девони мундарижаси, ўз ҳасби ҳолига оид маълумотларни, адабий-эстетик қарашларини баён қилади. Улар кўпинча анъанага кўра анчайин дабдабали услубда битилади. Дебочаларда наср билан назм қарисиқ келади. Котиб ёки девон тартиб этувчилар томонидан ёзилган дебочалар мазмунига кўра сўзбоши ўрнида қаралади.

Шеърда ёзилган дебочалар ҳам мавжуд. Хусрав Дехлавий беш девонини алоҳида номлаб (“Тухфату-л-сифар”, “Васату-л-ҳаёт”, “Фуррату-л-камол”, “Бадияу-н-нақия”, “Ниҳояту-л-камол”), ҳар бирига насрый дебоча ёзган.

Жомий Навоий тавсияси билан “Фотиҳату-ш-шабоб”, “Воситату-л-икд” ва “Хотимату-л-ҳаёт” деб номланган девонларига дебочалар ёзган.

Манбаларда Навоий ўзининг иккинчи расмий девони “Наводиру-н-ниҳоя”га дебоча ёзган дейилади. Лекин у бизгача етиб келмаган ёки топилганича йўқ. Биринчи расмий девони “Бадоеву-л-бидоя” ва “Хазойину-л-маоний” (унинг таркибида) девон: “Фаройи-бу-с-сифар”, “Наводиру-ш-шабоб”, “Бадоеву-л-васат” ва “Фавойиду-л-кибар”га ёзган дебочалари нашр этилган. Навоий дебочаларида шоир шахсиятининг айрим қирралари ўз аксини топган. Шеъриятидаги ғоя ва шаклнинг боғлиқлиги, салафларига муносабати, шоҳ ва шоир Ҳусайн Бойқарога баҳшида таърифлар беради.

Кейинги даврларда Нодира, Нодир Узлат, Амирий, Оғаҳий, Мунис, Шавқий, Факирий, Табибий ва бошқа шоирлар ҳам ўз девонларига дебочалар ёзганлар.

Асарнинг охирида унинг ёзилган йилига оид таърих, дуо, истаклар ёзилган. Уни, кўләзмалар феҳристини (каталогини) тузувчилар колофон деб аташган. Колофонлардаги маълумотлар, асосан, арабча берилган. Уларда котибининг исми ва китобат қилинган сана ҳам кўрсатилган.

Ислом даври қабртошларидағи ёзувлар

Маълумки, қабртошлар ўтмишнинг ўзига хос санъат асари, архитектура ёдгорлиги бўлиб, уларни тайёрлаш жуда катта меҳнат ва маҳоратни талаб этган. Бошлаб ёдгорлик учун ноёб ва қимматли тош танланган. Тарихий манбаларда бундай тошлар ҳукумдорлар буйруғига кўра баъзан узок ўлкалардан ташиб келтирилганлиги ҳақида маълумотлар бор. Келтирилган ашё тош йўнувчи уста(сангрез)га топширилган. У тошни йўниб сандиқсимон ёки бешиксимон шаклга солган. Бу орада тошга битилгучи ёднома матни ҳам тайёрлаб қўйилган. Матн, одатда, олим, муаррих ё шоирлар, диний уламолар томонидан тузилар эди. Улуғ шахсларга аталган ёдномани тузиш учун баъзан улар орасида танлов ҳам

ўтказилган. Оқибат, матнлардан энг маъқули, талабга жавоб берадигани танлаб олиниб, хаттотга топширилган. Тошни безашда наққошнинг хизмати алоҳида ўрин тутади. У силлиқланган тошнинг юзаси ва ён бағирларини нақшлар ҳамда ислом санъатида оммалашган геометрик шакллар билан bezagan. Ҳарқалай, кейинги жараён хаттот билан ҳамкорликда бажарилган дея оламиз. Чунки, тошнинг қанчалик гўзал чиқиши хаттот ва наққошнинг ҳамкорликдаги меҳнатига боғлиқ эди. Бу юмушлар тугагач, тош сангтарошга топширилган. Сўнгги ва энг заҳматли ишни сангтарош якунлаган. Шундай қилиб, чиройли бир қабртошни тайёрлаш учун ойлаб вакт сарфланган.

Ўрта аср ислом маданияти тарихида турли маданият ва санъат марказларида сангтарошлиқ мактаблари шакллангани маълум. Бу даврларда, айниқса, самарқанд-кеш сангтарошлиқ мактаби шуҳрат қозонган. Самарқанд-кеш усталарининг ишларини бошқа худудлардаги ёдгорликларда ҳам кузатамиз. Бу усталарнинг меҳнатига талаб катта бўлган ва эътиборли шахслар хотирасига қабртош ясаш учун улар таклиф этилган.

Шакли, ишланишига кўра турли даврларда яратилган қабртошлар бир-биридан фарқланиб туради. Қабртошларнинг юксак даражада ишланган, классик турни сандик кўринишидадир. Биз уларни шартли равишда "сандиқсимон" қабртошлар деб атадик. Шундай аталса-да, уларнинг тела қисми бўртган, айвон пештоқи шаклида. Ҳатто тошнинг тўрт устуни ҳам кўпинча сарой устунлари шаклида. Умумий қиёфаси эски туркистон архитектурасига мансуб гўзал бир уйни эслатади. Бунда чукур маъно мужассам: қабр марҳумнинг уйи деган тасаввур бор. Сандиқсимон қабртошлар, кўпроқ, XIV–XVI асрларда кенг тарқалган. Ёдгорлик шакли, унинг безаклари марҳумнинг тириклиги чоғида жамиятда тутган мавкеи ва ёшига ҳам боғлиқ бўлган. Хонлар, султонлар, амирлар, шайхлар қабрига ўрнатилган тошлар ниҳоятда гўзал ва салобатли. Уларни ўз даврининг ажойиб архитектура обидалари санаш мумкин.

Қабртошларнинг яна бир хили "бешиксимон" тошлардир. Улар бешик шаклида тайёрланган (инсон чақалоқлигини бешикда улғайгани каби унинг сўнг ери ҳам бешикдай осойишта бўлувиният қилинган бунинг билан). Баъзилари икки бўлақдан иборат: асоси сандиқсимон ишланиб, усти бешик кўринишида. Бешиктошларнинг тарихи ҳам узок. Бундай тошлар ҳам марҳумнинг

тириклигидаги даражаси, ёшига қараб ишланган. Айниқса, ўспирин ва гўдак ўтганларнинг қабртошлари кичик ва бежиримлиги билан ажралиб туради.

Шартли равища “рельссимон” деб аталаётган қабртошлар, нисбатан, кейинги даврларга мансубdir. Улар кўринишдан қиркма темир йўл рельсига ўхшайди. Шакли жўн, безаклари ҳам йўқ ҳисоб. Марҳумнинг нисбатан куйирок амалда эканидан далолат беради. Иктиносий таназзул даврида бундай тошлар кенгроқ тарқалган.

Шакли, ишланиши жиҳатидан Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманида жойлашган Ҳазрати Лангар зиёратгоҳидаги қабртошлар бошқа қабртошлардан бутқул айрилиб туради. Мақбара ичидан бир неча қабр жой олган. Биринчи қабр устига тобутсимон тош кўйилган. Лекин тобутсимон тошнинг ёзуви йўқ. Тошнинг бош томонига тепаси меҳроб шаклидаги тошлавҳ (стела) тикланган. Марҳум хотирасига аталган ёзув мана шу тошлавҳда.

Иккинчи қабр устидаги ёдгорлик ҳам шундай шаклда. Қабрнинг бош томонига лавҳ тикланиб, ёзув ана шу лавҳга битилган. Лавҳнинг терс томонига ҳам рамка ишланиб, остига меҳроб чизилган. Рамкага *Lahu-l-hukmu va alayhi yurja 'i:p* (Хукм Уницидира Унга қайтадилар) деб ёзилган. Остидаги меҳробда эса ёзув йўқ. Учинчи қабртошнинг ишланиши ҳам шундай. Ундаги лавҳнинг терс томонига ҳам аввалгисидай ёзуви бор.

Усталар мазкур тошлавҳларни маҳорат билан ишлаганлар, уларнинг хати ҳам ниҳоятда гўзал. Умуман, мазкур қабртошларни ўз даврининг энг ажойиб санъат ва архитектура, эпиграфик ёдгорликлари сифатида баҳолаш мумкин.

Ёдгорликлар ичida трапеция кўринишидагиларини ҳам учратамиз.

Қабртошларнинг анча кейинги даврларда оммалашган симёғоч асоси шаклида ишланганлари ҳам бор. Кеш-Шахрисабз теварик ҳудудларида бундай тошлар жуда оз. Бундай қабртошлар Жиззах вилояти Бахмал туманидаги эски қабристонларда бор. У ёрда симёғоч асоси шаклидаги тошлар ниҳоятда кенг тарқалган.

Қабртошлар орасида сополак шаклидагилари ҳам бор. Бундай тошларнинг шакли оддий бўлиб, уларга нақшлар берилган. Ёзуви ҳам чиройли.

XIV асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида қайроқ шаклидаги тошлар кенг тарқалган. Буларнинг шакли оддий, безаклари ҳам

йўқ. Тошга асосан, басмала ҳамда марҳумнинг исми-шарифи, ўлимнинг санаси битилган, холос. Бундай тошларни Самарқанд вилоятининг Челек туманидаги эски қабристонларда учратамиз.

Ёдгорликлар орасида қабр-сандиқ ҳам алоҳида ўрин тутади. Бу ҳудудларда қабр-сандиқлар, асосан, тахтадан ишланган. Шунинг учун ҳам улар муҳофазага олинган бинолар, кўпинча, мақбаралардаги қабрларга қўйилган. Одатда, қабр-сандиқ ўзининг ишланиши, безаклари жиҳатидан қабртошлардан қолишимайди. Табиики, бундай ёдгорликлар улуғ кишиларнинг қабрига кўйилган. Афсуски, кунимизгача бундай ёдгорликлар жуда оз сақланган. Худди шундай қабр-сандиқ Китоб туманидаги Султон Саид Аҳмад (Ҳазрати Башир) мақбарасида бор. Уни айни турдаги санъат ёдгорликларининг гўзал намуналаридан бири деб санаш мумкин. Ёдгорлик яхши сақланган. Фақат у айни чоғда гўр устидан четга олиб қўйилибди. Бу ерлик қарияларнинг сўзига қараганда, қабр-сандиқ аввал гўр устида турган. Кейинчалик қабрга янги мармар ўрнатилгач, четга олиб қўйилган. Афтидан, мазкур қабр-сандиқ 300–330 йиллар бурун ясалган чиқар.

Ислом даври қабртошларида матнга жиддий эътибор қаратилган. Бу давр қабртошларидаги матн ўз тузилиши, матн танлаш принципига кўра Ўрта Осиё ҳалқлари томонидан анча бурун, бошқа диний эътиқодлар даврида яратилган эпиграфик матнлардан фарқ қиласди. Муслим хотирасига ўрнатилган қабртош ислом маданиятининг мухим ёдгорлигидир. Бу давр тошларидаги матн бутқул исломий руҳда. Табиики, ёднома матни тошнинг тузилиши, кимга аталаётганига қараб танланган. Ёдгорликларда марҳумга оид тарихий маълумотлардан ташқари ислом эътиқодидаги тушунчалар, Қуръони карим оятлари жой олган. Чунончи, эътиборли кишилар шарафига битилган ёднома басмала билан бошланади. Бундан ташқари тошга Аллоҳнинг исми-сифатлари (асмау-л-хусна) битилган. Уларнинг сони турлича: ўта эътиборли ёдгорликларда 99 та, бошқаларида 66 ёки 33 та келтирилади. Тошга баъзан *Allah*, *Muhammad* сўзлари ҳам битилган. Шунингдек, матнда Қуръони каримдан оятлар ҳам келтирилган.

Матн ичida марсиялар, баъзан шарқ классикларининг теран фалсафий байтлари ҳам жой олган. Ва, энг асосийси, матнда марҳум ҳақидаги маълумотлар алоҳида ер эгаллайди. Сандиксимон қабртошларда бундай маълумотлар тошнинг бош ва оёғ кўнда-

лангига битилган. Бош томонда ушбу марқад кимга тегишли эканлиги таъкидланса, оёқ томонда ўлимининг таърихи берилади.

Тош қанчалик соддалашган сари ундан матн ҳам оддийлашиб, қисқара боради. Айрим тошларда басмала, мархумнинг исми-шарифи ва ўлимининг санаси қайд этилган, холос.

Ислом даврида яратилган қабртошлар уч тилли: арабча, форсий ҳамда туркий. Ёдгорликларда басмала, асмау-л-хусна, Куръони қаримдан олинган ояллар арабча шаклда келтирилган. Марсия ва шеърлар, кўпинча, форсийда келади. Мархумга оид қайдлар, ўлимининг тарихи XIV–XVI асрларда, кўпинча, араб тилида бўлиб, булар билан олдинма-кетин форсчада ҳам ёзила бошлайди. Кейинги даврларда мархум ҳақидаги қайдлар туркийда бериладиган бўлди.

Қабртошлардаги безаклар ҳам эътиборга молик. Тошларга кўпинча меҳроб тасвири туширилган. Баъзи тошларнинг безаклари ниҳоятда бой, таърифига сўз ожиз. Ҳатто қирраларига ишланган устунчалар ҳам нақшинкор. Устунчалар ишланишига кўра уч хил: морпеч (кулала илон), кунгирадор ҳамда безаксиз устун шаклида. Яна бир жиҳати, тошларнинг юз томонига ромашка гул, юлдузчалар ўйиб туширилган. Бу шакл, афтидан, шамдон вазифасини бажарган кўринади.

Яна тошларга ислом тушунчасидаги абадият белгиси (свастика)ни тушириш ҳам мумкин бўлган.

Ёзув тошларга ўйиб ёки бўртма шаклда битилган. Хат услуби кўпда сулс, сулси насх, шунингдек, насх ва настаълиқда. Баъзи тошларда *Allah*, *Muhammad* сўzlари ҳамда матннаги мухим ўринлар рамкаларга олиниб, куфийда ҳам ёзилар эди.

Сўроқ ва топшириқлар:

1. Уйғур ёзувли қўлёзма китоб, унинг турлари ҳақида маълумот беринг.
2. Қўлёзма китоб ва унинг яратилиши ҳақида маълумот беринг.
3. Китоб тайёрлаши усуслари: қўлёзма, ксилография, тошибосма китоб, потхи китоб, ўрама китоб, дафтар хусусида тўлиқ маълумот ишинг.
4. Ислом даври асарларининг анъанавий компонентлари ҳақида сўзлаб беринг.
5. Ислом даври қабртошларидаги матнлар тўғрисида билганингизни сўзланг.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

КИТОБАТ САНЬЯТИ

Таянч тушунчалар: ёзув қуроллари, ёзув материали; китобнинг бадий безаклари: шамс (форзац), тугро, лавҳа, унвон (заставка), зарварақ (шмуцтитул), қўш зарварақ, сарлавҳа, доира, миниатюра, жадвал, геометрик шакллар, нақш ва зийнматлар, хат тури (услуби), хат ранги.

Эътибор қаратиласидиган масалалар:

- Шарқ китобат санъати.
- Ёзув ёдгорликларининг материали
- Ёзув куроллари
- Ҳаттотлар ҳақида маълумот.
- Кўлёзма китобларнинг бадий безаклари.
- Наққошлиқ санъати.
- Машхур мусаввирлар.

Шарқ китобат санъати қадим анъаналарга эга. Асарларни кўчириш – ҳаттотлик санъати, уларни безаш – лаввоҳ, мусаввир, сахҳофлик соҳасида жуда кўп назарий, тарихий ва амалий масалаларни ёритиб берувчи асарлар яратилган. Ушбу қўлланмада Ўрта Осиё ҳалқлари китобат санъати тарихини ёритишда Яъқуб бин Ҳасан Сарроҳ Шерозийнинг “Тұхфату-л-муҳиббин”, Муҳаммад Шарифнинг “Рисолаи ҳаттотон”, Идрис Маҳдум Рожийнинг “Рисолаи хутналисон”, Ҳабибнинг “Хат ва ҳаттотон”, Хусрав Дехлавийнинг “Эъжоди Хусравий”, Давлатшоҳ Самарқандий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоийнинг тазкиралари, А. Муродовнинг “Ўрта Осиё ҳаттотлик санъати тарихидан”, “Шарқ миниатюра мактаблари”, Россия, Тожикистон ва ўзбек олимларининг китобат санъати, бадий безакларига оид асарларда келтирилган маълумотлардан фойдаланилди.

Ёзув ёдгорликларининг материали

Ўрта ва Марказий Осиё ҳалқларининг маданияти тарихида ёзув тошларга, сопол буюмлар, металлдан ишланган ашёларга,

чарм, ёғоч ва қофозга битилган. Ёзувлар қандай материалга ёзилишига қараб, фанда турли соҳаларга бўлинади. Тош, сопол буюмлар, деворий ёзувларни эпиграфика, қофозга битилган ёзувларни палеография ўрганади. Тангалардаги ёзувлар эса нумизматика ўрганади.

Тош. Тарихда монументал мақсадлардаги матнлар учун тошдан фойдаланилган. Марказий Осиёдан топилган энг эски монументал ёзувлар Биринчи ва Иккинчи кўк турк хоқонликлари, уйгур хоқонликлари даврига мансуб.

Ислом даврида ҳам монументал матнларни ёзуш учун тошдан кенг фойдаланилган.

Сопол. Қадимда кенг тарқалган ёзув материалидир. Ёзув кўза ва турли идишлар, сополакларнинг сиртига битилган. Бошлиб сопол буюмлардаги ёзувлар кулолнинг белгиси, буюмнинг эгаси, идишнинг сифими, унинг нимани сақлашга мўлжаллангани каби маълумотларни акс эттирган. Кейинчалик йирик матнлар учун ҳам сополдан фойдаланиладиган бўлди, ҳатто сополдаги матн бадиий-эстетик вазифани ҳам бажарган. Суғдда таълим жараёнида сополдан ҳам фойдаланилгани маълум.

Металл. Қадимий ёзув ашёларидан биридир. Қилич, пичок, металлдан (олтин, кумуш, мис ва б.) ишланган идишлар сиртига матн битиш эскидан бор.

Чарм. Ўрта Осиё халқлари чармдан ёзув материали сифатида кенг фойдаланганд. «Авеста» китоби ўн икки минг кийик терисига ёзилганлиги хақида ривоятлар бор. Шунингдек, суғд, уйгур, ҳатто араб ёзувли ёдгорликлар ичida ҳам терига ёзилганлари учрайди.

Ёғоч. Ёзув материали сифатида ёғочдан ҳам кенг фойдаланилган. Масалан, Муғ тогидан топилган 80 та ёдгорликдан 23 таси ёғочда. Бунда кўпроқ тол ёғочни ишлатишган. У кесиб олингач, постлогидан тозалаб, узунасига ўртасидан иккига ажратилган. Кейин айни шаклда силлиқлаб, куритилган. Ёзув ёғочнинг текис ёғига ҳам, дўнгалак сиртига ҳам ёзилаверган.

Уйгур ёзувидаги таёқчаларнинг шакли бир оз фарқли. Улар пайраха ёки хатчўп кўринишида бўлиб, ёзуви иккала сиртига битилган.

Мактаб таълимида тахтадан кенг фойдаланилган. Матнни ёзиб ўрганиш жараёнида тахтанинг имкониятлари кўл келган.

Қофоз. Қўлёзма китобларнинг қофози икки хил: энг қадимги-си шарқ қофозидир. Унинг турлари бўлган: самарқанд қофози, хуросон ёки ҳирот қофози, кўқон қофози. Кейинчалик Туркистон билан Россия ўртасида савдо муносабатлари ўрнатилгандан сўнг, рус қофозлари ҳам кириб келди.

Қофоз ғоят сифатли бўлмоғи даркор. XV асрларда Самарқанд ва Бухоро қофозлари энг яхши ҳисобланган. Булар икки хил бўлган:

(1) Фақат ипак лослардан (пахта толасини қўшмай) тайёрланган. Бу қофоз пишиқ, чиройли, тоза, силлиқ бўлган. Уни “қофози абрешилит” деб аталган.

(2) Ярим ипак ва ярим каноп толаларидан тайёрланган. Уни “қофози нимкатоний” деб аташган. Бу ҳам пишиқ, яхши, оҳорли бўлган.

Қофознинг орқа ва ўнгига буғдой унидан қилинган атласимон елим (оҳор) юпқа қилиб суртилган ва сояда куритилган. Сўнgra ақиқдан тайёрланган дандон (тиш) ёки чиғаноқ (мухра) билан ишлов берилган. Маълумки, қофозни ялтироқ қилиш учун етти мартагача пардоз берилган. Хаттот мабодо ҳато қилиб кўйса, хатни абр – юмшоқ булатни сувлаб ҳато ўчирилган, кейин бир оз крахмал суртиб куритилган. Қофоз яна кўчиришга яроқли ҳолга келган.

“Ҳафт ранг” ва “абри баҳор” номли қофозлар муқованинг ички томонига ишлатилган. Бадиий безакли қўлёзманинг ҳошияси учун турли рангдаги ҳошия қофози ишлатилган. Уни эҳтиёткорлик билан матн кўчирилган сахифа атрофига ёпиширилган.

Қофозларни тайёрлаш ишларини маҳсус қофозрез (уста) бажарган.

Ёзув қуроллари

Қалам. Эскида котиблар қамиш ва ҳат чўплардан фойдаланишган. Қаламчалар қамишнинг маҳсус навидан йўниб ишланган.

Қаламдон. Қалимни сақлаш учун хизмат қилган. Унинг тайёрланишига ҳам алоҳида этибор берилган. Қаламдон қофоз бўтқаси, гипс аралашмасидан ясалган, бадиий зийнатланган, расмлар билан безатилган. Қаламдон, шунингдек, мисдан ҳам ишланган. Унга кумуш қадама нақшлар солинган. Унга ҳато кетган ёзувларни ўчириш учун абр – юмшоқ булат парчаси ҳам солиб кўйилган.

Довот. Сиёҳ сақланадиган идиш довот дейилган. Довотлар якка, күшалоқ, баъзан тўрт идишли бўлиб, уларда турли сиёҳлар сақланар эди.

Сиёҳ. Асос эътибори билан қора рангда бўлади. Унинг таркиб навлари ва тайёрлаш усуллари китобат санъатига оид манбаларда баён этилган. Сиёҳдонга ипаклос солинади. Бу қамишдан қофозга сиёҳ томмаслигини таъминлайди ва сиёҳ тўкилиб кетмайди.

Қадимги турклар сиёҳни *qara* деган. Матнлар, асосан, қора сиёҳда битилган. Ўри билан қизил ва бошқа рангдаги сиёҳлардан ҳам фойдаланилган. Бошқа ранглар кўпинча матннинг муайян бўлакларини ажратишга хизмат қилган.

Бўёқ. Қоя ва тош ёзувлари, деворий ёзувлар, айрим санъат асарларига битилган матнларда бўёқдан фойдаланилган.

Хаттотлик санъати

Хаттотлик саъатида қўйидагиларга алоҳида эътибор қаратилади:
Қалам тарошлаш. Устоз хаттотдан сўраган эканлар:

- Шогирдларнигиздан ким энг гўзал ёзади?
- Қаламтарошлиги тезроғи.

Қаламтарошлиқда тўрт асл бор.

- (1) Қалам қора қамишдан ғоят сулб (қаттиқ) бўлиши керак. Қаламтарошловчи бунга зийраклик ва эҳтиётлик билан қараши зарур.
- (2) Қалам риҳу (эркин-озод) бўлиши керак.
- (3) Қалам мўътадил ҳолатда бўлиши керак.
- (4) Яна бири қаламтарошловчи риоя қиласидиган одоб, қаламни йўнганда майда чиқиндиларни қўйдирмай, дараҳтлар тагига тўқади, токи оёқ ости бўлмагай. Қалам кесиш (“қат қамиш” дейилади) га катта эътибор қилиши лозим.

Қамиш қаламнинг уни чиқарилганда ўртасидан озгина узунасига ёрилади. Бу ёрикни “шак” дейилади. Ўнг томондаги шак “унсий”, чапдагиси “ваҳший” (у ингичкароқ бўлади) дейилади. Унсий ваҳшийдан узунроқ бўлади. Қалам уч бармоқ билан маҳкам тутилади. Ҳарфлар гўзал ёзилиши учун қалам эҳтиётлик билан юргизилади, қалам уни ўтқир ва пок бўлмоғи даркор.

Китобат санъатининг энг масъул намояндаси, хаттот – котибдир. Котиб яхши фазилатли, ўқимишли ва покиза, сийратли, ғоят комил устод тарбиясини кўрган одам бўлиши керак.

Ундан иш жараёнида қандай ўтириш, хотирини жамлаш, ўз хунари учун керакли куролларни қаерда ва қандай жойлаштиришга алоҳида аҳамият бериши лозим. Масалан, бир неча қалам, сиёҳ, миҳбар – сиёҳдон, қаламтарошлар (тўрт хилдан кам бўлмаган), қоғоз (турли хил); мақтқаламни тузатиб турадиган сув парчаси, мухра, ўчирғич, сақирлот – юмшоқ жунли мато парчаси (қаламни тозалаб туриш учун); бир парча чарм (китобат қилинаётганда қоғоз унинг устига қўйилади), чизғич; кичкина кафча – сиёҳдонга сув қуйиб туриш учун; кичкина қаламтарош; сиёҳдон четидаги қотган чиркларни тозалаб туриш учун; жадвал қалами ва чизғич ҳамда икки паркер (циркуль); яна бир қалам, бир бигиз, бир игна, мистар (чизик тортилган қоғоз қўйиб ёзилади).

Мистар қалин картон ёки бир неча варақ қалин, пишиқ қоғозлар тикилган ҳолатда тайёрланади. Унинг устига қўчириладиган матнга кўра тўғри ёки қия қилиб йўғон ипак тортилади.

Хаттот мистар устига қоғоз қўйиб, кафтлари билан қоғозда унинг излари қолиши учун қаттиқ босади, бу излар чизик йўл бўлиб, матнни текис қўчириш имконини беради.

Лаввоҳ. Хаттот қўчирилган матнни рангдор чизиқли жадвал ичига, ҳошияни эса қизил ёки ҳаворанг чизиқ ичига олади. Ҳошия агар рангдор бўлиши керак эса, лаввоҳ бўёкли қоғозлардан керакли қисмини оҳиста кесиб олиб, ҳошияга ёпиштириб чиқади. Ёпиштирилган жойларни эса лаввоҳ олтин суви ёки рангли камшталар билан пардалантиради. Лаввоҳ бадий безакли кўлэзмаларга оддий найдан қилинган маҳсус асбоб билан сатрлар, мисралар орасига зарҳал, қизил ёки ложуварддан афшон – сочма безак беради. Ҳошияларда ўсимликлар, гуллар ва ҳайвонот дунёсининг нафис тасвирлари ва олтин сувли жим-жималар ҳам берилар эди.

Кўлэзмаларнинг аввали варроқларидаги “унвон” ёки “сарлавҳа” деб аталган безакли нақшлар билан ўралгин қисмларини ҳам лаввоҳ бажаради. Лаввоҳ ҳар бир асар мазмунидан келиб чиқиб, матн қўчирилишидан олдин бир ёки иккита фронтиспис – асосий мазмунни тасвирлайдиган ва титул саҳифаси ёнида ҳар икки саҳифадаги яхлит расм тайёрлайди.

Фронтиспис ғоят жимжимадор ишланади. Олтин сувлар билан унга гул ва япроқлар расми билан, шунингдек, геометрик нақшлар солинади.

Масалан, “Хамса” каби алоҳида достонлардан таркиб топган асарларнинг ҳар бири аввалида алоҳида фронтиспис сабаби, ўртасида асар ва муаллиф номлари ёзилади.

Мусаввир (рассом). Мусаввир қўллэзма мазмунига кўра сюжетли расм – миниатюралар ишлар, хаттот бўш қолдирган саҳифаларни улар билан тўлдиради.

Мусаввир ҳунарига оид асбоблар – сарқалам (нозиккалам – перо), мўйқалам, турли бўёклар бўлиб, уларни рассом ўзи тайёрлар, бўёклар паста каби ҳолатга келтирилиб, уларга олтин ва кумуш суви кўшиларди.

Ниҳоят, қўллэзма **саҳҳоф** (муқовасоз) қўлига ўтади.

Муқова картон қийқиндиларидан ёки бир қанча пишиқ қоғоз ва рақлари ёпиштирилиб тайёрланади. Қоғозлар бўтқасимон сўюқлик ҳолига келтирилгач, маҳсус қолипга қўйилиб қотирилар эди. Тайёр ҳолда уни «мағзийи рехта», «қўйма картон» деб аталарди.

Жилд учун яна қопқоқжилд ҳам ишланади. Уларга энг пухта, энг яхши саҳтиён тери танланади. Бу соҳада “чарми ҳамадоний” деган Ҳамадоннинг оч жигарранг, ялтироқ чарми ажратилиб турган. Муқова ва қопқоқжилдни тайёрлаш жараёни ғоят мураккаб бўлган. Унда “ҳафтжўш” деб аталган бостирма тахтачалар (штамповка) га бўрттирма турли-туман расмлар, нақшлар ишланган. Уларни тахтачалар ёки исканжага солиб оҳиста-оҳиста қисиб қуритилган.

Қўллэзма китобларнинг бадиий безаклари

Қўллэзма китобларнинг бадиий безаги уларга ишланган шамс (форзац), туғро, лавҳа, унвон (заставка), зарварақ (шмуцтитул), қўш зарварақ, сарлавҳа, доира, миниатюра, жадвал, геометрик шакллар, нақш ва зийнатлар, хат тури (услуби), хат ранги, хотимада акс этган.

Шамс (форзац). Санъатнинг бу нафис тури энг нодир китобларга ишланган. Кўриниши: асарнинг илк саҳифасига ёруғлик сочиб турган кун тасвири нақш ишланиб, ўртасига асар номи ёзилади. Аксар ҳолларда саҳифанинг тевараги ҳам нақшга ўралган бўлади.

Туғро. Баъзи қўллэзма китоблар илк саҳифасининг орқа томонига қорада чизилган белгилар шаклида бўлади. Бу белги давлатнинг ёки китобни кўчиритирган амалдорнинг белгисидир.

Лавҳа. Китобнинг икки саҳифасига ўзаро симметрик қилиб ўта нафис ҳолда ишланади. Безак марказида тўртбурчак қолдирилиб, унга матн битилади.

Унвон (заставка). Нодир қўллэзма таркибидағи асарлар кўп ҳолларда унвон билан очилади. Унвон асар бош бетининг учдан бирига ишланади. Баъзан унинг ичига асарнинг номи ёки басмала ёзилади.

Зарварақ (шмуцтитул). Илк саҳифанинг бутун юзига зарҳали сурат ишланади. Икки бетга ишлангани қўш зарварақ дейилади.

Сарлавҳа. Одатда, асосий матндан ажратилиб, бошқа рангда битилади. Сарлавҳа шамс, лавҳа, унвон, жадвалларга ҳам битилган бўлади.

Доира. Нодир девонларда кўп учрайди. У шеърларни ажратишга хизмат қиласади.

Миниатюра. Достонлар, тарихий асарларнинг ноёб нусхаларига асар сюжетига мос ҳолда ишланади. Диний китобларда миниатюра у қадар кўп эмас. Улар, асосан, нақшлар билан зийнатланган.

Жадвал. Қўллэзмаларда жадвал (рамка) ҳам бадиий безак бўлади. Улар бир чизиқли, икки, уч чизиқли, оддий ва зарҳал жадваллар бўлади. Жадвал чизилмаган қўллэзмалар ҳам кўп.

Геометрик шакллар. Баъзи ноёб китобларга турли геометрик шакллар ҳам ишланади.

Нақш ва зийнатлар. Ноёб қўллэзмаларда саҳифа юзига ёки матн теварагига турли кўриниш ва рангдаги нақшлар ишланган, ўсимлик ва гуллар тасвири берилган.

Хат тури (услуби). Шарқ қўллэзмаларида хат услуги ҳам китоб кўркини таъминлайди.

Хат ранги. Қўллэзмаларда хат ранги ҳам катта ўрин тутади. Айрим китобларда асосий матн қорада, сарлавҳалар, муҳим ўринлар кизилда ажратиб берилган.

Хотима. Қўллэзманинг охирги бетига матн тугагандан сўнг учбурчак чизилиб, баъзан нақшга олинади. Бу «хотима» аталади. Хотимага таърих битилади. Хотиманинг ёзувсизи ҳам бўлади.

Матннинг техник жиҳозлари: матннинг жойлашув тартиби, асосий матн, асосий матнни айириб кўрсатувчи белгилар, ҳошия, пойгир (погинация), таърих (сана).

Қўллэзма китобларнинг муқоваси. Муқова куйидаги қисмлардан ташкил топади: ўнг ва терс қисми “тоқа” дейилади, тоқаларни бирлаштириб турувчи ён қисми “таяки” бўлади, муқова-

ларнинг очқичи “лабаки”, жузвларни бирлаштириб турувчи қисми “шөъроза”, копқокли муқоваларнинг устки қисмидаги ярим бетни энлайдиган ёпқичи “лаъба” дейилади.

Хаттотлар

Араб алифбоси, хат санъати, номлари, ёзув тарихи ҳакидаги маълумотлар қўлланмамизнинг аввалги бўйлимларида берилган эди. Бу ерда машҳур хаттотлар ҳакида А. Муродов асаридан олинган ва бошқа маълумотларни келтирамиз.

Ўрта Осиёда китобат санъати асосан Амир Темур ва темурийлар даврида кенг йўлга қўйилди. Бунинг сабабларидан бири мўғуллар истилоси даврида кўп асарлар ёндирилган, яроқсиз ҳолга келтирилган эди. Уларни сақланиб қолган нусхалардан қайта кўчириш, китобат санъати ҳакида маҳсус асарлар яратиш кун тартибига қўйилди. Бу соҳада Хурросон пойтахти Ҳирот ўринак бўларли мавқега кўтарилилган эди. Шоҳруҳ Мирзо даврида шаклана бошлаган Ҳирот хаттотлик мактаби Бойсунғур Мирзо ташаббуси ва ҳомийлигига равнақ топган эди. Қирқ кўллётма асосида Фирдавсий «Шоҳнома»сини кўчириш, бадиий безаклар билан таъминлаш, унга миниатюралар яратишнинг ўзигина бу соҳада китобат санъатига дахлдор ижодкорлар Ҳирот маданий марказига тўплангандигидан дарак беради.

XVI асрда темурийлар салтанати инқизорзга юз тутгач, бу соҳадаги моҳир хаттот ва рассомлар Бухорога келган эдилар. Бу ерда ўзига хос бир Бухоро хаттотлик мактаби ривожлана бошланган эди. XVIII асрда Муҳаммад Раҳимхон I ва Муҳаммад Раҳимхон II замонасида Хоразмда, шу даврда Қўқонда китобат санъати равнақ топа бошлайди.

XIX асрда Тошкентда тошбосма вужудга келган эди.

Ҳирот мактабини бошқарган Бойсунғур Мирзо хузурида Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкирату-ш-шуаро» асарида калтирилишича, қирқ нафар моҳир хаттот мунтазам равишда китоблар кўчирилган. Бойсунғур Мирзонинг ўзи сулс ҳатининг устаси бўлган. Унинг атрофида Аҳмад Румий, Мир Имед, Мирзо Аҳмад, Дарвеш Абдулмажид Толқоний, Шамс Бойсунғурӣ, Ҳожа Абдулқодир Гўянда, Ҳожи Мақсуд, Мирзо Миракий, Бадиуззамон Мирзо – насталиқ ҳатини гўзал ёзган.

Алишер Навоий замонида Муҳаммад Котиб ҳаёти давомида Жомий асарларини кўчиригган.

Ҳожа Мир Али Табрезий “Қиблату-л-куттоб” (котиблар қибласи) деган лақабга сазовор бўлган. Уни Султонали Машҳадий насх ва таълиқ ҳатидин настаълиқ ҳатини ихтиро қилди, деб таърифлайди. Амир Темур даврида яшаган бу котибининг шогирдлари Мавлоно Жаъфар ва Мирабдулхайлар шуҳрат топган эдилар.

Мавлоний Симий шоир, хаттот ва ишо санъатида моҳир бўлган. Султонали Машҳадий “Хаттотлар шоҳи” лақабини олган бу хаттот настаълиқ ҳатида тенгсиз бўлган. У Навоийнинг “Илк девон” деб юритилаётган, шогирдлари, муҳлислари тартиб берган девонини ва бошқа девонларини ҳам кўчиригган:

Султон Али Машҳадий шогирдларидан:

Зайнуддин Маҳмуд, Султон Муҳаммад Нур, Султон Муҳаммад Хандон, Мавлоно Муҳаммад Қосим, Мавлоно Алоуддин ўз маҳоратлари билан ажралиб турганлар. Султон Алиниңг бир қанча истеъододли шогирдлари Машҳадда яшаб, ўз ҳунарларини юксалтириб борганлар. Султон Али Қойимий ҳам Жомий асарларини кўчиригган.

Амир Дўст Тералий Бобур Мирзо хизматида бўлган. Абдулжамил котиб эса Навоий “Ҳамса”сини кўчиригган ва шоирга бу нусха ғоят манзур бўлган. У Навоийнинг маҳсус котиби ҳисобланган. Дарвеш Муҳаммад Тоқий Ҳиравий шоир ва хаттот Навоий девонлари ва Жомий асарларини кўчиригган.

Султон Муҳаммад Хандон Султон Али Машҳадийнинг севимли ва кучли шогирдларидан бўлган. Навоий хизматида бўлган. Табиатан хушчакчақ бўлгани учун унга “Хандон” лақабини беришган. Бу хаттот муаммо соҳасида ва мусиқада ҳам машҳур бўлган. У найни яхши чалган.

Султон Муҳаммад Нур, Мирзо Ҳабиб, Кармон Ҳувар, Муҳаммад Ҳусайн Боҳарзий, Қосимшоҳ устозлиқ даражасига этишган Султон Муҳаммад Хандон шогирдларидан бўлганлар. Мавлоно Дарвеш Муҳаммад Самарқандий, шоир ва хаттот, Ҳожа Абдуллоҳ Марварид Баёний, шоир, хаттот ва мусиқачи бўлганлар. Бошқа котиблар ҳакида А. Муродов асарида маълумотлар мавжуд.

Бухоро мактаби намояндадаридан Пирмуҳаммад Сўфий, Бухорий, Миразд Бухорий, Султон Муҳаммад Бухорий, Мавлоно Самих, Устод Жаҳонгир, Мирак Бухорий, Мирали Ҳиравий, Дўст

Мұхаммад каби хаттотлар, музаххіб (күләзмаларга безак берувчи) шоир ҳам бўлганлар. Хат санъатининг аксар турларини пухта билгандар. Бухоро мактаби намояндалари санъати анъаналари XX асрга қадар давом этган. Уларниң бу шарафли ишлари туфайли жуда катта ҳажмдаги қадриятларимиз сақланиб қолган. Улар орасида Мұхаммад Шариф Садр Зиё каби маърифатли зотнинг китобхонаси ғоят бой бўлган, у биринчилардан бўлиб ўз китобхонасидаги китобларнинг илмий каталогини тузган. Садр Зиё яхши хаттот ҳам бўлган.

Самарқанд хаттотлик мактабида ҳам атоқли санъаткорлар фаолиятда бўлганлар. Улардан олтмишга яқин ўрганилган ва ўрганилмаган хаттотлар номи ва маълумотлар А. Муродов китобида келтирилади.

Хоразм мактаби XVI асрдан XIX аср сўнгига қадар адаб оламидаги машҳур асарлар (жумладан Фирдавсий “Шоҳнома”си, Жомийнинг “Хафт авранг”) ҳамда ўз худудларида яратилган турли бадиий, илмий, тарихий асарларни кўчиригандар.

Улар орасида Ҳамдалий, Нависий Хоразмий настаълик услубига янгилик киритган Абдураҳмон Хоразмий, унинг ўғли Анисий Хоразмий ва Абдузоҳир котиб хаттотлик санъатига оид “Саводи таълим” асарини ёзган машҳур шоир, таржимон Мунис Хоразмий ҳамда Мұхаммад Юсуф Рожий (шоир, мусиқашунос, таржимон), Комил Хоразмий (уста хаттот, наққош ва бастакор), Абдураззок Факирий (шоир, хаттот) – насх, сулс, райхоний ва бошқа хатлар устаси Мұхаммад Юсуф Чокар (шоир, мусиқашунос, хаттот), Мұхаммад Юсуф Баёний (шоир, тарихчи, табиб, таржимон, мусиқашунос ва хаттот)дан олдин ва кейин ўтган олтмишга яқин ижодкор ва улар кўчириган асарлар ҳакида маълумотлар мавжуд.

Фарғона мактаби хусусида сўз Заҳириддин Мұхаммад Бобурдан бошланади. У давлат арбоби, саркарда, шоир, олим, тарихчи ва ихтирочи хаттотdir. XVI–XVIII асрларда Фарғонада Навоий асарлари кўплаб кўчирилган. Кўкон хонларининг ичida шеърият соҳасида Фузулийга эргашган шоирлар бўлгани учун ҳам, Фузулий асарлари каби китобат қилинган. Қирқقا яқин хаттот XX асрга қадар фаолиятда бўлган.

Тошкент хаттотлари китобат санъатининг турли йўналишдаги намояндалари ҳакида ўзининг “Бадоев-л-вақоевъ” асарида маълумот берган Махмуд Восифий, Жалолиддин Юсуф Шоший Мұхаммад

Шайх Тошкандий Сайидхўжа ўғли (насх устаси), Обидий, Шоший (настаълик ва ёқутий хат устаси), Ҳожи Абдулваҳҳобхўжа Муҳркан (гўзал, нақшдор муҳрлар ясаган), Қори Фазлуллоҳ Миржалол ўғли Алмай (шоир, олим, машҳур “Калила ва Димна” таржимони, ўз тирноқларини хат ёзишга мослаб ўстирган хаттот), Мұхаммад Шоҳмурод Котиб (шикаста устаси). Бу устод Тошкентда Лихтин, Бердиёнбек, Каминский, Ильин, Порце ва бошқалар ташкил қилган литографияида күләзмалар кўчиришида фаол бўлган. Навоийнинг “Фаройибу-с-сифар”, “Наводиру-ш-шабоб” девонларини, “Хамса” достонларини, Жомий асарлари, Фузулий, Ҳофиз Шерозий, Амирӣ девонлари шулар жумласидандир. Шоҳмурод котиб шогирдларидан ўн тўрт номни устознинг истеъоддии шогирди, олим ва котиб А. Муродов ўз асарида келтирган. Шунингдек, Тошкент мактаби намояндаларидан яна йигирма нафар котиб, улар орасида Ибодулла Одилов ҳакида ҳам маълумот беради.

Наққошлиқ санъати

Наққошлиқ Шарқ халқларининг қадимий-амалий санъати ҳисобланади.

Китобат санъати тарихида нафис тасвир яратган машҳур миниатюрачи устозларнинг ўрни бекиёсdir. Наққошларнинг меҳнат куроллари нақш режаси, мўйқалам, чизгич, лок, бўёқ, бўз мато бўлган.

Наққошлиқ усул ва шакллари хилма-хилдир. Асосан “ислими” (гуллар) ва “грех” (тугунли, бурама банд) деб аталган.

Китобат санъатидан ташқари наққошлар деворларга нақшлар ишлаганлар.

Бу санъат мактабларидан Самарқанд мусавиirlари асарлари жуда кам сақланиб қолганини олимларимиз эътироф этадилар.

Самарқанд мактаби намуналаридан:

(1) Илми нужумга оид кўләзмага ишланган тасвиirlар (Париж Миллий кутубхонасида сақланмоқда).

(2) Осмон жисмлари ва юлдузлар олами тасвиirlangan 50 дан ортиқ расмлар мажмуаси (АҚШ Метрополит музейида сақланмоқда).

(3) “Шоҳнома”га номаълум мусавиir ишлаган кўләзма.

(4) “Шоҳнома” кўләзмасига ишланган миниатюралар.

(5) “Шоҳнома”га ишланган миниатюралар (бир қисми Британия музейида, бир қисми эса Лондондаги Честер Бинти мажмуасида сақланмоқда).

(6) Машхур мусаввир Абдулҳай (самарқандлик) чизган ўрдак расми ва жанг саҳнаси (Берлин музейида сақланмоқда).

(7) Саъдий “Гулистан”нига Абдулҳай ишлаган миниатюралар. Хаттот Султон Али Машҳадий.

(8) Номаълум тазкирага ишланган 12 та тасвир (Истанбулдаги Мусулмон санъати музейида сақланмоқда”).

(9) Халил Султоннинг 2 та расми (Истанбулдаги Юлдуз кутубхонасида сақланмоқда).

(10) Абдураҳмон Жомийнинг “Силсилоту-з-заҳоб” достонига Пир Аҳмад Богошамолий ишланган суратлар (Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шчедрин кутубхонасида сақланмоқда).

(11) Улугбек расми (АҚШ, Вашингтон Фрея санъат саройида сақланмоқда).

Ҳирот нағис тасвир мактаби намуналари, асосан, қўйидагилардан иборат:

(1) “Калила ва Димна” нинг икки нусхасига ишланган расмлар (Эрондаги Коҳи гулистон музейида сақланмоқда).

(2) Саъдийнинг “Гулистан”нига Жаъфар Табризий ишлаган миниатюралар.

(3) “Калила ва Димна”га ишланган миниатюралар (Истанбул Тўпқопи саройи кутубхонасида сақланади).

(4) Бойсунғур Мирзо ишлаган тасвирлар (Истанбул Тўпқопи саройи кутубхонасида сақланади).

(5) Ғиёсиддин Накқош ишлаган миниатюралар.

(6) Низомий Ганжавий “Панҷ ғанжи”га ишланган миниатюралар.

(7) Жомий девонига ишланган тасвирлар ва 16 та миниатюра (Нью-Йорк Метрополит музейида сақланмоқда).

(8) Навоийнинг “Фаройибу-с-сиғар” девонига ишланган 5 та миниатюра.

(9) Ҳусайн Ваиз Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсиний” асарига Мир Али Ҳиравий чизган 22 та миниатюра; хаттот ҳам ўзи.

Машхур наққош ва мусаввирлар

Мирак Накқош (Амир Рухулло – Камолиддин Беҳзоднинг устози – вафоти 1507 й.). У Ҳусайн Бойқаро ва Навоий топшириғига кўра қатор масжид ва мадрасалар, пештоқ ҳамда деворларига китобхонасида сақланмоқда).

балар (ёзувлари нақшлар) ишлаган. Мирак Накқош Низомий Ганжавий “Панҷ ғанж” ига 5 та миниатюра ишлаган. Бу асарга Беҳзод ишлаган миниатюралар ҳам бор (Британия музейида сақланмоқда).

Камолиддин Беҳзод. 1455 йил Ҳиротда камбағал ҳунарманд оиласида туғилган. Беҳзоднинг камолотга етишувидаги Ҳирот адабий-маданий муҳити ва Навоий катта роль ўйнаган. У 1487 йил Ҳусайн Бойқаронинг фармони билан Ҳирот салтанати кутубхонасига бошлиқ килиб тайинланади. 1507 йил Ҳиротни ишғол қилган Шайбонийхон 1510 йил сафавийлар Ҳиротни босиб олганда Беҳзод шу ҳукмдорлар ҳомийлигига ижод қиласди. 1512 йил Шоҳ Исмоил Сафавий Беҳзодни бир гуруҳ шогирдлари билан Табризга олиб кетади ва 1522 йили китобхона бошлиги этиб тайинлади. Бу йилларда Беҳзод ҳаёти бирмунча оғир кечган. Унинг Шоҳ Исмоил Сафавий расми бурчагига шикаста қаламли “факир Беҳзод жанги шутурон” (туялар жанги) асари тагига қалами шикаста “Номурод факир Беҳзод” деб имзо чеккани бежиз эмас. 1524 йили Шоҳ Исмоил Сафавий вафотидан сўнг таҳтга ўтирган унинг ўғли Шоҳ Тахмасп даврида катта обрў қозонди. Салтанат китобхонасини бошқарди.

Беҳзод 1537 йили Ҳиротда вафот қиласди. Кўхи Мухтор тоги этагидаги қабристонга дағн этилади. Баъзи манбаларда Беҳзод Табризда вафот қилган дейилган.

Беҳзод ишлаган миниатюра ва портретлар:

(1) Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома”сига ишланган миниатюралар.

(2) Ҳусайн Бойқаро мажлислари тасвир этилган расмлар муракқаси (альбоми), 40 дан ортиқ миниатюраси бор (Франция, Лувр музейида сақланади).

(3) Жомийнинг “Соломон ва Абсол” достонига ишланган миниатюралар (йўқолиб кетган).

(4) Ҳиротдаги “Боги бехишт” тасвири. Манбаларда ғоят тарьиф қилинади. Лекин у ҳам бизгача этиб келмаган.

(5) Ҳусрав Деҳлавий “Хамса”сига ишланган 33 та миниатюра (Берлин миллий кутубхонасида сақланади).

(6) Саъдийнинг “Бўстон” асарига ишланган миниатюралар (Мисрдаги Қоҳира музейида сақланмоқда).

(7) Ҳусайн Бойқаро портрети (Мисрдаги Дорул кутубхонасида сақланмоқда).

(8) Низомий “Панж ганж”ига ишланган миниатюралар. Беҳзод, Қосим Али, Чехракушо ва Оқо Мирак мўйқаламига мансуб.

(9) Саъдий “Гулистон”ига ишланган миниатюралар (Қоҳира миллий кутубхонасида сакланмоқда).

(10) Жомий портрети (Эрон, Ҳазрати Ризо кутубхонасида сакланади).

(11) “Дарвешлар рақси”. Жомий девони таркибида (АҚШ, Метрополит музейида сакланади).

(12) Кампир ва ёш йигит тасвири. Тоғ, дарё қирғоги манзараси гўзал акс этган (АҚШда Нью-Йорк Говеркъян шахсий коллекциясида сакланади).

(13) Баҳромгўр овда. Низомий “Хафт пайкар” достонига ишланган миниатюралар.

(14) Шоҳ Тахмасп – Шоҳ Исмоил Сафавий расми (Париждаги Лувр музейида сакланмоқда).

(15) Абдураҳмон Жомийнинг жияни шоир Абдуллоҳ Хотифий расми.

(16) Муҳаммад Шайбонийхон расми.

Беҳзод чизган яна 12 та миниатюра Қоҳирада нашр этилган “Беҳзод миниатюра мактабига оид мўъжаз тасвиirlардан намуналар” деб номланган Муҳаммад Мустафо тайёрлаган мажмууда мавжуд. Улар орасида “Ҳусайн Бойқаро зиёфати”, “Бир масжид ичидаги манзара”, “Расмий истиқбол”, “Юсуф ва Зулайҳо” киссаси Беҳзод ва унинг шогирдлари томонидан яратилган.

Беҳзоднинг шогирдлари:

Султон Муҳаммад. Табризда яшаган. У машҳур Султон Али Машҳадийнинг ўғли бўлган. Унинг Фирдавсий, Низомий, Ҳофиз асрлари, номаълум бир девон учун яратган миниатюралари ва Шоҳ Тахмасп портрети АҚШдаги Бостон кутубхонасида, Париж мажмуаларида сакланмоқда.

Қосим Али Ҳирот ва Табризда яшаган. Ҳондамир “Равзатус-сафо” нинг еттинчи жилдида уни таъриф қиласди. Ишлари:

(1) Низомий “Хамса” сига 7 та миниатюра ишлаган.

(2) Навоий девонига ишланган 2 миниатюраси Англияда Оксфорд, Бодлеан кутубхонасида сакланмоқда. “Боғда сўфийлар мажлиси”ни акс эттирган миниатюра катта маҳорат билан ишланган.

(3) Беҳзод портрети. Истанбул Донишгоҳи китобхонасида сакланмоқда. Афғон олими А. Ҳабибий, Қосим Али Ҳиротдан Табризга кўчгандан сўнг яратилган деб ёзади.

Навоий девонларига ишланган миниатюралардан улардан бир қанчаси АҚШ Метрополит музейида сакланмоқда.

Дарвеш Муҳаммад. У ҳам Ҳирот мактабининг вакили. Кейинчалик Ҳиндистонда Ҳумоюн Мирзо саройида фаолият кўрсатган. У ишлаган миниатюралар Ҳамон қўлга киритилмаган.

Устод Муҳаммадий. Султон Муҳаммаднинг ўғли. Асрлари:

(1) “Маҳбус мўғул шаҳзодаси” тасвири (АҚШ, Бостон тасвирий санъат асрлари музейида, Голобо коллекциясида сакланмоқда).

(2) “Шарафнома”даги шаҳзода расми (музиқачилар ва куй эшиитувчи шаҳзода).

(3) Низомий “Хамса”сига ишланган 1 миниатюра, гуллаган дараҳт остида қизга йигит қадаҳ тутмокда (АҚШ, Бостон музейида сакланмоқда).

(4) “Дарвешлар таом устида”.

(5) “Дарвеш ва деҳқонлар тасвири”.

Музаффар Али. Беҳзод акасининг ўғли (1505 йили туғилган).

(1) Низомий «Хамса»сига ишланган бир миниатюра (Британия музейида сакланмоқда).

(2) Исфаҳон шаҳридаги (Эрон) «Чиҳил сутун» қасри безаклари ва расмлари.

(1) “Шоҳнома”га ишланган миниатюралар. Асосан Султон Муҳаммад, иккитаси эса Музаффар Али ва Мирсаид Али қаламига мансуб.

Беҳзоднинг Юсуф Мулло, Рустам Али, Шайхзода Хуресоний, Шоҳ Музаффар, Мирсаид Али, Маҳмуд Музахҳиб, Абдулло каби истеъододли шогирдлари бўлган. Улардан рассом ва миниатюрачи Маҳмуд Музахҳибининг 30 га яқин асари маълум. Шулардан Алишер Навоий портрети (Эрон, Машҳад, Осори, Куддус мажмуасида сакланади). Бу асар 1936 йил АҚШ да “Art Islamica” журналида эълон қилинган. 1940 йилда эса А.А. Семенов рисоласида жигарранг ва оқ бўёқларда эълон қилинди. Бу расм кейинчалик тақрор-такрор шоир лиbosлари ва бош кийими ҳамда салласи рангини ҳар гал ўзгартириб нашр қилинди, тақвимларда ҳам берилиди. Лекин асл нусхадан “Тафаккур” журнали 1997 йил, 2-сонда Эрон, Машҳад, Куддус кутубхонасидан С. Фаниева келтириб нашр қилдирди.

Абдулло Бухоро тасвирий санъат мактаби вакили, Беҳзоднинг шогирди. Ишлари:

(1) Саъдийнинг “Бўстон”ига ишланган тасвир ва миниатюралар. Айримлари Маҳмуд Музаххид қаламига мансуб (кўлёзма Португалия, Лиссабон К. Гилбенкан коллекциясида сакланмоқда).

(2) “Севишганлар”, “Дийдор” ва “Қатл” деб шартли ном олган миниатюралар М. Весер коллекциясида сакланади.

(3) Жомийнинг “Тухфату-л-ахрор” номли қасидасига ишланган “Бир чолнинг гўзал қиз билан мулоқоти” миниатюраси.

(4) Саъдий “Бўстон”ига (бухоролик машхур хаттот кўчирган) ишлаган икки миниатюра (Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шчедрин номидаги халқ кутубхонасида сакланмоқда).

2000 йил ноябринда ЮНЕСКО қарори билан Европада “Шарқ Рафаэли” деб таърифланган Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллиги жаҳон бўйлаб кенг нишонланди. Ўзбекистонда катта халқаро анжуман, нодир кўргазмалар ўтказилди. Ўзбекистондаги меъморчилик, тасвирий ва амалий безак санъати соҳалари учун Камолиддин Беҳзод номидаги Ўзбекистон Давлат Мукофоти таъсис этилди.

Ўзбек рассомлари ичida Беҳзод анъаналарини давом эттиратган миниатюра санъати намояндадари ижоди алоҳида таҳсинга лойик.

Олим Шарофиддиновнинг Алишер Навоий ҳаёт йўлини ёритишига бағишиланган китобида (Тошкент, 1939, лотинча ҳарфда, шу йили рус тилида нашр этилган) занжирбанд шеър расми “Алишер Навоийнинг ўзи ҳақида ўзи ишлаган расм. Ҳирот, 1500 йил” деган изоҳ билан берилган эди. 1940 йил нашр қилинган “Радоначальник узбекской литературы” тўпламида ҳам шу расм А.А. Семёновнинг “Алишер Навоий даврида Ҳирот санъати” мақолосида ҳам берилган эди. Лекин ҳар икки китобда ҳам расм қачон топилгани, асл нусхаси қаерда сакланади – бу ҳақда ҳеч қандай маълумот берилмаган. Кейинчалик ҳам мазкур расм миниатюра ҳақида маълумот урнатмадик ва шу соҳа мутахассисларига мурожаат қилдик. 1929 йили Европада Ананд К. Кумарасвами ва Армениг Сакисиян тарафидан икки альбом (Париж ва Брюссель) нашри билан санъатшунос олим академик Г.А. Пугаченкованинг шахсий китобхоналарида танишишига мусассар бўлдик (1982 йил, февраль).

В. Голубевнинг Бостон нафис санъатлар музейида саклананаётган Шарқ миниатюралари коллекциясининг муайян қисмини ўз ичига олган Ананд. К. Кумарасвами альбомининг 48- саҳифасида учта Ҳирот тасвирий санъати мактабининг намуналари берилган.

Шулардан бири “Занжирбанд шер” тасвиридир. Миниатюранинг икки тарафига ўрама нақш орасида гуллар чизилиб, жадвал тортилган. Юқори чап бурчакда галдор безаклар орасида “Амали амир”, пастки бурчакда эса “Алишер”, шернинг расми остида эса “Амали амир Алишер” деган ёзувлар бор. Бурчаклардаги ҳарфлар қалам билан ёзилмаган, улар гулдор нақшлар солинган оқ ранг-қоғозда ҳарфлар тасвири қолдирилган. Пастдаги ёзув эса сиёҳ билан қаламда битилган.

“Занжирбанд шер” расми А. Сакисиян альбомида 113- ракамда берилган. Ношир 62-63- саҳифаларда Бобурга таяниб, Навоий ҳақида маълумотлар беради ва ўзидан шоирнинг дурустгина расом ҳам бўлганини, “Занжирбанд шер” Беҳзоднинг ҳомийси Алишер Навоий мўйқаламига мансуб деб ёзади.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, Навоий ўзининг “Тухфату-л-ахрор” қасидасининг учинчи байтида занжирбанд шер тимсолини келтиради:

Қайди зийнат масқати фарру шукуҳи Хусравист,

Шери занжиси зи шери беша камсавлаттар-аст.

(Яъни, Зебу зийнатга ҳирс қўйган подшоҳлик шаън-шавкати ва шукуҳини барбод қилишдир. Занжирбанд шернинг савлати ўрмон шерининг савлатидан камроқдир).

Бинобарин, Навоий “Занжирбанд шер” расмини чизган бўлса, ўзини назарда тутдими ёхуд мазкур байтдагидек ғоявий муддаосини тасвирий санъат воситасида ифодаламокчи бўлганми, узулкесил бир хулосага келиш маҳол.

Кумарасвами альбомида 36 рақами остида Устоз Мурод номли нақошнинг “Занжирбанд шер” тасвирини келтиради. Лекин бу шернинг киёфаси анчайин тажавузкор.

Кўринадики, “Занжирбанд шер” тимсоли Шарқ миниатюра санъати анъанасида мавжуд бўлган. Хуллас, Навоийга нисбат бурилиб келаётган “Занжирбанд шер” тасвири Европада икки марта нашр этилган. Асл нусхаси эса Бостон (АҚШ) Нафис тасвирий санъат музейида сакланади.

Навоий асарларининг ЎзФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сакланадиган кўлёзмалари фиҳристи нашр қилинган.

Шоирнинг кулиётлари:

(1) Туркия, Истанбул, Тўпқопи, Реван кутубхонасида китобат қилинган. 901-902 / 1495-1497 йил.

Хаттот Дарвеш Мұхаммад Тоқиј. Навоийнинг 26 асаридан таркиб топган, 802 варақ. Шоирнинг ўзи тузган дейилади.

(2) Санкт-Петербург Салтиков-Шчедрин номидаги давлат халқ кутубхонасида сақланади. Китобат йили 904 / 1498-1499. Унда факат ўн иккى асар мавжуд. Котиб исми йўқолган қисмларда бўлиши керак дейилади.

(3) Франция, Париж миллий кутубхонаси, китобат йили 932-933 / 1526-1527, котиби – Али Хижроний.

(4) Санкт-Петербург Салтиков-Шчедрин номидаги давлат халқ кутубхонасидаги куллиётда 27 асар бор, 227 варақ.

(5) Лондон, Британия қироллиги Осиё жамияти кутубхонаси. 16 асар бор, 632 варақ.

(6) Истанбул Сулаймония кутубхонаси. 26 асар бор, 787 варақ.

Яна Тошкентда давлат Навоий номидаги адабиёт музейи фондида Навоийнинг иккى куллиёти сақланади. Уларда 16 ва 18 асар бор.

Истанбул, Реван китобхонаси ва Париж миллий китобхонасидағи куллиёт таркиби бир хил. Уларда “Маҳбубу-л-кулуб” ва “Муаммо рисоласи” ҳамда “Дебоча” ўрин олмаган. Шунингдек, “Девони Фоний”, “Сийтай зарурия”, “Фусули арбаъа”, “Рисолаи муфрадот” (“Муаммо рисоласи”) ҳам мазкур иккى куллиётда мавжуд эмас. Кўринадики, Навоий туркий тилда ёзилган асарларинигина куллиётга киритган.

Навоий “Мажолису-н-нафоис”да китобат санъатига дахлдор 24 нафар ижодкор номини келтиради.


Китобат санъати кейинги асрларда ҳам ривожланди. Тазкира ва бошқа манбаларда маълумотлар мавжуд.

Сўроқ ва топшириқлар:

1. Ўрта асрларда хаттотлик санъати қай даражса такомил топгани тўғрисида маълумот беринг.
2. Машҳур хаттотлар ҳақида материал йигинг.
3. Китоб ва унинг бадиий безаклари тўғрисида сўзлаб беринг. Кўлёзма китобнинг бадиий безакларини акс эттирувчи расмлар тўпланг.
4. Машҳур мусаввирлар ҳақида маълумот йигинг.
5. Шарқ миниатюраси ва унинг ўзига хос жиҳатлари нималарда кўринади?

ҚЎШИМЧАЛАР

ЭСКИ ЁЗУВЛАР ВА КИТОБАТ САНЪАТИДАН ЎРНАКЛАР




Кул тигин битиги


Хаттоу Дарсөн ЧАЛАМЧИЦЫЙН Нийгмийнгээ 26 аасар
таркий топтан, 802 нарах Швиринийг үзүүгээн дэйвлэлийн



Билга хоқон битиги



“Хуастуанивт”нинг уйгур ёзувили қўлёзмасидан




Моний мазмундаги уйгур ёзуви күлөзма

2

“Күтадгы билиг”нинг уйғур ёзувли қўллөзмасидан

ЁЗУВ ТАРИХИ ВА КИТОБАТ САНЬЯТИ ТҮГРИСИДА МАЪЛУМОТ БЕРУВЧИ АДАБИЁТ



Мавлоно Лутфий девони қўлёзмасидан

1. Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил. –Тошкент, 1982.
2. Аманжолов А.С. История и теория древнетюркского письма. –Алматы, 2003.
3. Айдаров Г. Язык орхонских памятников древнетюркской письменности VIII века. –Алма-Ата, 1971.
4. Аширафий М.М. Бухарская школа миниатюрной живописи 40-70 гг. XVI в. –Душанбе, 1979.
5. Васильев Д.Д. Графический фонд памятников тюркской рукнической письменности Азиатского ареала. –М., 1983.
6. Дирингер Д. Алфавит. –М., 1963.
7. Джумагулов Ч. Эпиграфика Киргизии. I. –Фрунзе, 1963.
8. Исҳоқов М., Раҳмонов Н., Содиқов Қ., Тўхлиев Б. Ўлмас обидалар (Ўзбекистон халқарининг қадимги ёзма ёдгорликлари бўйича тадқиқотлар). –Тошкент, 1989.
9. Исҳоқов М., Содиқов Қ. Китоб – маънавият кўзгуси. “Тафаккур” журнали. –Тошкент, 1996 (4). 28-35- б.
10. Кади-Ахмед. Трактат о каллиграфах и художниках. –М.-Л., 1947.
11. Кариев А.Ю. Художественно-технические материалы средневековой рукописи. –Баку, 1966.
12. Костыгова Г. И. Образцы каллиграфии Ирана и Средней Азии XIV-XV вв. Т. XVI. –М., 1963.
13. Мадраимов А. Алишер Навоий ва китобат санъати. - Шарқ миниатюра мактаблари. –Тошкент, 1989.
14. Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. – М.-Л., 1951.
15. Малов С.Е. Енисейская письменность тюрков. –М.-Л., 1952.
16. Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии. –М.-Л., 1959.
17. Муниров Қ., Носиров А. Алишер Навоий қўлёзма асарлари каталоги. –Тошкент, 1970.
18. Муродов А. Ўрта Осиё ҳаттотлиқ санъати тарихидан. – Тошкент, 1971.
19. Норқулов Н. Камолиддин Беҳзод. –Тошкент, 1964.

20. Норқулов Н., Низомиддинов И. Миниатюра тарихидан лав-халар. –Тошкент, 1970.
21. Радлов В.В. Атлас древностей Монголии. Труды Орхонской экспедиции. I-IV. –СПБ., 1892, 1893, 1896, 1899.
22. Радлов В.В. К вопросу об уйгурах. –СПБ., 1893.
23. Семенов А.А. Портреты эпохи Навои. –Ташкент, 1940.
24. Семенов А.А. Гератская художественная рукопись эпохи Навои и ее творцы. – Сборник статьи “Алишер Навои”. – М.-Л., 1946.
25. Содиқов Қ. Қадимги турккий ёзувлар. –Тошкент, 1995.
26. Содиқов Қ. Эски уйғур ёзуви. –Тошкент, 1989.
27. Содиқов Қ. Аждододларимиз битиги. –Тошкент, 1990.
28. Содиқов Қ. Уйғур ёзуви тарихи (Манбашинослик ва матн-шунослик масалалари). –Тошкент, 1997.
29. Содиқов Қ. “Қадимги турккий ёзувлар” ва “Қадимги турккий тил” фанларидан дарс матнлари. –Тошкент, 2000.
30. Содиқов Қ. Кўк турк битиглари: матн ва унинг тарихий талқини. –Тошкент, 2004.
31. Содиқов Қ. Турккий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши. –Тошкент, 2006.
32. Сулаймонов Х. Алишер Навоий куллиёти қўлъёзмалари тадқиқотидан. // “Адабий мерос”, №3.–Тошкент, 1973.
33. Усмонов О. Камолдин Беҳзод ва унинг наққошилик мактаби. –Тошкент, 1977.
34. Эшмуҳамедова М. “Девони ҳикмат” қўлъёзмалари. –Тошкент, 2003.
35. Шамухамедов А. Виды арабского письма. –Ташкент, 1985.
36. Шайбонийлар қабртошларидаги битиклар. Наирга тайёрловчилар: Б. Бобојонов, А. Мўминов, Ю. Пауль. –Висбоден, 1997.
37. Қаюмов А., Исҳоқов М., Отахўжасаев А., Содиқов Қ. Қадимги ёзма ёдгорликлар. –Тошкент, 2000.
38. Sertkaya O.F. Göktürk Tarihinin Meseleleri. –Ankara, 1995.
39. Orhun. Moğolistan Tarihi Eserleri Atlası. –Ankara, 1995.
40. Moğolistandaki Türk Anıtları Projesi Albümü. Hazırlayanlar: O.F. Sertkaya, C. Alyılmaz, T. Battulga. –Ankara, 2001.

Қайдлар учун:

Негом даври асарларни сабаблаштиришадан (тадоби таълиф)...	49
Ежелгем даври қабртошларидаги созулар...	54
УЧИНЧИ БЎЛИМ	ММЛҔҲА ИЧНИЧНА
КИТОБАТ САНЪАТИ	МНГИЛЛАХ ЙІСОЙНКАРЧАМ
д. Барои зодорликнорий матнларни сабаблаштиришадан...	59
Г. Бузургузорларни...	61
Узбек тарзий санъати...	62
И. Кўз-бозма жоноблаштирилганни биникарни сабаблаштиришадан...	64
II. Узбекнорий санъати...	65
С1. Накшонлик санъати...	69
С2. Манзур тажхид ва мусаввир...	70
С3. Кўнглифий...	70
С4. Қўнглифий...	71
С5. Эски ёзувлар ва китобат санъати	77
С6. Үргаклар...	77
С7. Ёзув тарихи ва китобат санъати тўрисида...	83
С8. Маълумот берувчи адъиёт...	83
С9...	84
С10...	84
С11...	84
С12...	84
С13...	84
С14...	84
С15...	84
С16...	84
С17...	84
С18...	84
С19...	84
С20...	84
С21...	84
С22...	84
С23...	84
С24...	84
С25...	84
С26...	84
С27...	84
С28...	84
С29...	84
С30...	84
С31...	84
С32...	84
С33...	84
С34...	84
С35...	84
С36...	84
С37...	84
С38...	84
С39...	84
С40...	84
С41...	84
С42...	84
С43...	84
С44...	84
С45...	84
С46...	84
С47...	84
С48...	84
С49...	84
С50...	84
С51...	84
С52...	84
С53...	84
С54...	84
С55...	84
С56...	84
С57...	84
С58...	84
С59...	84
С60...	84
С61...	84
С62...	84
С63...	84
С64...	84
С65...	84
С66...	84
С67...	84
С68...	84
С69...	84
С70...	84
С71...	84
С72...	84
С73...	84
С74...	84
С75...	84
С76...	84
С77...	84
С78...	84
С79...	84
С80...	84
С81...	84
С82...	84
С83...	84
С84...	84
С85...	84
С86...	84
С87...	84
С88...	84
С89...	84
С90...	84
С91...	84
С92...	84
С93...	84
С94...	84
С95...	84
С96...	84
С97...	84
С98...	84
С99...	84
С100...	84
С101...	84
С102...	84
С103...	84
С104...	84
С105...	84
С106...	84
С107...	84
С108...	84
С109...	84
С110...	84
С111...	84
С112...	84
С113...	84
С114...	84
С115...	84
С116...	84
С117...	84
С118...	84
С119...	84
С120...	84
С121...	84
С122...	84
С123...	84
С124...	84
С125...	84
С126...	84
С127...	84
С128...	84
С129...	84
С130...	84
С131...	84
С132...	84
С133...	84
С134...	84
С135...	84
С136...	84
С137...	84
С138...	84
С139...	84
С140...	84
С141...	84
С142...	84
С143...	84
С144...	84
С145...	84
С146...	84
С147...	84
С148...	84
С149...	84
С150...	84
С151...	84
С152...	84
С153...	84
С154...	84
С155...	84
С156...	84
С157...	84
С158...	84
С159...	84
С160...	84
С161...	84
С162...	84
С163...	84
С164...	84
С165...	84
С166...	84
С167...	84
С168...	84
С169...	84
С170...	84
С171...	84
С172...	84
С173...	84
С174...	84
С175...	84
С176...	84
С177...	84
С178...	84
С179...	84
С180...	84
С181...	84
С182...	84
С183...	84
С184...	84
С185...	84
С186...	84
С187...	84
С188...	84
С189...	84
С190...	84
С191...	84
С192...	84
С193...	84
С194...	84
С195...	84
С196...	84
С197...	84
С198...	84
С199...	84
С200...	84
С201...	84
С202...	84
С203...	84
С204...	84
С205...	84
С206...	84
С207...	84
С208...	84
С209...	84
С210...	84
С211...	84
С212...	84
С213...	84
С214...	84
С215...	84
С216...	84
С217...	84
С218...	84
С219...	84
С220...	84
С221...	84
С222...	84
С223...	84
С224...	84
С225...	84
С226...	84
С227...	84
С228...	84
С229...	84
С230...	84
С231...	84
С232...	84
С233...	84
С234...	84
С235...	84
С236...	84
С237...	84
С238...	84
С239...	84
С240...	84
С241...	84
С242...	84
С243...	84
С244...	84
С245...	84
С246...	84
С247...	84
С248...	84
С249...	84
С250...	84
С251...	84
С252...	84
С253...	84
С254...	84
С255...	84
С256...	84
С257...	84
С258...	84
С259...	84
С260...	84
С261...	84
С262...	84
С263...	84
С264...	84
С265...	84
С266...	84
С267...	84
С268...	84
С269...	84
С270...	84
С271...	84
С272...	84
С273...	84
С274...	84
С275...	84
С276...	84
С277...	84
С278...	84
С279...	84
С280...	84
С281...	84
С282...	84
С283...	84
С284...	84
С285...	84
С286...	84
С287...	84
С288...	84
С289...	84
С290...	84
С291...	84
С292...	84
С293...	84
С294...	84
С295...	84
С296...	84
С297...	84
С298...	84
С299...	84
С300...	84
С301...	84
С302...	84
С303...	84
С304...	84
С305...	84
С306...	84
С307...	84
С308...	84
С309...	84
С310...	84
С311...	84
С312...	84
С313...	84
С314...	84
С315...	84
С316...	84
С317...	84
С318...	84
С319...	84
С320...	84
С321...	84
С322...	84
С323...	84
С324...	84
С325...	84
С326...	84
С327...	84
С328...	84
С329...	84
С330...	84
С331...	84
С332...	84
С333...	84
С334...	84
С335...	84
С336...	84
С337...	84
С338...	84
С339...	84
С340...	84
С341...	84
С342...	84
С343...	84
С344...	84
С345...	84
С346...	84
С347...	84
С348...	84
С349...	84
С350...	84
С351...	84
С352...	84
С353...	84
С354...	84
С355...	84
С356...	84
С357...	84
С358...	84
С359...	84
С360...	84
С361...	84
С362...	84
С363...	84
С364...	84
С365...	84
С366...	84
С367...	84
С368...	84
С369...	84
С370...	84
С371...	84
С372...	84
С373...	84
С374...	84
С375...	84
С376...	84
С377...	84
С378...	84
С379...	84
С380...	84
С381...	84
С382...	84
С383...	84
С384...	84
С385...	84
С386...	84
С387...	84
С388...	84
С389...	84
С390...	84
С391...	84
С392...	84
С393...	84
С394...	84
С395...	84
С396...	84
С397...	84
С398...	84
С399...	84
С400...	84
С401...	84
С402...	84
С403...	84
С404...	84
С405...	84
С406...	84
С407...	84
С408...	84
С409...	84
С410...	84
С411...	84
С412...	84
С413...	84
С414...	84
С415...	84
С416...	84
С417...	84
С418...	84
С419...	84
С420...	84
С421...	84
С422...	84
С423...	84
С424...	84
С425...	84
С426...	84
С427...	84
С428...	84
С429...	84
С430...	84
С431...	84
С432...	84
С433...	84
С434...	84
С435...	84
С436...	84
С437...	84
С438...	84
С439...	84
С440...	84
С441...	84
С442...	84
С443...	84
С444...	84
С445...	84
С446...	84
С447...	84
С448...	84
С449...	84
С450...	84
С451...	84
С452...	84
С453...	84
С454...	84
С455...	84
С456...	84
С457...	84
С458...	84
С459...	84
С460...	84
С461...	84
С462...	84
С463...	84
С464...	84
С465...	84
С466...	84
С467...	84
С468...	84
С469...	84
С470...	84
С471...	84
С472...	84
С473...	84
С474...	84
С475...	84
С476...	84
С477...	84
С478...	84
С479...	84
С480...	84
С481...	84
С4	

МУНДАРИЖА	
КИРИШ	3
БИРИНЧИ БЎЛИМ	
МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ ЁЗУВ МАДАНИЯТИ ТАРИХИ	6
КўК ТУРК ЁЗУВИ	7
Аждодларимизнинг улугъ кашфиёти	7
Кўк турк алифбосининг имло принциплари	11
Кўк турк ёзуви ёдгорликлари	11
АВЕСТА ЁЗУВИ	15
ҚАДИМГИ ХОРАЗМ ЁЗУВИ	15
Суғд алифбоси	16
УЙГУР ЁЗУВИ	18
Уйғур алифбосининг тизими ва имло принциплари	21
Уйғур ёзуви ёдгорликлари	23
МОНИЙ ЁЗУВИ	35
БРАҲМА ЁЗУВИ	36
СУРЁНИЙ ЁЗУВИ	36
АРАБ ЁЗУВИ	38
АРАБ АЛИФБОСИ АСОСИДАГИ ТУРКИЙ ЁЗУВ	38
Араб хатининг турлари	40
СИҒНАҚ ЁЗУВИ	42
ХАТТ-И БОБУРИЙ	42
ЛОТИН ЁЗУВИ	43
ИККИНЧИ БЎЛИМ	
КИТОБ ТУРЛАРИ	45
Уйғур ёзувли қўлёзма китоб	45

Ислом даври асарларининг анъанавий компонентлари (одоби таълиф)	49
Ислом даври қабртошларидағи ёзувлар	54
УЧИНЧИ БЎЛИМ	
КИТОБАТ САНЬАТИ	59
Ёзув ёдгорликларининг материали	59
Ёзув куроллари	61
Хаттотлик санъати	62
Қўлёзма китобларнинг бадиий безаклари	64
Хаттотлар	66
Наққошлиқ санъати	69
Машхур наққош ва мусавирлар	70
ҚЎШИМЧАЛАР	
ЭСКИ ЁЗУВЛАР ВА КИТОБАТ САНЬАТИДАН	
ҮРНАКЛАР	77
ЁЗУВ ТАРИХИ ВА КИТОБАТ САНЬАТИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ БЕРУВЧИ АДАБИЁТ	83

ИДЕНТИФИКАЦИЯ
СИГНАЛОВ
СИСТЕМ
СИГНАЛИЗАЦИИ
(фирма и додо)

Суйима Фаниева, Қосимжон Содиков. Ёзув тарихи ва китобат
санъати (ўкув қўлланма). –Т.: ТошДШИ, 2013 88 б.

Техник муҳаррир:
М.М. Зарифов

Компьютер версткаси:
Д.У. Арифжанова,
Н. Раҳматуллаев

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим
вазирлигининг 2013 йил 19 апрелдаги 128-сонли бўйргига асосан
нашрга тавсия этилган (рўйхатга олиш рақами 128-094)

БРАХМА ЁЗУВИ 36
СУРʼИЙ ЁЗУВИ 36
АРАБ ЁЗУВИ 38
Босишига руҳсат этилди 24.10.2013.
АРМ Бичими 60x84 1/16. Шартли 5,5 б.т. 100 нусхада босилди.

Араб катинни турларе 40
СИЛАХ 41
ХАТИРА 42
ЛОГОТИП ЙОЛУРИ 43
ИККИЧИ БУЛИМ 44
КИТОБ ЙОРЛАНДИРИМОВАНИ 45

© Суйима Фаниева, Қосимжон Содиков
© Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2013